


ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА
МИЛЛИЙ РАЊГТАСВИР КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ

КУЛТАШЕВА НИГОРАХОН
ДАНИЯРОВНА



КУЛТАШЕВА НИГОРАХОН ДАНИЯРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА МИЛЛИЙ
РАНГТАСВИР КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ**

Тошкент – 2023

УЎК 75.041-055.2(575.1)(09)

КБК 85.1

Култашева Н. Д.

Ўзбекистон музейларида миллий рангтасвир коллекциялари: монография / Н.Д.Култашева. –Тошкент, Lesson press, 2023. – 172 б

Илмий муҳаррир –

Н. Р. Ахмедова, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар –

Д. М. Қодирова, санъатшунослик фанлари доктори, “San’at” журнали Бош муҳаррири

Д. Р. Алимкулова, “Санъат тарихи ва назарияси” кафедраси доценти, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Монографияда Ўзбекистон миллий рангтасвир ривожига билан боғлиқ асосий бадий жараёнлар Ўзбекистон давлат санъат музейи, Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейидаги рангтасвир коллекциялари асосида янгиланган методологик ёндашувда ўрганилган. миллий рангтасвир генезиси ва бадий тенденциялар ривожига тарихий-маданий жараён кесимида қўриб чиқилган.

Китоб санъатшунослик, музейшунослик ва тарих соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган.

Монография Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув-услубий Кенгашининг 2022 йил 27 октябрдаги 2022-2023 ўқув йили 3-сонли баённомасига биноан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9415-2-6

© Култашева Н. Д., 2023.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
------------	---

I БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

§1.1. Миллий рангтасвирни ўрганишнинг тарихий-назарий аспектлари.....	9
--	---

§1.2. Ўзбекистон рангтасвири тарихини тадқиқ этиш замонавий музейшунослик масалалари кесимида	25
--	----

II БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА МИЛЛИЙ РАНГТАСВИР КОЛЛЕКЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ (XX – XXI АСР БОШИ)

§2.1. 1920-1980 йиллар ижтимоий-маданий ва ғоявий контекстида коллекциянинг шаклланиши	51
---	----

§2.2. Мустақиллик даврида коллекциянинг янгиланиши муаммолари.....	81
---	----

III БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИ МУЗЕЙ ТЎПЛАМЛАРИДА: ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

§3.1. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида рангтасвир тўпламининг шаклланиши	98
--	----

§3.2. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи рангтасвир коллекцияси шаклланишидаги хусусиятлар.....	115
--	-----

ХУЛОСА	137
--------------	-----

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	142
--	-----

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР.....	152
---------------------	-----

*Ҳаётимдаги энг муҳим инсон – отам,
Дониёр Тошнўлат ўгли хотираларига
бағишлайман. Илм йўлига олиб
кирганингиз учун Раҳмат!*

КИРИШ

Интеграция жараёни кучайиб, глобаллашув чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда турли халқларнинг маданий мероси ва замонавий ютуқларини қамраб олган жаҳон маданиятининг турфа хиллиги аҳамияти борган сари ўсиб бормоқда. Ўзбекистон тасвирий санъати, хусусан, рангтасвирининг ўзига хослиги халқимиз маданий меросининг маънавий-эстетик ва тарихий асослари билан белгиланади. Ўзининг тадрижий ривожланиши жараёнида доимий равишда янги пластик ғоялар билан бойиб борган миллий рангтасвир халқнинг миллий ўзига хос жиҳатларини намоён этишга муваффақ бўлган.

Жаҳон санъатшунослигида рангтасвирни тадқиқ этишда миллий ўзига хослик, бадиий жараёнлар хусусиятлари ва ёрқин феноменлар ижоди таҳлили асосий мақсад қилиб қўйилмоқда. Кейинги пайтда XX аср санъати ривожига ҳозирги давр талаблари асосида ёндашиб, миллий санъат хусусиятларини кўрсатиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Санъат тарихидаги муайян даврлар етарлича ўрганилган бўлса-да, лекин музей коллекцияларида сақланаётган рассомлар асарлари деярли илмий нашрларда таҳлил этилмаган. Мавжуд манбаларни ўрганиш ҳамда республика музейларидаги XX аср миллий рангтасвир коллекциялари шаклланиши тарихини таҳлил қилиш номаълум бўлиб келган рангтасвир асарларини санъатшунослик илмига киритишнинг энг муқобил йўли ҳисобланади.

Замонавий санъатшуносликдаги методологик янгиланишлар жараёнида объект сифатида танланган муаммога фанлараро ёндашув ҳам тобора кенг ёйилмоқда. Хусусан, музейшуносликда эришилган тажрибаларга таянган ҳолда коллекциялардаги асарлар асосида XX – XXI аср бошлари Ўзбекистон рангтасвири ривож

босқичларини таҳлил қилиш ундаги тамойиллар ҳамда кўпгина рассомлар ижодига хос хусусиятлар тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштириш имконини беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. «Инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир»¹. Жаҳон илмий жамоатчилиги эътиборини миллий санъат асарларига қаратиш, уларни ўрганиш ва сақлаб қолишга йўналтирилган «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» халқаро лойиҳа² юқорида таъкидланган жараёнлар долзарб аҳамиятга эга эканлигини исботлайди. Бундан XX – XXI аср боши миллий рангтасвири тараққиёти тамойилларини Ўзбекистон музейлари коллекцияларида сақланаётган, лекин давр контекстидан тушиб қолган ва шу пайтгача номаълум бўлиб келаётган асарлар асосида ўрганиш зарурати юзага келади.

Ўтган йиллар давомида миллий рангтасвир масалаларига оид кенг изланишлар мажмуи шаклланган бўлиб, кўп сонли монография, альбом, мақола ва каталоглар нашр этилган. В.Чепелев³ биринчилардан миллий рангтасвирнинг шаклланиши, етакчи тенденциялар ривожини белгилаш билан бирга миллий ўзига хослик масалаларига эътибор қаратган. 1937 йилда чоп этилган М.Колиннинг⁴ китобида Ўзбекистон рангтасвирига “шаклан миллий, мазмунан социалистик” госяси кесимида ёндашилган. Л.Жадова, В.Лаковская, Р.Такташ⁵ изланишларида

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 29-б.

² «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» каталоглари, 2017-2019.; «Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» I халқаро илмий Конгресс, 2017.; «Ўзбекистон буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар» III халқаро конгресс, 2019.

³ Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. ЛОССХ. 1935. – 127 с.

⁴ Колин М. Изобразительное искусство Узбекской республики. – М.: Искусство, 1937. – 46 с.

⁵ Веймарн Б.В., Черкасова Н.В. Искусство Узбекистана: очерки. Живопись. Графика. Скульптура. – М.: Искусство, 1960. – 119 с.; Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент: Гос. из. худ.

муайян долзарб тарихий-назарий масалалар кўтарилган бўлиб, уларда тадқиқот предмети динамикаси акс этган. Д.Саидова, А.Умаров, А.Эгамбердиев, Н.Абдуллаев ⁶ монографияларида республика рангасвирида портрет, манзара, тарихий ва маиший жанрлар шаклланиши ва ривожини муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, мазкур давр кўргазмаларига бағишланган каталоглардаги кўп сонли мақолалар ёки бир гуруҳ рассомлар ижодини ёритган рангасвир ривожига оид очерклар илмий манба сифатида хизмат қилган. Совет санъатшунослигига хос эмпирик ва таҳлилий ёндашувда ёзилган бу манбалар ўтган даврнинг саёз методологик негизи ва мафкуравий чекланмаларини акс эттиради.

Тадқиқот усулининг янгиланиши ҳамда фалсафа, маданиятшунослик омиллари инобатга олган ҳолда янги назарий муаммоларга эътибор республика санъатшунослиги ривожининг янги тармоғи сифатида намоён бўлди. Хусусан, Н.Ахмедова изланишларида Марказий Осиё худуди кесимида миллий рангасвирнинг шаклланиши ва ривожини масалалари ёритилди, А.Ҳакимов, К.Акилова монографияларида янгиланган методология орқали рангасвирдаги долзарб муаммолар таҳлил этилди ⁷.

Каталог, альбом, йўлқўрсаткичларда ⁸ музей коллекцияларининг шаклланиши, экспозиция ва тадқиқот фаолияти жараёнлари ҳақида қимматли тарихий далиллар ва илмий манбалар акс этган. Миллий рангасвирнинг тадрижий ривожини коллекциянинг шаклланиши йўли билан ўзаро узвийликда

литературы УзССР. 1962. – 112 с.; *Такташ Р.* Изобразительное искусство Узбекистана (вт. половина XIX в. – 50-е гг. XX в.) – Ташкент: Фан, 1972. – 280 с.; *Лаковская В.Л.* Послевоенная станковая живопись Узбекистана. Основные тенденции. – Ташкент: 1991. – 156 с.

⁶ *Умаров А.Р.* Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 135 с.; *Абдуллаев Н.* Пейзажная живопись Узбекистана. Альбом. – Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1975. – 44 с.; *Саидова Д.* Историко-революционный жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент: 1977. – 160 с.

⁷ *Ахмедова Н.* Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. – 224 с.; *Хакимов А.* Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент: “San’at”, 2010. – 504 с.; *Хакимов А.* Новая узбекская живопись. – Ташкент: “San’at”. 2014. – 183 с.; *Акилова К.* Мир образов Акмала Нура / альбом каталог. – Ташкент: Издательство журнала “San’at”. – 224 с..

⁸ Узбекистон санъати музейи: йўлқўрсаткич. Н.К.Азизова, С.М.Круковская. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1965. 116 б.; Государственный музей искусств узбекской ССР. Живопись // Авт. вст. статьи Е.М.Никифорова. – Л.: 1975. – 247 с.; *Абдуллаев С.Ф.* Экспозиция советского искусства в новом здании ГМИ УЗ ССР // Проблемы комплектования и экспонирования произведений советского изобразительного искусства в художественных музеях. – М.: 1978. – С. 118-126.; *Круковская С.М.* В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – 231 с.

илк маротаба таҳлил этилиши А.А.Ҳакимов илмий муҳаррирлигида чоп этилган каталогда ⁹ намоён бўлди. 2017 йилдан бошланган “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” халқаро лойиҳа доирасида чоп этилаётган альбомлар коллекцияларни мақсадли ўрганишга йўналтирилгани билан ажралиб туради ¹⁰.

Нукус музейи коллекциясини ёритган монография, каталог ва мақолаларда миллий рангтасвирга оид кам ўрганилган маълумотлар тақдим этилган ¹¹. Уларда асосан И.В.Савицкийнинг музейни ташкил этишдаги ҳиссаси, нодир коллекциянинг салоҳияти таҳлилига эътибор қаратилган ҳамда мустақил илмий тадқиқотларга муҳтож манбалар ҳавола этилган.

XX аср тасвирий санъатидаги назарий муаммолар, алоҳида намояндалари ижоди янги методология асосида кўриб чиқилган Д.В.Сарабьянов ¹², В.С.Турчин ¹³, Д.Боулт ¹⁴ тадқиқотлари ҳам Ўзбекистон рангтасвирига оид изланишларда долзарб саналади. Шунингдек, санъатшунослик, педагогика, психология фанлари кесимида амалга оширилаётган Россия, АҚШ ва Европа мамлакатларидаги коллекциялар билан боғлиқ тадқиқотлар аҳамиятлидир ¹⁵. Музей амалиётида коллекциялар билан ишлашдаги илғор тажрибалар борасида Халқаро музейлар кенгашининг (ICOM) “Управление музеем: практическое руководство” ¹⁶ китоби –

⁹ Ўзбекистон Давлат санъат музейи // Муҳаррир А.Ҳакимов, мақола муаллифи С.Манасьян –Ташкент: 2004. – 263 б.

¹⁰ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами // Китоб-альбом. Ф.Ф.Абдухаликов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Тошкент: “Uzbekistan Today” АА, 2017. – 448 б.

¹¹ Забытые полотна. Живопись и графика из собрания Нукусского музея // Кат. выс. [Предисл. Газизовой Э.Д.]. – М.: 1988. – 51 с.: ил.; Авангард, остановленный на бегу: Альбом /авт. вст. ст. Е.Ковтун, М.Бабаназарова, Э.Газиева. – Л., 1989. – 239 с.: ил.; Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусства Республики Каракалпакстан. Тексты: А.Ҳакимов, М.Бабаназарова. – Ташкент. 2003. – 156 с.; Венок Савидкому: живопись, рисунок, фотографии, документы. – Москва, 2011. – С. 202.

¹² Сарабьянов Д. Символизм в авангарде: некоторые аспекты проблемы //Искусствознание 1 /01. – М., 2001. – С. 310-315.

¹³ Турчин В.С. Образ двадцатого... В прошлом и настоящем. – М., “Прогресс-традиция”– 2003.; Турчин В.С. По лабиринтам авангарда. – М., Изд. МГУ, 1993. – 248 с.

¹⁴ Александр Волков: Солнце и караван // Д.Э.Боулт, В.Волков. – М., Слово, 2007. – 288 с.

¹⁵ Бонко А.Г. Произведение изобразительного искусства как предмет искусствоведения и музейной педагогики второй половины XIX – XX. автореф. дис... канд. искусствоведения. – Санкт-Петербург. 2003. – С.230.; Коссов И.М., Сундиев А.А. Музейное дело России / Под общей редакцией М.Е.Каулсена. – М., Издательство «ВК», 2003. – 615 с.; Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. – М., Омега-Л, 2005. – 182 с. Юренина Т.Ю. Музеи в мировой культуре. – М., Русское слово, 2003. – 435 с.

¹⁶ Управление музеем: практическое руководство. – Франция. ИКОМ. 2004. – 230 с.

соҳадаги нуфузли нашр ҳисобланади.

Ўзбекистон рангтасвирига доир тарихий-назарий ва монографик масалаларни ишлаб чиқишда тадқиқотчиларнинг қўшган муҳим ҳиссасини эътироф этган ҳолда, музейларда миллий рангтасвир коллекцияларининг шаклланиши муаммосига бағишланган назарий-таҳлилий тадқиқот олиб борилмаганини таъкидлаш мумкин.

I БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

§ 1.1. Миллий рангтасвири ўрганишнинг тарихий-назарий аспектлари

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошланган сиёсий-тарихий ўзгаришлар, бадий ижодга янги нуқтаи-назардан қараш санъатшунослик илми олдига мафкуравий ғояларга таянган ҳолда ёзилган нашрларни ҳолис баҳолаш, бир асрлик санъат ривожини янгиланган илмий ёндашувда қайта кўриб чиқиш масаласини қўймоқда. Ўзбекистон рангтасвири ривожини ёритишда муайян бўшлиқлар мавжудлиги, бадий жараёнларни ўзаро боғловчи алоҳида занжирларнинг етишмаслиги, аксарият изланишлар етук рассомлар, кўرғазмаларда исми таъкидланган ижодкорларга бағишлангани XX аср рангтасвири ривожини ўрганишда муайян услубий қийинчиликлар яратади. Мисол учун, мустақиллик йилларида совет мафкурасининг барбод бўлиши натижасида 1920-1930 йиллар Ўзбекистон авангарди жараёнига эътибор кескин кучайиши уни ўрганишда услубий муаммоларни юзага келтирди. Бугунги кунда мазкур даврни ёритиш бир қатор муаммоларга дуч келади ва бу авваломбор музейларда сақланаётган асарлар ҳақида тўлиқ маълумотларнинг йўқлиги, уларнинг каталогларда акс этмаганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу каби муаммолар рангтасвир ривожининг деярли барча босқичларини тадқиқ этишда юзага келади.

Ўтган аср санъатшунослиги асосан тасвирий санъатга оид илмий-методологик изланишларнинг шаклланиши; тарих, санъат назарияси ва бадий танқиднинг функционал ва институтционал дифференциацияси; бадий жараёнга санъат илмини фаол киритиш ва бадий таълим билан ўзаро алоқадорлик даври сифатида белгиланди. Миллий рангтасвирининг ўзига хос шаклланиш йўли, тадрижий ривожини ҳамда алоҳида рассомлар ижодини А.Хакимов, Н.Ахмедова, Н.Абдуллаев, А.Умаров,

Б.Веймарн, М.Земская, В.Лаковская, Т.Махмудов, Д.Саидова, Р.Такташ, В.Чепелев, Л.Шостко каби катор санъатшунослар тадқиқ этишди.

Ўзбекистон рангтасвирини таҳлил қилишга қаратилган илк уринишлар В.Чепелев¹⁷, М.Колин¹⁸, Б.Веймарн¹⁹ ишларида акс этган бўлиб, уларда 1920-1930 йиллар рангтасвирига оид қимматли маълумотлар берилган. Бу нашрларда ҳудудга тезлик билан мослашаётган тасвирий санъатдаги воқеалар, кескин ўзгариб бораётган мураккаб ва зиддиятли жараёнлар тарихий-маданий аспектда очиқ берилган. Хусусан, В.Чепелев Ў.Тансиқбоев, Н.Қарахан, А.Сиддиқий, Е.Қоровай, А.Ф.Подковыров каби рассомларнинг шаклланиб бораётган ижодини юқори баҳолаб, уларнинг оригинал пластик изланишларини алоҳида таъкидлаб ўтган. XX асрнинг биринчи чорагида Ўзбекистон давлат санъат музейида республика санъати ҳақида тадқиқот иши олиб борган Ф.И.Шмит ўз қўлёзмасида Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг ривожланиш омиллари ҳақидаги фикрлар билдирган ҳамда “Ўрта Осиёнинг рангтасвир санъатини бадиий тафаккурнинг миллий ўзига хослиги деб ҳисоблаб, уларни сақлаш ва маданиятга татбиқ этиш жоиз”²⁰ дея таъкидланган. Бу албатта, музейдаги коллекцияларнинг шаклланиб боришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидан сўнг республикада профессионал бадиий мактаб билан бир қаторда санъатшунос кадрларнинг етишиб чиқиши, уларнинг бадиий танқидга фаоллик билан кириб қилиши алоҳида аҳамият касб этди. 1942 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг тарихий филология факультетида санъатшунослик кафедраси очилади ва уни профессор Борис Робертович Виппер бошқаради. Бу ерда Шарқ санъати билимдони Г.Пугаченкова билан бирга уруш сабаб эвакуация қилинган машҳур санъатшунослар (И.Гинзбург, Ю.Колпинский,

¹⁷ Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Ленинград: Изд. ЛОССХ. 1935. – 127 с.

¹⁸ Колин М. Изобразительное искусство Узбекской республики. – М.: Искусство, 1937. – 46 с.

¹⁹ Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии. – М.-Л.: Искусство, 1940. – 190 с.

²⁰ Шмит Ф.И. О национальной форме в живописи Узбекистана. Архив библиотеки ГМИ РУз., рукопись №11. ИНВ №166. – с.38

В.Мошкова, Г.Чабров, В.Чепелев, А.Эфрос) Москва ва Ленинград Олий таълимидаги санъатшунослик мактаби анъаналарида таълим беришади ²¹ . Натижада республикада дастлабки малакали санъатшунослар гуруҳи етишиб чиқади. Кафедранинг А.Р.Умаров, М.В.Мюнц, Л.В.Шостко, В.Л.Лаковская каби битирувчилари томонидан Ўзбекистон тасвирий санъати ҳақида кўлами жиҳатдан йирик ҳаммуаллифлик адабиётлари ²² билан бирга ижодий индивидуалликни ёритувчи алоҳида монографиялар ²³ нашр этилади. Етакчи санъатшунос олимлар – Р.Х.Такташ, Б.В.Веймарн, Н.В.Черкасова, С.М.Круковская, М.Мюнц, А.Умаров, Л.Жадова, М.Халаминская ўз изанишларида баъзан солиштирма-таҳлилий, баъзан биографик, баъзида эса маданиятшуносликка оид методларни қўллаган ҳолда Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихий тадрижий қиёфасини яратишга муваффақ бўлдилар. Бу даврда совет санъатининг ўзаги сифатида реалистик тамойиллардаги санъат илгари сурилгани сабабли олимлар томонидан бир ёклама таҳлилий ёндашувни кузатиш мумкин. Гарчи бу ишларда тарихий-маданий концепцияларга оид бир қатор масалалар мажмуаси очиқ қолган бўлсада, улар томонидан тайёрланган альбом, монография, мақола ва кўргазма каталоглари мазкур давр бадий жараёнларининг асосий солномасига айланди.

Мазкур даврдаги манбаларнинг аксарият қисмида бадий жараёнларга бир хил методда тавсиф бериш услуби сезилади, бироқ Л.Жадова²⁴ XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилаётган Ўзбекистон рассомларининг янгича бадий дастурлари, М.Халаминская²⁵ эса Марказий Осиё республикалари рангтасвирини бир-биридан ўзаро фарқ қилувчи худудий ўзига хослиги масалалари ҳақида илк маротаба фикр юритишга ҳаракати

²¹ Горшенева С.М. Галина Пугаченкова. Перебирая жизни черепки. – Ташкент: “Институт Открытого Общества - Узбекистан”, 2002. – 108 с.

²² Изобразительное искусство Узбекистана: очерк истории живописи, графики, скульптуры. /Н.М.Абрамова, В.Н.Кедрина, С.М.Круковская, М.Мюнц, Г.Пугаченкова. – Ташкент: Гос. издат. худ. лит. УзССР, 1957. – 480 с.; Веймарн Б.В., Черкасова Н.В. Искусство Узбекистана: очерки. Живопись. Графика. Скульптура. – М.: Искусство, 1960. – 119 с.

²³ Умаров А.Р. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 135 с.

²⁴ Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент: Гос. издат. худ. лит. УзССР, 1962. – 111 с.

²⁵ Халаминская М. Искусство молодых. – М., 1967. – 164 с.

кузатилади. Уларнинг тадқиқотлари “иликлик” даврида ижод қилаётган Ўзбекистон рассомларининг янгича бадиий дастурларини ўрганишда аҳамиятли манбадир. Р.Х.Такташнинг “Изобразительное искусство Узбекистана” (вторая половина XIX в. – шестидесятые годы XX в.)²⁶ наشري эса тасвирий санъатнинг дастлабки шаклланишидан тортиб 1970 йилларга қадар бўлган Ўзбекистоннинг графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик санъати ривожига доир умумлашма маълумотлар, республикада ўтказилаётган турли кўргазмаларга оид манбаларни ёритиши билан эътиборлидир. Кўргазмаларда диққатга сазовор бўлган ва муаллиф томонидан тилга олинган асарларнинг аксарият қисмини республика музейлари коллекциялари таркибида кўриш мумкин. Бу манбадаги маълумотлар картинанинг кўргазма-нашр-экспозициядан иборат “хаёти”ни ўрганишга имкон беради.

Т.Махмудов, В.Лаковская, Н.Абдуллаев, М.Мясина, Д.Саидова, А.Умаров, Л.Шостко, М.Мюнц²⁷ каби олимларнинг меҳнатлари Ўзбекистон санъатшунослигида муҳим ўринга эга бўлиб, уларнинг тадқиқотлари натижасида миллий рангтасвирдаги тарихий-назарий муаммолар, бадиий мактаблар, даврнинг замонавий рангтасвири қиёфаси ва бадиий жараёнларига тизимли равишда таҳлил бериб ўтилган. Масалан, В.Л.Лаковская “Послевоенная станковая живопись Узбекистана” монографиясида миллий рангтасвирда пайдо бўлаётган янги метод ва тасвирий ифода усуллари таҳлил этган. М.Мясина китобларида рус рассомлари ижодида Шаркнинг роли масалалари ҳақида илк маротаба фикр юритилади. Т.Махмудов ўз изланишларини рангтасвирнинг эстетика билан боғлиқ муаммоларига қаратган бўлса, Н.Абдуллаев, Д.Саидова, А.Умаров каби санъатшунослар

²⁶ Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана (вг. половина XIX в. - 50е гг. XX в.) – Ташкент: Фан, 1972. – 280 с.

²⁷ Махмудов Т.М. Эстетический анализ основных тенденций развития современного искусства Узбекистана. Автореферат диссертации доктора философских наук. – М., 1979. – 32 с.; Лаковская В.Л. Послевоенная станковая живопись Узбекистана Основные тенденции. Диссертация кандидата искусствоведения. – Ташкент, 1984. – 188 с.; Абдуллаев Н. Пейзажная живопись Узбекистана. Альбом. – Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1975. – 44 с.; ил.; Саидова Д. Историко-революционный жанр в живописи Узбекистана. – Ташкент, 1977. – 160 с.; Умаров А., Шостко Л. Искусство Советского Узбекистана // Искусство, 1968, № 4. – С. 6-12.; Мясина М.Б. Старейшие советские художники О Средней Азии и Кавказе: Альбом. – М.: Советский художник, 1973. – 284 с. ил.

жанрлар ривож масалаларини ёритишган. Юкорида номлари келтирилган санъатшунослар 1970 йилларда кенг кузатилган кўргазмаларнинг каталогларини яратиш, кириш мақолалари ёзиш жараёнида фаол иштирок этишган²⁸. Хусусан, музей фондларидаги асарларнинг каталогларда нашр қилиниши бугунги кунда миллий рангасвир намояндалари ижодини ўрганиш учун муҳим илмий асос яратиб бермоқда. Бироқ, шуниси ачинарлики янги кўргазма, каталоглар ва тадқиқотларнинг аксарият қисми улар саралаб олган картиналарга таянган ҳолда олиб борилмоқда, рассомларнинг ижоди бир томонлама ёритилмоқда.

Ўзбекистон рангасвири ривож манзарасини яратишда ҳар бир рассомнинг ижодий услубини чуқур ўрганиш, уларнинг ижодига бағишланган алоҳида монографияларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, М.Б.Мясинанинг “Старейшие советские художники о Средней Азии и Кавказе”²⁹, М.И.Земскаянинг “А.Волков. Мастер “Гранатовой чайханы”³⁰, Л.В.Шостконинг “О.Татевосян”, “В.Уфимцев”³¹, М.А.Соколованинг “П.П.Беньков; воспоминания, переписка”³², Р.Х.Такташнинг “Н.В.Кашина”³³, Н.Р.Ахмедованинг “У.Тансыкбаев”³⁴ каби монографияларини санаб ўтиш мумкин. Мазкур китобларда аксарият маълумотлар музейлардаги коллекцияларга асосланган ҳолда ёритилган. Уларда муайян рассомнинг ижодий йўли, ўзига хослиги билан бирга тарихий, маданий ва бадий жараёнга доир қимматли маълумотлар бериб

²⁸ Татевосян О.К. Вывавка произведений. Каталог. Сост. Л.Шостко. Автор вступ. статьи. М.Мюнц. – Ташкент, 1964.; Кашина Н.В. Вывавка произведений. Каталог. Сост. Р.Акимбаева. Авт. вступ. статьи Л.В.Шостко. – Т., 1973.; Жавлон Умарбеков. Каталог вывавки. Авт. вступ. ст. А.Хакимов. – Ташкент, 1977.; Жмакин В.И. Персональная вывавка художника. Каталог, авт. вступ. статьи И.Мюнц. – Ташкент, 1979.; Вывавка произведений художников Узбекистана /В.И.Бурмакин, Е.И.Мельников, Ю.И.Талдыкин, Г.И.Улько, Р.Чарыев/ сост. Р.Акимбаева. Автор вступ. статьи Т.Махмудов. – Самарканд, 1979.; Ахмедов Рахим. Вывавка произведений. Каталог. Сост. Л.Таирова, авт. вступ. статьи М.Мюнц. – М., 1978.; Абдуллаев Абдулхак. Вывавка портрета. Каталог. Составитель Л.Таирова, авт. вступ. статьи Т.Махмудов. – Ташкент, 1980.

²⁹ Мясина М.Б. Старейшие советские художники о Средней Азии и Кавказе. – М.: Сов. худ. 1973. – 235 с.

³⁰ Земская М.И. Александр Волков. Мастер «Гранатовый чайханы». – М.: Искусство, 1976. – 140 с.

³¹ Шостко Л.В. Оганес Татевосян. – М.: Сов. художник, 1977. – 120с; Л.В.Шостко. Виктор Уфимцев. – Ташкент.: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма, 1984. – 136 с.

³² Соколова М.А. Павел Петрович Беньков. Воспоминания, переписка. – Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Г.Гуляма, 1981. – 135 с.

³³ Такташ Р.Х. Н.В.Кашина. 1886-1977: Жизнь и творчество. – Ташкент: Изд. лит.и иск. им. Гафура Гуляма, 1982. – 134 с.

³⁴ Ахмедова Н.Р. У.Тансыкбаев. Избранные произведения. – М.: Сов. художник, 1988. – 136 с.

ўтилган. Масалан, М.Соколованинг асари нафақат П.Беньков ижоди борасида, балки унинг замондошлари, даврнинг бадиий муҳити ҳақидаги манбаларни жамлаган. Н.Аҳмедованинг Ўрол Тансиқбоев ижодини ёритган монографиясида рассомнинг 1920-1930 йилларда яратган асарлари биринчи маротаба музей фондларига асосланиб, нашр этилган.

Мустақилликнинг илк йилларида санъатшунослик санъат, ижодга муносабат ўзгариши билан боғлиқ ҳолда трансформацияга учради, бадиий жараёнларни тарихий-маданий контекстда янги методологик ёндашув асосида тадқиқ этиш долзарблашди. “XX аср якунидаги санъатнинг умумий парадигмасига контекстуал тизила бошланган худуд санъатидаги инновацион ҳодисаларни фалсафий ва назарий малакасиз, улар такдим этаётган реалликни ўзига хос англаш методларини инобатга олмаган ҳолда ўзлаштириш мумкин бўлмай қолди. Авваллари ғоявий сабабларга кўра қўллаш ман этилган XX аср Ғарбий Европа маданиятшунослиги ҳамда фалсафасидаги назария ва йўналишларнинг долзарблик аҳамияти оша бошлади”³⁵. Санъатшунослик илмида методологик танглик нафақат етмиш йиллик совет мафкураси ғояларини инкор этиш билан изоҳланади, балки ижтимоий-маданий муҳитнинг, бадиий мезон ҳамда жамиятдаги кадриятларнинг ўзгариши билан белгиланади.

Қайта куриш даври санъати ва мустақилликнинг илк йилларида ижод қилган рассомларнинг ижодига эътибор “Сейсмограф”³⁶ кўргазмаси орқали намоён бўлди (Тошкент, 2003, кураторлар – Ф.Фрай, Швецария, санъат танқидчиси, Л.Кодзаева, Ўзбекистон, санъатшунос, Б.Исмоилов, Ўзбекистон, рассом). Бу кўргазма ўн йилдан сўнг ортга ташланган нигоҳ сифатида фожиали, лекин катта аҳамиятга эга даврни рангтасвир асарлари орқали таҳлил этишга ундади, рассомлар ижодида чуқур

³⁵ Аҳмедова Н. Живопись Средней Азии XX века: проблемы самоидентификации // SAN'AT, 1999, № 3. – С. 18-21.

³⁶ Сейсмограф. Искусство Узбекистана эпохи Перестройки. Ав. вст. ст. Л. Кодзаева // Каталог. – Ташкент: 2003. – 21 с.

трансформациялар содир бўлгани ва образли-эстетик концепцияларнинг ўзгаришини акс эттирди.

Постмодерн шаклларига мурожаат 1990 йилларнинг иккинчи ярмида рассомларнинг янги концептуал лойиҳалари билан бошланди (А.Николаев, Т.Ахмедов, М.Жалалян, Е.Кагаров (“WONDERFUL-1970” ретро-лойиҳа; “Намунали лойиҳа”, 1996). Ўзбекистон санъатини замонавий жаҳон бадиий жараёнидаги ютуқларни ўзлаштиришга қаратилган илк йирик ташаббус 1996 йилда санъатшунос Н.Р.Ахмедова томонидан ташкиллаштирилган “Art-Aziya” илк биенналисис бўлди. 2001 йилдан бошлаб Тошкентда замонавий санъат халқаро биенналисис мунтазам ўтказила бошланди. 2001, 2003, 2005, 2009 йилларда ўтказилган биенналилалар маҳаллий рассомларнинг юксак бадиий салоҳияти ва Ўзбекистон санъатининг жаҳон замонавий санъатига қўшилиш жараёнларини акс эттиради.

Замонавий шароитларда санъат танқидчиси бадиий жараённинг фаол иштирокчисидир. Унинг фаолият чегараси тобора кенгайиб бормокда. Замонавий санъатшунос кўргазма концепциясини ишлаб чиқиш, арт-куратор ва маркетинг ишларини олиб бориш асносида баъзан рассомдан ҳам бирламчи даражага чиқиб қолади³⁷. Бу жараёни Н.Ахмедова ва А.Ҳакимовнинг кураторлик лойиҳаларида кузатиш мумкин. Концептуал ғоя, бадиий асарни назарий асослаш ва уни яралиш жараёни баъзи ҳолларда артефактнинг ўзидан-да аҳамиятлироқ бўла бошлайди. Мисол учун, маҳаллий рассомларнинг ижодий тафаккурини концептуал санъатда синаб кўриш мақсадида илк тажриба сифатида ташландиқ завод ҳудудида ташкил этилган “Konstellyatsiya” лойиҳаси Ўзбекистон рассомларининг постмодерн шаклларида ижод қилишга тайёр эканликларини намоён этди. Сўнг, Н.Ахмедованинг “Вақт белгилари”, “...мен ҳам Аркадияда бўл(ма)ганман” лойиҳаси, А.Ҳакимовнинг 2007-2012 йиллардаги жами еттита лойиҳаси (“Тетрагон – реалликнинг тўрт

³⁷ Грачева С.М. Отечественная художественная критика XX века: вопросы теории, истории, образования. автореф. дис... док. искусствоведения. – Санкт-Петербург. 2010. – С. 8.

ўлчами”, 2007; “Пилланинг ўғирланиши”, 2007; “Ойжамол”, 2008; “Туркистон римейки”, 2009; “Аристотель сигири (Аристотель жумбоғи)”, 2010; “Гедонизм эстетикаси: таом, тана, рух”, 2011; “Генеалогия: хотира дарахти”, 2012) ягона санъатшуноснинг илмий-ижодий ғояси асосига қурилган лойиҳаларда арт-кураторнинг роли расомга нисбатан бирламчи эканлигини исботлайди.

1990 йиллар тадқиқотларида миллий ғоя масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган бўлса, кейинги йилларда фалсафа, маданиятшунослик илми методологияларига хос фанлараро ёндашувга таянган санъатшунослик тадқиқотлари муомилага кира бошлади. Санъатшунослар А.Ҳакимов ³⁸, Н.Ахмедованинг ³⁹ изланишларида XX аср рангтасвирини ўрганишда янги масалалар кўтарилди, санъатнинг тарихий-маданий давомийлигидаги специфик мураккабликларни изоҳлашга ҳаракат қузатилади, этномаданий ўзига хослик тамойилларини тадқиқ этишда янгича ёндашувлар акс этади.

Н.Р.Ахмедованинг “Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог”⁴⁰ монографиясида илк маротаба XX аср Марказий Осиё давлатлари рангтасвири ривожини ва шаклланишини масалалари кўриб чиқилди. Муаллиф янгиланган методологик ёндашув асосида худуд санъатидаги тарихий-маданий трансформациялар, тадрижий ривожланишнинг асосий муаммолари, расомлар ижодида этномаданий ўзига хосликни излаш жараёнларини очиб беради, XX асрнинг мураккаб тарихий жараёнларида Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон рангтасвирининг уникал эволюцияси масалаларини таҳлил этади.

³⁸ Ҳакимов А.А. Формы трансформации мусульманской культуры XX в. // Искусство Центральной Азии: Своеобразие исторического развития. – Ташкент, 1997. – С. 106-109; Ҳакимов А.А. Искусство нового Узбекистана // SAN’AT, 1999, № 2. – С. 12-15. Ҳакимов А.А. Миф и реальность в искусстве Узбекистана XX века // SAN’AT, 1998, № 1-3. – С. 20-22.

³⁹ Ахмедова Н.Р. Особенности историко-теоретических проблем живописи Узбекистана 1920-х – 1930-х годов в контексте авангарда / Санъат ва бадий таълимнинг замонавий жамиятнинг маънавий модернизациялашдаги ўрни. (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами) Тошкент, 2018. – Б. 46-50.

⁴⁰ Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент, 2004. – 224 с.

Ўзбекистон санъатининг тарихий ривожини ўтмиш ва бугунги кун рассомларининг индивидуал изланишларини тизимлаштирган ҳолда ёритган яна бир йирик нашр А.А.Хакимовнинг “Искусство Узбекистана: история и современность”⁴¹ китобидир. Монография Л.И.Ремпель, Г.А.Пугаченкова каби олимларнинг республика санъатини ўрганишнинг янгича ёндашувдаги изланишларини давом эттирган бўлиб, замонавий даврга қадар бўлган меъморчилик, тасвирий санъат ва амалий санъатдаги бадий жараёнларни камраб олади. Унда бадий мерос Ўзбекистон давлатчилиги шаклланишидаги тарихий жараёнларнинг санъат ва маданият билан ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назарида кўриб чиқилади. Жумладан, ўрганилаётган даврга оид “Живопись XIX-XX вв.: миф и реальность в искусстве” ва “Искусство конца XX начало вв.: новый вектор” бобларидаги материаллар замонавий санъат танқидчилиги таяниши керак бўлган маданий, фалсафий ва санъатшунослик илми аспектларида ёритилгани билан диққатга сазовор.

Замонавий санъатшуносликда фанларора ёндашув, янги илмий метод ва назарияларни қўллашнинг асосий мақсади бу эркин ижод оқимида яралаётган инновацион характердаги санъатнинг мураккаб моҳиятини англашга қаратилгани билан изоҳлаш мумкин. Сўнги ўн йилликлардаги рангтасвир ҳақида сўз борар экан, аксарият санъатшуносларнинг мазкур бадий жараёнга рассомларнинг ижодий индивидуаллигидан келиб чиққан ҳолда алоҳида очеркларда баён этиш ёндашувини кузатиш мумкин. Масалан, А.А.Хакимовнинг “Новая узбекская живопись”⁴² нашри мустақиллик даври миллий рангтасвирнинг кифёсига айланган рассомлар ижодидаги услубий изланишлар, рамзий-мажозий талқинлар, сиёсий-ижтимоий воқеаларга фалсафий мушоҳадалар назарий таҳлил этилган илмий очерклардан ташкил топган. Н.Ахмедованинг “Неизведанный путь. Очерки о творчестве

⁴¹ *Хакимов А.* Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент: Изд-во журнала “San’at”, 2010. – 504 с.

⁴² *Хакимов А.* Новая узбекская живопись. “San’at”. – Ташкент. 2014. – 183 с.

художников Узбекистана”⁴³ китобида замонавий рангтасвирнинг турли қирраларини ақс эттирувчи бир қатор рассомларнинг ижодий шаклланиш босқичидан бошлаб то бугунга қадар кечган жараёнлар кўриб чиқилган. Худди шундай назарий ёндашувни К.Б.Акилова, Л.Шостко, Г.Бабаджанова, В.Ахунов мақолаларида⁴⁴ кузатиш мумкин. Мазкур манбалар бадий танқидда деидеологизация жараёнларининг содир бўлиши, постмодернизм эстетикасининг таъсирини намоён этади. Шунингдек, бадий жараёнларни тарихий-маданий контекстда янги методологик ёндашувлар асосида тадқиқ этиш долзарб тус олаётганини кўрсатади.

XX аср рангтасвиридаги бадий жараёнлар, услубий масалаларга янгиланган ёндашувда ёритилган фундаментал изланишлар пайдо бўлмоқда. Н.Ахмедова томонидан миллий рангтасвирнинг классик рассомлари Ч.Ахмаров, Р.Ахмедов, Б.Джалолов⁴⁵ ижоди ва А.Ҳакимов томонидан Ч.Ахмаров, А.Икромжонов⁴⁶ ижодига бағишланган илмий монографияларнинг Марказий давлат архиви, шахсий архив, Ўзбекистон ва хориж музей захираларидан фойдаланилган ҳолда ёритилганлиги эътиборлидир. Н.Ахмедова юқоридаги ишларда рассомлар ижодини шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, уларнинг шахс сифатидаги камолотини эмпирик ва архив манбаларни чуқур ўрганиш, санъатшунослик концепциясида мавжуд назарий ва компаратив таҳлиллар ёрдамида очиб берган. Йўқотилган ишлардан фоторепродукциялар тақдим этилган. А.Ҳакимовнинг “Нетленный свет. Жизнь и творчество Чингиза Ахмарова”

⁴³ Ахмедова Н. Незнанный путь. Очерки о творчестве художников Узбекистана. “San’at”. – Ташкент. 2015. – 122 с.

⁴⁴ Акилова К. Проблема мифологизации в художественной культуре XX века (на материале изобразительного искусства Узбекистана) // Сб.ст. “История: проблемы объективности и нравственности”. – Ташкент: 2003. – С. 58-61.; Л.Шостко. Штрихи к портрети Мурада Карабаева // SAN’AT, 2000, № 3. – С.13-15.; Бабаджанова Г. К проблеме региональности живописи Средней Азии // Культура Среднего Востока. – Ташкент: Фан. – 1989. – С. 89-93.; Ахунов В. Современная живопись Узбекистана: в поисках диалога // SAN’AT, 2001, № 1. – С. 20-21.

⁴⁵ Чингиз Ахмаров. Хранитель Сада / св.одный каталог произведений. Текст Н.Ахмедова, общая ред. И.Галеева. – М.: 2010. – 279 с. илл.; Ахмедова Н.Р. Рахим Ахмедов. – М.: Фонд Марджани, 2017. – 500 с. илл.; Akhmedova N. Line to Eternity. Bakhodir Jalal. SKIRA editore S.p. a. Milano, Italy. (монография на англ. яз.). 2017.

⁴⁶ Ҳакимов А. Нетленный свет. Жизнь и творчество Чингиза Ахмарова. – Ташкент: 2018. – 348 с. илл.; Ҳакимов А. Акмал Икрамджанов: художник, время, судьба. – Ташкент: “San’at”, 2012. – 96 с.

монографиясида муаллиф рассом бошидан кечган ҳаётий ходисалар, ижодий кечинмалар ва туйғуларни ўқувчига ёркинрок етказиш мақсадида муайян адабий усуллардан ҳам фойдаланган. Икки нашр Чингиз Ахмаровни рассом, шахс сифатида кенг қамровда очиб беришга хизмат қилиши билан бирга, санъат тарихи ёки рассом ижодини таҳлил этишда музей коллекциялари энг асосли манба эканига ёркин намунадир.

Ўзбекистон рангтасвири юртимиздаги турли музейларнинг коллекцияларида ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақолпоғистон Республикаси давлат санъат музейи, Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейидаги миллий рангтасвир коллекциялари улар орасида кўлами ва салоҳияти жиҳатидан энг йирик тўпламлар ҳисобланади. Мазкур коллекцияларнинг ҳар бири ўзининг шаклланиш тарихи, комплектацияга оид ёндашуви ва стратегиясига эга. Айрим коллекциялар тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган бўлса, баъзилари ҳақида салмокли нашрни топиб бўлмайди.

ЎЗДСМ коллекцияларига бағишланган илк нашрлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, бу даврда бир қатор йўлқўрсатгич, буклет, альбом ва каталоглар чоп этилган. Рангтасвир коллекциясини ёритган биринчи нашр “Ўзбекистон санъат музейи”⁴⁷ йўлқўрсатгичидир. Унда музейнинг ташкил топиши тарихи, турли коллекцияларнинг комплектация жараёни қаторида Ўзбекистон рангтасвири коллекцияси ва йирик рассомларнинг асарларига шарҳ берилган. Экспозиция эса жанрлар эволюцияси ва унинг асосий намоёндалари мисолида кўриб чиқилган. Музейга бағишланган дастлабки йирик нашрлар 1968 йил ҳамда 1975 йилларда чоп этилган альбомлар⁴⁸ ҳисобланади. Улар йўлқўрсатгичда берилган маълумотларни мазмунан такрорласа-да, иллюстратив материалларга бойлиги

⁴⁷ Ўзбекистон санъати музейи: йўлқўрсатгич / тузувчилар – Н.К.Азизова, С.М.Круковская. – Ташкент: Ўзбекистон. 1965. – 116 б.

⁴⁸ Государственный музей искусств узбекской ССР / Сост. альб. С.М.Круковская. – Ленинград: 1968. – 128 с.; Государственный музей искусств узбекской ССР. Живопись // Авт. вст. статьи и составитель альбома Е.М.Никифорова. – Ленинград: 1975. – 247 с.

билан алоҳида аҳамиятга эгадир. С.Ф.Абдуллаевнинг “Экспозиция советского искусства в новом здании ГМИ УЗ ССР”⁴⁹ мақоласида даврнинг сиёсий, ғоявий назарияларига таянган бадиий мезон чегаралари, рангтасвир асарларини саралаш ишлари ҳақида айрим қимматли маълумотлар бор. Музей ва унинг турфа хил коллекцияларини шаклланиш босқичидан то 1980 йилларга қадар бўлган фаолиятини кенг қамровда ёритган биринчи китоб С.М.Круковскаянинг “В мире сокровищ”⁵⁰ асаридир. Унда музейнинг ўтган асрдаги фаолияти ёритилиб, миллий рангтасвир коллекциясининг шаклланиш жараёни умумлашма маълумотлар кўринишида баён этилган. Муаллиф ўз эътиборни Европа рангтасвири, рус рангтасвири ва ўзбек халқ амалий санъати коллекциясининг комплектация жараёнига қаратган.

Юртимиздаги йирик музейларнинг коллекцияларини ёритувчи йирик лойиҳалардан бири А.А.Ҳакимов илмий муҳаррирлигида яратилган етти та альбом-каталогларни⁵¹ алоҳида эътироф этиш зарур. Масалан, ЎЗДСМга бағишланган каталогнинг кириш мақоласида республика тасвирий санъати, хусусан миллий рангтасвирнинг тадрижий ривож, шаклланиш йўли коллекция асосида илк маротаба кўриб чиқилган. Унда турли даврлардаги умумий бадиий жараён ва унинг экспозициядаги намоиши ҳақида кенг маълумотлар жамланган. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи каталогининг кириш мақоласида А.Ҳакимов таъкидлаганидек 1920-1980 йилларда тасвирий санъатнинг ривож ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий омиллар билан боғлиқлиги коллекцияларни тўплаш жараёнида ҳам акс этганлигини кузатиш мумкин.

Нукусдаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи коллекциясини илк маротаба

⁴⁹ Абдуллаев С.Ф. Экспозиция советского искусства в новом здании ГМИ УЗ ССР/ Проблемы комплектования и экспонирования произведений советского изобразительного искусства в художественных музеях. Научный семинар. – Москва. 1978. – С.118-126.

⁵⁰ Круковская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – 231 с.

⁵¹ XX аср авангарди: Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи жамланмасида // А.Ҳакимов илмий таҳрири остида. Тошкент, – 2003. – 156 б. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи // А.Ҳакимов илмий таҳрири остида. Тошкент, – 2004. – 187 б.

оммага намоиш этган альбом⁵² табиийки ўша даврнинг муҳим ҳодисаси бўлган. Бироқ, хали авангард концепцияси тўлиқ ўрганилмагани сабабли муаллифлар жамоаси рассомлар таркибига мазкур жараёнга дахлдор бўлмаган ижодкорларни ҳам қўшиб юборади. Худди шу ёндашувни “Туркистон авангарди” кўргазмаси ва каталогда кузатиш мумкин. М.Бабаназарованинг “Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея”⁵³ монографияси музей коллекциясини тўпланиш жараёнини ўрганишда асосий манба бўлди. “Искусство Узбекистана: история и современность”⁵⁴ китобидаги маълумотлар эса коллекциядаги услубий оқимларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш орқали Нукус музейи феноменини очиб беришга хизмат қилди.

Музей коллекцияларига бағишлаган бир қатор альбом, каталоглар⁵⁵ ҳам тўпламнинг шаклланиши ва қўламини очиб беришда аҳамияти катта. Улар орасида “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” халқаро лойиҳа доирасида чоп этилаётган альбом коллекцияни мақсадли ўрганишга йўналтирилгани билан ажралиб туради⁵⁶. Ушбу лойиҳа натижасида чет эллик олимлар, музей ходимлари ва мутахассисларининг меҳнати туфайли бугунги кунгача сақланиб қолган артефактлар, моддий маданий мерос тадқиқотчилар ва кенг жамоатчиликка очикланди, фонд захираларидаги бир қатор рангтасвир асарлари репродукцияси альбомларда нашр этилди. Бу лойиҳа нафақат миллий санъат тарихини чуқур ўрганиш, уни сақлаш ва кенг оммага таништириш, балки авлодларга билимни узатиш усули сифатида ҳам аҳамиятлидир.

⁵² Авангард, остановленный на бегу: Альбом /авт. вст. ст. Е.Ковтун, М.Бабаназарова, Э.Гагиева. – Ленинград. “Аврора”, 1989. – 239 с.: ил.

⁵³ Бабаназарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”. – Лондон. 2011. – 100 с.

⁵⁴ Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент. 2010. – 340 с.

⁵⁵ Забытые полотна. Живопись и графика из собрания Нукусского музея. Каталог выставки. Текст: Э.Д.Гагиева. – М.: 1988.; Венок Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В.Савицкого, Нукус, Частные собр.; [Ильдар Галеев, сост., текст, библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – 203 с.: ил.

⁵⁶ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами // Китоб-альбом. Ф.Ф.Абдухоликов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Ташкент: “Uzbekistan Today” АА, “Zamon-Press-Info Nashriyot uyi” МЧЖ, 2017. – 448 б.

Бадиий йўналишдаги музей захирасидаги коллекциялар асосан мақола шаклида ёритилгани, Ғарб, Шарқ ёки Ўзбекистонга оид амалий ва тасвирий санъат тўпламлари турлари бўйича тадқиқ этилмагани, янги каталоглар репродукциялар билан бойитилсада, матндаги маълумотлар аввалги нашрлардан фарқ қилмаслиги уларнинг илмий ўрганилмаётганидан далолатдир. Масалан, Самарқанд давлат маданият тарихи музейидаги Ўзбекистон рангтасвири коллекциясини ўрганишда манбалар билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. 1983 йилда чоп этилган каталогнинг⁵⁷ кириш мақоласида рангтасвир коллекцияси ҳақида маълумот деярли йўқ, гарчи бу даврга келиб у кўлами жиҳатдан тўлиқ тўплам ҳолига келган бўлсада. Мақолада рангтасвир коллекциясида В.Верещагиннинг 1860-1870 йилларда яратилган ажойиб асарлари мавжудлиги келтириб ўтилган. Бироқ бугунги кунда бу асарлар коллекция таркибидан ўчирилган.

Замоनावий бадиий жараёнда музей иши табиий ўзгаришларни бошдан кечирмокда. Янги даврда рўй берган кескин ижтимоий ўзгаришлар музейшуносликдаги кўплаб назарий ва амалий муаммоларнинг долзарблик аҳамиятини оширди. Музей дунё цивилизациясининг феномени сифатида кўрилаётган даврда ҳар бир жамият ўзининг қадриятлари ва ноёб ёдгорликларини сақловчи музей хазиналари фаолиятини илмий изланишлар билан мустаҳкамлаб бормокда. Мустақиллик йилларига келиб республикада музейлар фаолиятига бағишланган тадқиқот ишлари сезиларли даражада кўпайди. Р.Альмеев⁵⁸, Г.Дресвянская⁵⁹, И.Жабборов, И.Илалов⁶⁰, Ж.Исмоилова⁶¹, Л.Левтеева, К.Турсуналиев⁶², Д.Курязова⁶³ кабиларнинг илмий изланишлари,

⁵⁷Сокровище Самаркандского музея. Сост. Г.Я Упфал. – Ташкент. «Ўзбекистан». 1983. – 120 б.

⁵⁸Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Изд.-полиг. дом им. Г. Гуляма, 2007. – 268 с.; Р.Альмеев. Оптимизация, хранение и экспонирование музейных фондов. // Моziydan sado. – Ташкент, 2008. – № 2 (38). – С. 2-4.

⁵⁹Дресвянская Г.Я. Музей и общество. // Moziydan sado. – Ташкент, 2000. №1-2 (5-6). – С. 30-33.

⁶⁰Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусика, 2006. – 357 с.

⁶¹Исмоилова Ж. Миллий ва матрифий маскан // Moziydan sado. – Тошкент, 2005. – № 2 (26). – С. 2-5.

⁶²Левтеева Л., Турсуналиев К. Музееология (Наука о музейном деле) /методическое пособие. – Ташкент: 2008. – 332 с.

⁶³Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. Олий ўқув юртлари учун ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент. 2010. – 155 б.

дарслик ва илмий мақолаларида танланган мавзунинг муайян объекти ва предмети ҳақида маълумотлар чегараланган бўлиб, асосан мустақиллик давридаги музейлар фаолияти, уларнинг замонавий жараёндаги ўрни, замонавий ахборот технологиялари ҳамда бошқа бир қатор масалалар тўғрисида фикр юритилган. Бугунги кунда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Музейшунослик” кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан музей ишига доир ўқув-қўлланма ҳамда илмий изланишлар натижалари узлуксиз чоп этилаётгани мазкур соҳадаги ижобий ўзгаришлардан далолатдир⁶⁴.

Юқоридаги манбалар Ўзбекистонда музей иши тарихи, музейлар тизимини ривожлантириш борасида тадқиқотларни қамраб олган, бироқ уларнинг аксарият қисми аниқ бир музей амалиёти ёки коллекцияга таянмагани, изланишларнинг аксарият қисми фанлараро ёндашувда кўриб чиқилмагани республика музей иши фаолиятида бўшлиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Музейшунослик амалиёти ва музей иши муаммолари бўйича россиялик тадқиқотчилар катта илмий, назарий ва амалий иш олиб борганлар. Россия музейларининг ташкил топиши ва музейшуносликнинг назарияси А.Д.Тельчаровнинг “Основы музейного дела”⁶⁵ асарида раён баён этилганлиги билан аҳамиятлидир. Д.И.Тверскаянинг “Музей как научно-исследовательское учреждение”⁶⁶ китобида музей ишининг турли қирралари очиқ берилиши билан бирга унинг илмий тадқиқот манбаи сифатидаги ўрни, илмий изланишларнинг моҳияти борасида сўз юритилади. Германиянинг профессионал музей педагог-назариётчиси Корнелия Брунигхаус-Кнубельнинг “Музейное образование в контексте функций музея”⁶⁷ мақоласида эса замонавий жамият учун долзарб бўлган музей таълими дастурларини ташкиллаштириш ҳамда бошқариш, коллекция ва

⁶⁴ Исмаилова Ж., Нишанова К., Мухамедова М. Музей ва жамият / ОТМ учун дарслик. – Тошкент. Чинор ЭНК. 2015. – 174 б; Мухамедова М. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро таълиқотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар). – Тошкент: “Yosh kuch press matbuoti”, 2017. – 297 б.

⁶⁵ Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. – М., Омега-Л, 2005. – 182 с.

⁶⁶ Тверская Д.И. Музей как научно-исследовательское учреждение. Музейное дело. – М., 1998. – 165 с.

⁶⁷ Брунигхаус-Кнубель К. Музейное образование в контексте функций музея // Управление музеем: практическое руководство – Франция. ИКОМ. 2004 – С.119-133.

таълим, музей нашрлари, музей ички фаолиятининг етакчи масалалари ёритилган. Музей педагогикасига бағишланган аввалги нашрлардан фарқли равишда, унда аниқ методик тавсиялар, таълим диалоглари, дидактик кўргазма усуллари, амалий семинарлар, ўйинлар ва музей театрларини ташкил этиш тадбирлари кенг баён этилган. Юқорида келтирилган барча манбалар коллекция таркибини чуқур ўрганишда, музей ишидаги комплекс масалаларни ҳал этиш, такомиллаштириш, замонавий андозаларга ўтиш, бадий ва анъанавий қадриятларни сақлаш ҳамда кўпайтириш усулларини тадқиқ этишда назарий асос саналади.

Миллий рангтасвири ўрганишнинг тарихий-назарий аспектлари кўриб чиқиш асосида XX аср санъатшунослик илмининг асосий хусусиятлари намоён бўлди. Ўзбекистон рангтасвирига бағишланган дастлабки нашрлар 1930-1950 йилларда В.Чепелев, М.Колин, Б.Веймарн ишларида акс этади. 1960-1980 йилларда Р.Такташ, Б.Веймарн, Н.Черкасова, С.Круковская, А.Умаров, Л.Жадова, М.Халаминская каби санъатшунослар бадий жараёнларни тизимли ташкиллаштиришга, санъат турлари ва жанрлари шаклланиши манзарасини ёритишга муваффақ бўлдилар. 1990-2000 йиллардан санъатшуносликда янги бадий-танқидий усул, хусусан асарларнинг структуравий таҳлили, уларнинг семантикаси ва мажозий таркибига эътибор қаратиш устунлик қила бошлади. Бу нисбатан демократик ва эркин бўла бошлаган жамият, постмодерн фалсафаси, маданиятшунослик назарияси ва концепциялари таъсири бўлди. А.Ҳакимов ва Н.Ахмедова томонидан яратилаётган монографиялар эса ўтган аср рангтасвиридаги асосий бадий жараёнлар, рассомлар ижодини янгиланган нуқтаи назардан кўриб чиқишда музей захираларининг муҳим манба эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги манбаларни умумлаштирган ҳолда етакчи олимларнинг юртимиз санъатшунослигига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш мумкин. XX аср санъатшунослик ҳамда

музейшунослик масалалари доирасида яратилган барча тарихий ва назарий адабиётлар тадқиқотда кўтарилаётган вазифаларга тўғридан-тўғри мурожаат этмасада, тадқиқотнинг илмий манбашунослик негизи сифатида хизмат қилади. Мавжуд нашрларнинг салоҳияти ва кўламига қарамай баъзи бадий жараёнлар тадқиқ этилмай қолганини ҳам қайд этиш зарур. Хусусан, Ўзбекистон тасвирий санъати генезиси, замонавий рангасврда реализмнинг услубий ранг-баранглиги, XX аср миллий рангтасвирида жанрлар тизимининг шаклланиши, жанрлар модификацияси масалалари ва ҳ.к. Бу масалаларни тадқиқ этиш учун албатта музейлар захирасини тадқиқ этиш, уларнинг Ўзбекистон рангтасвири тарихини ўрганишдаги салоҳиятини аниқлаш зарурати юзага келади.

§ 1.2. Ўзбекистон рангтасвири тарихини тадқиқ этиш замонавий музейшунослик масалалари кесимида

Бадий ижод маҳсули бўлган санъат асарларини чуқур ўрганган ҳолда услубий таҳлил этиш санъатшуносликнинг асосий профессионал фаолияти негизидир. Санъат асарига нисбатан тадқиқотчилик ёндашуви ва аниқ тарихий-бадий маълумотларни жамлаган муносабатни шакллантирган санъатшунослик бадий музейлар маконида санъат ривожининг илмий картинаси яратишга муваффақ бўлган. Айнан у ёрдамида инсонлар санъат асарини англаш ва ундан завқ олиш имкониятига эга бўладилар.

Республикадаги бадий музейлар маънавий-маърифий муассасаларнинг таркибий қисмидир. Улар жамиятда ўзига хос ўрин тутиб, экспозиция ва кўргазма фаолияти билан мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ислохотларни тарғиб этиб келмоқда. Жамиятдаги маънавий тараққиёт миллий ўзликни англашнинг ривож билан алоқадордир. Ўзликни англаш инсонни шахс даражасига кўтариб, камолот сари етаклайдиган руҳий-маънавий куч саналади. Халқ тарихини, юрт ва жаҳон маданиятини англашда бадий

музейларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги амалда исботланган. “Музей бугунги жамиятнинг ижтимоий, маданий институтлари орасида белгиланган мавкега эга. У замонавий ривожланишнинг асосий омили сифатида билимларнинг эволюцион динамикаси шароитларида яшайди ва инсон учун ретроспектив ахборотларни тарқатувчи муҳим омил саналади”⁶⁸.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда музейшунос мутахассисларнинг етишмаслиги, бу соҳада олий ўқув юртлиарида музейшунос кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги юртимиз музей иши ривожига, илмий-маърифий, комплектация ва экспозиция лойиҳалаш фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Республика музейлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати бир қанча қарор ва фармонларни ишлаб чиқди⁶⁹. 2017 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 975 сонли “2017 – 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” йўлга қўйилди⁷⁰. Улар муҳим юридик ҳужжат сифатида музейлар тизимида катта ўзгаришлар киритишга, ундаги ишларни жонлантиришга асос бўлди. Мамлакатда юз бераётган сиёсий, маданий, иқтисодий ислохотлар республикадаги музейлар фаолиятида ўз аксини топиши ва миллий мафкуравий ғоялар тарғиб этилиши даркор. Хаксли санъат галареясининг раҳбари Р.Вайер “санъат маданияти юксак даражага кўтарилгандагина миллатга буюклик ва шухрат келади” дея таърифлайди. Зеро, бадий йўналишдаги музейлар фаолияти миллий ўзликни англаш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда муҳим омилдир.

⁶⁸ Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. - №4. – С.14.

⁶⁹ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлари фаолиятини яхшидаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 618 сонли қарори. // Халқ сузи, 1994 йил 24 декабрь; ЎзР Президентининг 1998 йил 12 январда қўл қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ 1913 сонли Фармони. // Халқ сузи, 1998 йил 13 январь; ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори. // Халқ сузи, 1998 йил 15 март.

⁷⁰ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 11 декабрида тасдиқланган “2017 – 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ҳақидаги 975 сонли қарори.

Бугунги кунда музей иши амалиётида янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда музейларни қайта ташкиллаштириш бўйича маълум бир тажриба мавжуд. Жаҳон музейшунослигида синалган малака ва тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, илғор технологияларни ўзлаштириш республика музейларини модернизация жараёнига олиб кирилаётганини кўрсатади. Музей модернизацияси бевосита жамиятда ва маданиятда унинг янги ролини ўзгариши ва шаклланиши билан боғлиқдир. Зеро глобал ахборотлар шароитида улкан информация ресурсини – маданий меросни таркатувчиси сифатида музейнинг роли табиий равишда ошади⁷¹.

Постиндустриал жамиятда маданий қадриятларни халқаро товарларга айлантириш маданий-иқтисодий ривожланишнинг ҳамда иқтисодий ресурснинг таркибий қисми саналади. Туризм, халқаро фестиваллар ва музей лойиҳалари маданият экспортини йўлга қўйишнинг асосий воситаларидандир. У ёки бу жаҳон халқлари маданияти экспортидаги ёрқин жараёнлардан бири – бу туризмдир. Эътиборли томони шундаки, туризм тижорати ёки туризм индустрияси инсоннинг моддий эъҳтиёжи учун янги маҳсулот тайёрламайди. У бирор бир халқ маданиятини “пардозлайди”, эълон қилади ва сотади.

Туризм – жуда катта иқтисодий сектордир. Бошқа иқтисодий тармоқлар билан солиштирганда (автомобиль ёки нефть индустрияси) унинг ривожи паст даражада бўлса-да, дунёда учинчи ўринда туради. Санъат, музей, кўргазма ва фестиваллар туристларни оҳанграбодек ўзига жалб этиши натижасида маданий туризм сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланмоқда. Бу ҳолатдан музейлар унумли фойдаланиши ва мазкур жараёнда етакчи муассасалардан бири бўлиши даркор.

⁷¹ Мастеница Е.Н. Новые тенденции в развитии музея и музейной деятельности // Триумф музея // Сб.ст.; отв.ред. А.А. Никонова. – СПб., 2005. - С.139.

Республикада мунтазам ташкил этилаётган “Шарқ тароналари”, “Асрлар садоси”, “Биенали” халқаро кўргазма ва фестиваллар нафақат ўзининг ғоявий, ижодий хусусиятлари балки, маданий экспортни, Ғарбда кенг қўлланилувчи “маданий (ижодий) индустрия”ни ривожланишига катта таъсир кўрсатиши билан аҳамиятлидир. Бу эса ўз ўрнида миллий қадриятларнинг тикланишига ва шу орқали маданий ресурсларнинг бойишига хизмат қилади. Ахборотлар даври ҳисобланган XXI асрда халқаро фестивал ва йирик лойиҳаларда музейларнинг фаол ҳаракати, ташаббускорлиги муҳимдир. Бу эса яна бир бора музейнинг ривожланиш концепцияси, музей маркетинги ва менежментини шакллантириш каби масалаларни кўндаланг қўяди. Россияда ҳар йили “Петербург музейларида болалар куни”, “Музейларда тун” ёки “Анъанавий музейларда замонавий санъат” каби йирик фестиваллар ташкил этилади. Бу албатта мамлакатдаги музейларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритишларига, малака ва ютуқларини алмашишларига таъсир кўрсатади.

Музей иши ҳар бир фаолият турида юқори самарадорликни кўзлаб, ривожланиш концепциясига, истиқболли режага амал қилган ҳолда модернизация жараёнига қўшилиши замон талабидир. Республикадаги музейлар соҳада юқори малакани қўлга киритган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этиши ва ўзига хос янги имкониятларни ишлаб чиқиши лозим. Музей ва музей ходимлари халқаро ёки фанлараро лойиҳаларда қанчалик кўп қатнашса, шу қадар катта малакага эга бўлиб, мазкур жараёни тезлатишга сабабчи бўладилар. Музейлар фаолиятини такомиллаштириш ва модернизация жараёни натижасида у таълим, коммуникация, маданий ахборот ва ижодий янгиликлар марказига, “мослашувчан институтционал тизимга”⁷² айланади. Ҳар қандай тарихий, ижтимоий шароитларда музейлар фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни доимий равишда

⁷² Музейный просвет: Сборник статей / Под ред. М.Б.Пиотровского и А.А.Никоновой. – СПб.: 2009. – 384 с.

маданий ва маърифий эҳтиёжларга ҳозиржавоб бўладиган масканга айлантириш мумкин.

Кўплаб замонавий ривожланган музейлар менежмент технологияларини қўллаш орқали муваффақиятга эришаётганлиги маълум. Бу музей фаолиятини концептуал модернизация этишнинг асоси ҳисобланади. Менежментнинг асосий қуролларидан бири истиқболли режа бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, амалга ошириш ва назорат қилишдан иборатдир. Бу режа музейда вужудга келган назиятни тубдан ўрганиш, молиялаштириш ҳамда ходимларни тақсимлаш нуқтаи назаридан энг муҳим устунликларни аниқлашга ёрдам беради.

Барча музейларнинг дастлабки фаолияти комплектация ишлари билан боғлиқдир. Унинг заминида музейнинг асосий хусусияти бўлган манбашунослик базаси ташкил топади. Комплектация ишлари натижасида табиат ва жамиятдаги ходисалар ҳужжатлаштирилади⁷³. Музей ашёлари ҳисобини юритиш тизимини оптималлаштириш бугунги кун музей ишининг долзарб вазифаларидан биридир. Коллекциялар билан ишлашдаги катта муаммолардан бири – бу экспонат паспортидаги маълумотлар тўлиқ эмаслиги, ҳужжатлаштириш тизимидаги ноаниқликдир. Ваҳоланки, музейлардаги “Ўзбекистон рангтасвири” коллекциясидаги маълумотлар илмий паспортларда сиёҳ билан ёзилган бўлиб, уларнинг аксарият қисмини ўқиш мушкул (бу муаммо бошқа коллекцияларга ҳам тегишлидир⁷⁴). Шунингдек, паспортдаги ёзувлар давом эттирилмаган, аксарият қисмида фото суратлар илова этилмаган ёки мавжуд фотосуратлар оқ-қора тасвирда. Бу албатта, асарнинг идентификация, инвентаризация жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, илмий-тадқиқот ишларида катта қийинчиликлар туғдиради ҳамда кўргазмаларни ташкиллаштириш ишларини секинлаштиради. Тўғри юритилган паспорт маълумотномаси музей фондининг

⁷³ Тельчаров А.Д. Основы музейного дела – М., Омега-Л, 2005. – С. 25.

⁷⁴ Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси. // Moziydan sado. – Тошкент, 2006. – № 2 (26). – Б. 8.

ахборот захираси сифатида концептуал, ташкилий ва технологик асос бўла олади.

Ҳозирда музей амалиётида қўлланилиб келинаётган ҳисобга олиш тизими 1938 йилда барча собиқ Шўро давлатлари музейларига киритилган тизим бўлиб, ундаги ҳисоб юритиш технологияси вақт ва амалиётда ўз тасдиғини топган. Музей бойликларини сақлаш ва ҳужжатлаштириш музей ишининг бош мақсади ҳамда асосий фаолияти бўлгани сабабли, уни такомиллаштириш йўллари излаш лозим. Экспонатлар ҳисобини юритишдаги ягона андоза турли йўналишдаги музейлар учун ноқулайликлар туғдиради. Гуманитар йўналишдаги музей экспонатлари билан илмий, техника йўналишдаги музейлар коллекцияси бир-биридан фарқ қилади. Табиийки турли йўналишдаги музей бойликларини ҳужжатлаштириш жараёнида ягона стандартга айланиб қолган эски тизим баъзи ноаниқлик ва чалкашликка сабабчи бўлади. Масалан, Россия Фанлар Академиясига қарашли В.И.Вернадский номидаги давлат геология музейи ходимлари коллекцияларнинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда ҳужжатлаштириш тизимига бир қанча ўзгартириш киритдилар. Маълумки, музейнинг асосий захирасидаги буюмлар ўз сифатига қараб алоҳида инвентар китобларга махсус инвентар рақам билан ажратилади. Улар ягона коллекцияни ташкил этади. Бироқ, бадий-тарихий йўналишдаги музейлардан фарқли равишда, табиат музейларидаги коллекциялар алоҳида буюмлардан эмас, балки тўплам шаклидаги коллекциялар орқали жамланади. Натижада бирор бир махсус коллекция ўзига хос жамланма коллекциялардан иборат бўлиб қолади. В.И.Вернадский номидаги давлат геология музейи ходимлари мазкур ноаниқликка ўзига хос ечим топдилар. Улар алоҳида коллекциядан иборат бўлган ва махсус инвентар китобига рўйхатдан ўтган буюмлар жамланмасини “инвентар гуруҳ” деб номладилар. Мазкур услуб 1990 йиллардан бери музейда самарали қўлланилмоқда. Бу каби ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш

ишларидаги муаммолар авваллари ягона тизим асосида ишлаган Россия⁷⁵ ва Ўзбекистон музейларида талайгина.

Маълумки, коллекциялар бўйича ҳужжатлар икки турга бўлинади: ҳисобга киритиш, сақлаш ва илмий ҳужжатлар. Рўйхатга олувчи ҳужжатлар коллекция таркибига кирган экспонатнинг музейлаштирилганини тасдиқлаши лозим. Ҳужжатлаштириш тизими экспонат ҳақидаги барча ахборотлар сифimini бера олиши ва исталган пайтда индивидуал коллекция рақами ёрдамида турар жойини аниқлашга ёрдам бериши керак. Музейнинг ҳисоб китобига бойликларни туғри рўйхатдан ўтказиш музей ишининг асосий ва муҳим шартларидан бири саналгани сабабли ҳам кўплаб хорижий мамлакатлар йиллар давомида уни такомиллаштиришга катта куч сарфлаганлар. “Музей бойликларини ҳужжатлаштириш амалдаги стандартларга асосланган ҳолда ягона тизим асосида олиб борилади. Ушбу стандартлар соҳага алоқадор миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан ва Халқаро музейлар ташкилоти (ICOM), ЮНЕСКО ҳамкорлигида ишлаб чиқилади”⁷⁶. Муайян қоидаларга асосланган каталог тизимининг стандартларига мос келувчи жадвалнинг мавжудлиги экспонатнинг ҳаракати назоратини ва сақланиш ҳолатини белгилаб туришга имкон яратади. Туғри йўлга қўйилган ҳисобга олиш тизими коллекцияларнинг хавфсизлигини, сақланиш ҳолатининг давомийлигини таъминлашда, уни бошқаришда, оммага намоиш этишда енгиллик туғдириши ва илмий изланишларга замин ясаши мумкин.

Лондон музейидаги ҳужжатлаштириш бўйича Халқаро комитетнинг (ИКОМ - CIDOC) фаол аъзоси Эндрю Робертс “Учет и документация”⁷⁷ мақоласида юқоридаги масала бўйича ўз изланишларини аниқ далиллар билан баён этиб, барча турдаги музейларнинг ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш тизимини

⁷⁵ Трофимова Т.А. Научное описание музейных предметов в новосибирском государственном краеведческом музее // Вестник Томского Государственного Университета. 2 (6). УДК 069.8 – 2012. С. 129-134.

⁷⁶ Маданий бойликларни муҳофаза қилиш бўйича 3-сонли Йуриқнома. Коллекцияларни ҳужжатлаштириш ЮНЕСКО. - Париж, 2008. – Б. 31.

⁷⁷ Робертс Э. Учет и документация // Управление музеем. практическое руководство - Франция. ИКОМ. – 2004. С. 31-51.

мустаҳкамловчи жадвални тақдим этади. Россия музейлари амалиёти ва Э.Робертснинг методикасига таянган ҳолда рангтасвир асарларининг ўзига хослигига асосланган экспонат паспорти маълумотномаси ишлаб чиқилди (1-жадвал). Унда бадий хусусиятга эга экспонатнинг идентификация белгилари, реставрация, ҳаракати назорати ва изланишлар даражаси омилларига эътибор қаратилди. Маълум бир қабул қилинган коидаларга асосланган каталог тизимининг стандартларига мос келувчи жадвалнинг мавжудлиги экспонат ҳақида тўлиқ ёзувлаштирилган маълумотни сақлашга имкон яратади. Ахборот технологиялари, коллекциялар ҳақидаги маълумотларни компютерлаштириш натижасида фондларнинг ҳисоби ва сақланиш жараёнларини автоматлаштириш, экспозицияларни лойиҳалаштириш фаолиятини такомиллаштириш, манбаларга киришни енгиллаштириш (ёки манбаларни илмий текшириш) мумкин.

Музей предметининг паспорт маълумотномасига намуна

I. Экспонат идентификацияси, индивидуал белгилари			
Музей номи	№ Кп	№ Инв	Асар муаллифи, даври ва номи
II. Экспонатнинг сақланиш жойи ва ҳаракати ҳақидаги маълумотлар			
Доимий сақланиш жойи	Вактинчалик ўзгарган жойи	Экспонат ҳаракатининг сабаби ва санаси	Асар ҳаракатига масъул шахс
III. Реставрация маълумотлари			
Реставрация методи ва санаси	Реставрациячининг Ф.И.Ш.		Реставрациянинг ҳисобга олиш рақами
IV. Экспонатнинг қабул қилиниши ва ликвидацияси ҳақидаги маълумотлар			
Қабул қилиш методи ва санаси	Фонд таркибидан ўчириш сабаби	Ликвидация санаси	Қучирилган асарни қабул қилган муассаса/шахс
V. Экспонатнинг ташқи тавсифи маълумотлари			
Ташқи тавсиф тахлили		Алоҳида фарқланувчи Белгилари	
Фото ёки рақамли тасвир	Технология тури	Хом ашё	Ўлчамлари
VI. Сақланиш ҳолати ва маркировка белгилари			
Сақланиш ҳолати Маълумотлари	Сақланиш ҳолати белгиланган сана	Ёзув ва маркировка	
VII. Илмий изланганлик даражаси			

Музей коллекцияларини сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бу экспонатлар учун табиий эскириш жараёнини секинлаштирувчи шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Табиий емирилиш жараёнини тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ. Чунки, кўп ҳолларда рангтасвир асарлари ўзларида ўзгаришларга мойил бўлган кучли моддалар бирикмасидан иборат бўлади (ўсимлик ёғлари ва б.қ.лар). Узоқ вақт давомида, ҳаттоки,

минералларнинг кристаллари ҳам ўзгаради. Шу сабабдан экспонатларнинг эскиришини максимал даражада тўхтатишга ҳаракат қилиш лозим. Музей иши ва фонд фаолияти ривожланган кўпгина йирик бадий музейларда мойбўёқ ва темперада ишланган рангтасвир асарлари алоҳида хоналарда, ўзига хос шароитларда сақланади. Ўзбекистон рангтасвири коллекцияси таркибини ўрганиш натижасида кўплаб бебаҳо асарлар фанера ёки ёғочга темпера билан ишланганлиги аниқланди. Масалан, ЎзДСМ захирасидаги А.Николаев (“Дуторчи”, инв №168, “Баҳор” инв №170, “Мўйна телпакли бола” инв №44898, “Беданабоз” инв №3361), “Охунбобоев портрети” 1951, инв №2923), Ч.Ахмаров (“Қиз” 1969, инв №4320, “Ўсмир” 1969, инв №4321) Ж.Умарбеков (“Идрокли инсон” инв №6628), Б.Назаров (“Эски шаҳар кўчаси” 1980, инв №6630, “Бухордаги кўча” 1980, инв №6631) ва б.лар. Шунингдек Р.Чориев (“Келин” 1967, инв №3897, “Амирликнинг кулаши” 1967, инв №4928), Г.Улько (“Сув” 1967, инв №4900), Э.Исхаков (“Ҳаёт, вақт” 1986, инв №7221) ва Л.Ибрагимовнинг (“Атлас кийган қиз” 1989, кп №33575) асарлари эса матога темпера билан ишланган. Темпера, ёғоч ва мойбўёқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни табиий биологик ифлосланиш ҳамда механик ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш учун махсус жиҳозланган алоҳида хоналарда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Самарқанд музейи коллекциясида ҳам Л.Бурэ, Р.Зоммер, П.Беньков, Е.Коровай, Ю.Елизаров, Р.Ахмедовларнинг ишларида умумий кирланиш, бўёқ қатламининг ёрилиши ва ҳаттоки тўкилиши каби аянчли ҳолатларни гувоҳи бўлиш мумкин. Нукус музейи захираларида эса баъзи картиналар ўрам ҳолатида сақланмоқда. Уларни бағетга тортиб, рамага жойлаштириш учун музейнинг моддий имконияти етарли эмас. Тасвирий санъат асарларини сақлашга оид бу каби муаммолар жаҳондаги барча музейларда мавжуд ва уларга ечим излаш, имкон қадар экспонатларнинг хавфсизлигини таъминлаш музейдаги ҳар бир ходимнинг бурчидир. XX асрнинг биринчи ярмида алоҳида тараққиёт босқичига эга бўлган графика билан эса янада

эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, реставрация, консервация масалаларини музейнинг комплекс режасига киритиб бориш долзарб масаладир.

Музейдаги илмий-тадқиқот фаолиятининг амалга ошган шаклларида бири кўргазмадир. Кўргазма – белгиланган вақт мобайнида фаолият юритувчи музей экспозицияси саналиб, меросни долзарблаштириш, музейнинг турли аудиториялари эҳтиёжини қондириш, музейнинг коммуникатив имкониятларини кенгайтириш мақсадларида ташкил этилади. Кўргазма коллекциялардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, бошқа музей коллекциялари ва хусусий тўпламлар билан танишиш, долзарб муаммоларни муҳокамага олиб чиқиш имкониятини беради, мутахассислик фанлари учун янги изланишларни тақдим этади. Кўргазмалар музейнинг ижодий лабораториясига айланиши мумкин ⁷⁸.

Бугунги кунда Тошкент ва Самарқанддаги музейларда фаолият юритаётган экспозициялар таҳлили натижаларидан куйидагилар маълум бўлди. Ҳар иккала музейнинг экспозицияси коллекциясининг салоҳиятига қарамай бир бутун ёрқин ҳодиса сифатида акс этмаган. Экспозицияда миллий рангасвир ривожининг ўзига хос йўлини, бошқа мамлакатларга ўхшамаган унқал тадрижий ривожини кўрмаймиз. Шунингдек, экспонатлар жойлашувида узвий мантиқий боғлиқлик, ягона илмий экспозиция концепцияси асосида қурилганлик сезилмайди. Ҳар қандай музей экспозицияси жонли жараёндир, у доимо ўзгаришга мойил. Албатта, улар доимийликни талаб этади, аммо янги давр мавжуд экспозицияга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Музей ўз биноси қобиғидан ташқарида ҳам экспонатлар намойишини ўтказиши мумкин. Бу асосан турли лойиҳалар билан боғлиқ ҳолда кечади. Кўчма кўргазмалар энг кенг намойиш тури ҳисобланиб, битта ва ундан ортиқ, баъзида эса бир гуруҳ экспонатлардан ташкил топади. Кўчма кўргазмалар бир маротабалик ёки давлат миллий тизимининг бир қисмига айланиб

⁷⁸Современное искусство и художественный музей: комментарий. – СПб.: 2008. – С. 64.

кетган бўлиши мумкин. Масалан, машхур швед “Rijskuntallningar” кўргазмаси турли ўлчамдаги кўргазмаларни дунёнинг турфа бурчакларида намойиш этади. 2006 йилда Петербургда ташкил этилган “Шарқ орзулари: Рус авангарди ва Бухоро ипаклари” (“Грёзы о Востоке: Русский авангард и шелка Бухары”) кўргазмаси Ўзбекистон замонавий бадий жараёнида ташкил этилган катта масштабдаги кўчма кўргазма лойиҳасидир. Кўргазма муваффақиятида ЎзДСМ, И.Савицкий номидаги ҚРДСМ коллекцияларининг ўрни катта. Мазкур кўргазманинг санъатшунослик концепциясида шарқ эстетикасидаги анъанавий белгиларга рус авангарди маҳорат билан уйғунлаштирилган.

2017 йилнинг апрель ва май ойларида Москвадаги А.С.Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейида ташкил этилган И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи экспонатлари намойиши ҳам хорижий томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Унга москваликлар билан бирга Россия пойтахтининг меҳмонларидан иборат 80 000 ортиқ томошабин ташриф буюрди. Кўчма кўргазманинг муваффақиятли намойишидан сўнг Ўзбекистон Маданият Вазирига бошқа мамлакатлардан ҳам таклифлар тушмоқда ва келгусидаги режаларда халқаро миқёсдаги санъат асарлари таркибини тузиш, уларни кўчма кўргазмаларга тайёрлаш, йирик лойиҳалар устида иш олиб бориш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Музейларга томошабинлар оқимини орттиришнинг яна бир усули халқ эътиборида бўлган машхур шахсларнинг музей ёки кўргазма билан алоқадор бўлган суратлари, видеороликларини тарғиб қилиш, музей доирасида ташкил этилаётган маданий тадбирларга уларни жалб этишдир. Бу эстрада юлдузлари, кино актёрлари, спортчиларни ўзларига идеал қилиб олган ёшларни музейга жалб этишнинг самарали усули саналади.

Турли давр, тарих ва жамиятнинг излари акс этган экспонатларнинг қизиқарли намойиши улкан интеллектуал ва эмоционал таъсир қувватига эга. Музейда даврлар, жамиятлар, фикрлар ва ғоялар тўқнашувининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Ривожланган давлатларда бадий йўналишдаги музейларга нисбатан эътибор айнан музейнинг катта маънавий озука омбори эканлиги билан белгиланади. Санъат ёки бадий ижод маҳсулотлари янги авлоднинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи рухий тафаккур намунаси сифатидаги ўрни барқарорлашган мамлакатларда бадий музейларга ва экспозицияларга профессионал ёндашувни кузатиш мумкин.

Тасвирий санъат асари имкониятларини намоён этиш XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср ғарб санъатшунослигида икки ёндашув асосида эришилган: имманентлик (санъатшуносликнинг ички хусусиятига кўра) ва фанлар аро ёндашувда (музейшунослик, педагогика, психология) ⁷⁹. Турли фанлар кесишувидаги ёндашув санъатшуносликнинг тарих, фалсафа, маданиятшунослик, эстетика билан ўзаро алоқадорлигида акс этади. Бугунги кун Ўзбекистон санъатшунослигида ҳам жаҳон бадий малакасида XX аср ўрталаридан қўлланилиб келинаётган санъат ҳақидаги фаннинг таълим соҳасидаги педагогика ва ижтимоий психология билан интеграцияси долзарб тус олди. Бу жараён санъатшуносликнинг таълимий имкониятларини амалга оширишга шарт-шароитлар яратиб берувчи бадий музейлар педагогикаси феноменида самарали натижалар кўрсатиши мумкин. Педагогик воситалар ёрдамида инсонни музей маконидаги кадритлар ва бадий меросни чуқурроқ англаб етиши шароитлари ташкил этилади. Музей педагогикасига бу каби ёндашув унинг ижтимоий-маданий институт сифатидаги ролини мустаҳкамлайди.

Ғарб мамлакатларидаги музей иши фаолияти ва музей таълимининг ривожланиши натижасида санъатни тобора кенгрок талқин этишнинг янги имкониятлари пайдо бўлди. Музейларнинг ижтимоий ўзгаришлар катализатори сифатидаги ўрнини белгилаш учун Ўзбекистонда ҳам музей иши фаолияти ва музей педагогикасига жиддий эътибор қаратиш зарур. Агар музейлар маданий, ижтимоий ва таълим-тарбия эҳтиёжларига жавоб бермас

⁷⁹ А.Г.Бойко. Произведение изобразительного искусства как предмет искусствоведения и музейной педагогики второй половины XIX – XX вв. Автореф. дис. канд. искусствоведения. – Санкт-Петербург. 2003. – С 40.

экан, унинг жамиятдаги аҳамияти йўқолиб, элитар кўринишда қолиб кетиш хавфи туғилади. Ижтимоий-маданий ҳодиса саналган музейлар фаолиятисиз замонавий ва ривожланган мамлакатни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган келажакни яратувчи ёшларнинг маънавий, жисмоний камолотга эришиши борасидаги ҳаракатларида бадиий музейнинг маданий-маърифий муассаса сифатида аҳамияти беқиёсдир. Мустақилликнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий қадриятларимизга таянишни, шу билан биргаликда миллий бирлик ва ватанпарварлик хислатларини ривожлантирувчи қадриятлар тарғиботини маданий-маърифий муассасалар орқали амалга ошириш ўринлидир. Бу жараёни биргина ЎзДСМнинг Ўзбекистон рангтасвири коллекциясига асосланган ҳолда тавсиф этиш ўринлидир. Тўпламдаги XX аср Ўзбекистон санъати ва маданиятида алоҳида из қолдирган сиймоларнинг портретлари, тарихий шахслар қиёфалари, миллий руҳ ва миллий ҳисга эга замондошларнинг портретлари ёшларга ҳам маънавий, ҳам интеллектуал озуқа бўлиши мумкин. Шу билан бирга портрет давр инсонни сиймосида унинг ўзини акс эттиради, у шахсийлашган шаклда вақтни намоиш этади.

Ўз ижодида Ўзбекистон рангтасвирида портрет жанрининг барча имкониятларини қўллаган, бир қатор санъат арбобларининг портретлари галереясини яратган А.Абдуллаевнинг тўпламдаги ишлари алоҳида эътиборга эга. “Аброр Ҳидоятонинг Отелло ролидаги портрети” (1946, инв №2691), “М.Уйғур портрети” (1947, инв№2249), “Ёзувчи Абдулла Қаххор портрети” (инв№2835), “Халқ устаси Усто Т.Арслонқулов портрети” (1948, инв№3603), “Қори Ниёзов портрети” (1952, инв№2535), “Халқ устаси Усто Я.Рауфов портрети” (1958, инв№2821), “Шоир Зокиржон Хабиби портрети” (1960, инв№3134) шулар жумласидандир. Инсоннинг табиат инъом этган ташки жисмоний гўзаллигига мафтун бўлиши билан бир қаторда, рассом “маънавий бойлик, заковат, бадиий қадриятларни англаб етиш қобилиятини” етук инсоний фазилатлар

сифатида баҳолайди.

Аброр Ҳидоятлов сиймосининг яна бир талқини В.Рождественскийнинг “Актёр Аброр Ҳидоятлов” (инв№2137) асари ҳисобланади. Шунингдек, Е.Коровайнинг “Усто Қули Жалилов портрети” (инв№3601), О.Татевосяннинг “Шоир Ҳ.Олимжон портрети” (1932, кп№30834), Ч.Ахмаровнинг “Халқ артисти М.Турғунбоева портрети” (1951, инв№2465), Ю.Елизаровнинг “Садриддин Айний портрети” (1951, инв№2466), “Ўзбек шоири Зокиржон Фурқат портрети” (1959, инв№2842), Р.Ахмедовнинг “Рассом Ў.Тансиқбоев портрети” (1972, инв №4876), “Рассом Б.Бобоев портрети” (инв №4852), Г.Ульконинг “Халқ устаси К.Хазраткулов портрети” (1961, инв№3431) каби асарлар ҳам тарихий, ҳам бадиий аҳамиятга эгадир. Мазкур қиёфаларни бирма-бир кўздан кечириш натижасида ўзбек халқи табиатига хос бўлган вазминлик, камтарлик, салобат, самимий ва одилона нигоҳни пайқаш мумкин. Шунингдек, уларнинг сиймоларида миллий ғурур яширинган. Миллат зиёлиларининг мазкур портретларини мактаб ва коллеж ўқув дастурларининг адабиётларига киритиш ижобий натижа беради. Бу асарлардаги сиймоларнинг тасвири томошабинда бир умрга ёдда қолувчи ўчмас хотира бўлиб қолади. Шу портретлар орқали томошабин билан ўтмиш яқинлашади, зеро ҳар бир тасвирланувчининг Ўзбекистон маданиятида ўз ўрни ва халқига айтган сўзи мавжуд.

Миллий рангтасвирида портрет жанри ривожланишининг яна бир омили катта авлод рассомларидан тортиб то бугунги кун ижодкорларини ўзбек кишисининг характери, этномаданияти, турмуш тарзи ва ўзига хос самимий табиати доимо ўзига жалб этгани билан изоҳлаш мумкин. Коллекция таркибида эмоционал қувватга бой қиёфаларни акс эттирувчи кўп сондаги портретлар захираси мавжудлиги қувонарлидир. Бу каби асарларда тасвирланувчининг ижтимоий мавқеи, жамиятдаги ўрнига эмас балки соф инсоний туйғулар барқарорлигига, маънавий комилликка, миллий характернинг асосий чизгиларига алоҳида эътибор қаратилган.

Портрет жанрининг мустақил жабҳаси бу гуруҳли портретдир. Кўпгина гуруҳли портретлар сюжетли – ҳикоя қилувчан асосга эгаллиги ва персонажларнинг ҳаракатга бойлиги сабабли ҳам гуруҳли портрет-картинага киради. Тўпламдаги Баҳром Ҳамдамийнинг “Ёш рассомлар” (1937, инв№993), М.Курзиннинг “Ошпазлар жамоаси” (1933, инв№1), Е.Л.Коровайнинг “Халқ усталари” (инв№1739), Ю.И.Елизаровнинг “Ўзбекистон санъат арбобларининг гуруҳли портрети” (1957, инв№2737) ва Б.Бобоевнинг “Халқ усталари” (1971, инв№6349) асарлари Ўзбекистон портрет рангтасвиридаги жанр ва бадиий ижод турларининг ўзаро алоқаси бойишининг тобора ортиб бorganини кўрсатади. Ю.Елизаровнинг гуруҳли портрети бугунги кундаги экспозициянинг марказидан ўрин олган бўлиб, унда Ойбек, Ю.Ражабий, П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, М.Турғунбоева, Ҳ.Носирова, Тамарахоним, С.Юдаков сингари машҳур санъат арбобларининг қиёфаси гавдаланган.

Музей тўпламида буюк аллома Алишер Навоийнинг сиймоси ва ижодига бағишланган бир қатор асарлар мавжудлиги унинг ёшлар бадиий таълимидаги ўзига хос ўрнини яна бир бор мустаҳкамлайди. Алломанинг ижоди ўзбек мумтоз адабиётининг энг юксак босқичидир. Унинг ижодидан илҳомланган ижодкорлар бугунги кунда кўпчиликини ташкил қилади. А.Навоийнинг фалсафий мазмунга бой адабиёти, қаҳрамонлари доимо эътиборда бўлган. Ч.Ахмаровнинг “Фарҳод” (инв №2296), “Ширин” (1945, инв №2113), “А.Навоий шогирдлари билан” (1968, инв №4306), “Навоий Самарқандда” (1970, кп№31925), Л.Насриддиновнинг “Ширин Фарҳодга хат ёзмокда” (инв№2027), Х.Рахимовнинг “Денгиз соҳилидаги Навоий” (инв№2026), Н.Кашинанинг “Фарҳод ва Ширин” (1968, инв №5827), “Лайли ва Мажнун” (1968, инв №6117), Б.Бобоевнинг “Алишер Навоий” (1968, инв №6532), Ж.Умарбековнинг “Мир Алишер Навоий” (1991, кп №34713), М.Кагаровнинг “Саббаи сайёр I” (кп №34507) ва Ж.Усмоновнинг “Лисонут тайр” (2003, кп №35526) асарлари коллекциядан муносиб ўрин олган бўлиб, томошабинда буюк шоир ҳақида

тасаввур уйғотади, ижодий фалсафаси ҳақида фикр юритишга ундайди.

Тарихий шахсларга, айникса, ижодкор аёлларга кизиқиш, миниатюра анъаналарига асосланиб илк бора уларнинг қиёфаларини яратишга уриниш Шамсирой Ҳасанова ижодида кўзга ташланади. Унинг Комилла, Мутриба ва Увайсий каби шоираларга бағишланган бир қагор портретлари тўпламдан жой олган. В.Л.Рожественскийнинг “Чингизхон Самарқанд остонасида XIII аср” (инв №3587), “Қўмондон Темур Малик ва Султон Жалолиддин” (инв №3588) каби асарлари ҳам Ўзбекистон тарихини ёритувчи дастлабки уринишлар самараси ҳисобланади. Коллекцияда Р.Чориевнинг “Беруний портрети” (1973, инв №4877), У.Болтабоевнинг “А.Темурнинг урушга отланиши” (инв №7791), Л.Ибрагимовнинг “Ўлими олдидан қовун ушлаган Бобур” (1990, инв №15827), Т.Саъдуллаевнинг Заҳириддин Бобур, Камолиддин Бехзод сиймолари ва “Алпомиш ва Барчиной” (1995, кп №35420) композицияси, Ж.Умарбековнинг “Болаликдаги Ҳусайн Бойқаро” (инв №3892) асарлари мавжуд. Уларнинг қиёфаларини яратишда рассомлар маълум бир тарихий далиллар, илмий асосларга таянганлар. Шу сабабдан, мазкур асарлар ёшлар онгида тарихий шахсларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва қилган ишларини ёдда сақлашга қўмак берувчи восита саналади.

Инвентар китобни кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон рассомлари ҳар бир даврда чойхона мавзусига қайта-қайта мурожаат этганликларига шохид бўлиш мумкин. Чойхонанинг нуфузи XX асрнинг 20-60 йилларига қадар кучли давом этган бўлиб, аксарият рассомлар бу мавзуга қўл урганлар. Зеро, XIX асрнинг охирларига қадар чойхона жамиятнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий-маданий, тарбиявий ва дам олиш маркази ҳисобланган. Собиқ совет даврида бу масканнинг жамиятдаги ўрнига катта баҳо берилиб, ундан ғояларни тарқатиш, тарғибот-ташвиқот маркази сифатида фойдаланилган ва “маҳаллий чойхоналарнинг номини “қизил чойхона” га ўзгартирилган..... “қизил чойхоналар” сиёсий-маънавий маскан ҳисобланиб клуб

вазифасини бажарган”⁸⁰. Коллекцияда Л.Буре, Е.Бурцев, П.Беньков, А.Волков, Л.Насриддинов, В.Засивенко, З.Иноғомов, Х.Рахмонов ва бошқа кўплаб рассомларнинг чойхоналарга нисбатан миллий қадрият ёки сиёсий тарғибот сифатидаги талқинини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг ҳақли меросхўридир ва бу улкан савдо йўлида карвонсарой, сардоба каби миллий меъморчилик қурилмалари кенг авж олган. Карвонсарой – ислом маданиятидаги йўл фалсафасига боғлиқ тасаввурларни ўзида олиб юрганлиги сабабли бу мавзуга ҳам миллий рангтасвир тарихида анъанавий тарзда мурожаат этилади. Масалан, тўпلامда Р.Зоммернинг “Карвонсарой” (1897, инв №1770), Л.Бурэннинг “Карвонсарой туялар билан” (инв №1266), Н.Кашинанинг “Карвонсарой” (1969, инв №5859), А.Мирзаевнинг “Қизил карвон” (1977, инв №5737), М.Исановнинг “Карвон” (кп №34249) ва бир қатор рассомларнинг мазкур мавзудаги ишлари сақланади. Бу эса коллекциянинг мавзули экспозиция яратишдаги салоҳиятини акс эттиради.

Ўзбекистон давлат санъат музейи тўрт қаватли экспозиция залларидан иборат бўлиб, ҳар бир қават алоҳида санъат турининг турли давр ва ҳудудлардаги ривожини намоиш этувчи экспозицияларга бағишланади. Музейда турфа хил санъат намуналарини кўриш иштиёқи сўзсиз томошабинларнинг ташрифига сабаб бўлувчи бош омил ҳисоблансада, унинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Одатда томошабин бир вақтнинг ўзида барча экспозиция залларини, турфа хил коллекцияларни кўриб чиқишга ҳаракат қилади. Бу каби ташриф услуби, кенг ва катта коммуникация вазияти томошабинга тавсия этилмайди. Зеро, катта ахборотлар сифими инсоннинг бадиий ҳис қилиш омилларига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, унда руҳий ва жисмоний зўриқиш, чарчоқ кайфиятига сабаб бўлади. Малакали экскурсоводлар томошабинга бир маротаба ташриф учун ягона коллекция, ҳаттоки биргина экспонат билан катта руҳий озуқа,

⁸⁰ Қарабаев У. Этнокультура (Традиционная народная культура). – Ташкент: 2005. – С.231.

лаззатланиш ва кифояланиш мумкинлигини амалда исботлаб бериши муҳимдир. Шунингдек, ўқув материаллари асосида келган ўқувчи ва талабаларга ҳам мавзу доирасида экспозиция залларини айланиш аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Тор доирадаги ахборотларнинг кўргазмали намойиши талабаларнинг музейга қизиқишини орттиради ва музейнинг зерикарли маскан сифатидаги таассуротини бузиб ташлайди. Кўрилмай қолган экспозиция заллари эса уларнинг якка ҳолда, дўстлари билан ва ҳаттоки оиласини жалб этиш оркали музейга ташрифини яна бир бор таъминлайди.

Музейларга томошабинлар оқимини орттиришнинг яна бир усули халқ эътиборида бўлган машҳур шахсларнинг музей ёки кўргазма билан алоқадор бўлган суратлари, видеороликларини тарғиб қилиш, музей доирасида ташкил этилаётган маданий тадбирларга уларни жалб этишдир. Бу эстрада юлдузлари, кино актёрлари, спортчиларни ўзларига идеал қилиб олган ёшларни музейга жалб этишнинг самарали усули саналади. Шунингдек, замонавий музей амалиётида махсус актёрларни лойиҳаларга жалб этиш тез-тез кўзга ташланади. Актёрлар иштирокидаги театрлаштирилган маърузалар кўп ҳолларда кичик ёшдаги болалардан тортиб, уларнинг оилаларига ҳам қаратилади. Ҳар бир театрлаштирилган маъруза учун бирор бир асар, афсонавий, диний, тарихий сюжет ёки рассом ҳаёти ҳақидаги лавҳалар олинади. Масалан, Британия музейида кўп вақтдан бери қадимги Персия тарихи доирасида театрлаштирилган маърузалар ташкил этилади. Унда шоҳ Дорони акс эттиришда профессионал актёрнинг фаол иштирокини кўриш мумкин.

Маърузавий таълим фаолияти музей ишининг энг асосий ва узоқ йиллар давомида қўлланилиб келувчи шаклларидан биридир. Маъруза дастурларининг икки тури мавжуд: биринчиси - катта ёшдаги аудиторияга мўлжалланган тематик муаллифлик туркумлари. Иккинчиси эса – мактаб ёшидаги болалар ва уларнинг ота-оналарига қаратилган маъруза дастурларидир.

Музей педагогикаси билан таълим тизими орасида қатъий белгиланган алоқа мавжуд эмас. Зеро, музей маданият ва маънавият негизида ўзининг педагогик шакллари билан умумий таълим жараёни сифатини оширишга кўмак беради. У нафақат ўқувчи ва талабалар орасида, балки уларнинг ота-оналари, ўрта махсус билим юрти ўқитувчилари малакасини ошириш доирасида дастурлар тузади. 2010 йилда Лейден шаҳрида Амстердамнинг Зоология музейи, Нидерландиянинг миллий гербарияси ҳамда Лейденнинг табиат ва тарих музейларининг қўшилиши натижасида “Naturalis” музейи ташкил этилган. Бу масканда музей педагогикаси таълим тизими билан қуйидагича алоқа ўрнатган. Музей ходимлари гуруҳ ёки ёлғиз ташриф буюрган ўқувчига (бу жараёнда педагог ҳамроҳлик қилиши шарт эмас) чип-карта тақдим этади. Экспозицияни томоша қилиш жараёнида ўқувчи залларга ўрнатилган компьютер картридерида ўз пластик чипини ўрнатади. Компьютер фақат экспозицияни кўриб чиққандан сўнг жавоб бериш мумкин бўлган назорат саволларини ўқувчига беради ва жавобларни қайд этиб боради. Чиқишдаги компьютердан ўқувчи индивидуал тест натижаларни олади ҳамда уни расмий ҳужжат сифатида мактабга топширади ва мазкур таълим шакли мустақил ўқув фаолияти таркибига киради.

Музей аудиториясининг турфа хиллиги ҳақида сўз кетганида жамиятда мавжуд бўлган категорияларни назарда тутиш жоиз: ижтимоий даража, жинс, жисмоний (руҳий) саломатлик ҳолати ва бошқалар. Бу каби масалаларни “музей терапия”си фаолияти қамраб олади. Буюк Британия ва Америка мамлакатларида арт-терапия расман мутахассислик сифатида қайд этилган бўлса, Россияда бу тушунча 1990 йиллардан музей педагогикаси марказида, ногирон болаларнинг ижодий ривожланиш дастури илк бора ишга тушиши билан қўлланила бошлаган. Айнан музей таълими кенг ижтимоий маданий контекст билан ўзаро муносабатни доимий равишда мустаҳкамловчи, маданият ривожининг шаклланишида муҳим манба сифатида хизмат қилади. Шу сабабдан, Ўзбекистонда ҳам

музей педагогикасининг бир тармоғи сифатида музей терапиясини шакллантиришга қаратилган лойиҳа, дастур ва илмий изланишларга эътибор қаратиш жоиз.

“Арт-терапия” методик шакли ва услуги билан бадий музейларга мос бўлиб, самарали натижалар беради. Ўзбекистон музейлари, хусусан ЎзДСМда ҳам аудиторияга нисбатан қарашлар шаклини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди. Музей терапия жараёни доирасидаги модель кўп жиҳатдан турли фанлар уйғунлигида амалга оширилади. Масалан, Россия Давлат музейида ўтказилган “Монологдан диалогга қадар” дастурида беш кун давомида ногирон ва оддий мактабнинг соғлом ўқувчилари гуруҳи билан музей ходимлари, психологлар, рассомлар, кўшиқчилар, мусиқачилар ва актёрлардан иборат мутахассислар иш олиб борганлар. Мазкур лойиҳа натижаларига бағишланган “Долзарб интервью”да “Биз тасаввур оламига туртки берувчи бадий ижоднинг турли шаклларига мурожаат қиламиз – театр импровизацияси, ҳаракат, мусиқа ва музей буюми. ...Ижодда “бетоб” қисмга нисбатан муносабат йўқ, балки ижодий имкониятлари чексиз бўлган инсонга нисбатан муносабат мавжуд”⁸¹ деган ҳаққоний фикрларни учратамиз.

Маданиятшунослар ёки умуман олимлар “қадриятлар” ҳақида фикр юритаётганида асосан доимий захирадаги омилларни назарда тутишади. Йирик швейцариялик олим Ж.Коттёе шундай таъкидлайди. “Меросхўрларнинг ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатларисиз қадриятлар ўлади. Улар меросда борлиги учун ўз ҳолларича (замонавий маданиятга) сингиб кета олмайдилар. Улар қайта татбиқ этилиши, ҳаракатга келтирилиши керак”⁸². Шу сабабли ҳам қадриятларнинг бой захирасига айланган коллекциядаги асарларнинг доимий ҳаракатда, узлуксиз экспозицияда, изланувчиларнинг доимий тадқиқоти назарида бўлиши уларнинг маданиятга сингдирилиши билан тенгдир.

⁸¹ Актуальное интервью. “В поисках гармонии”// Мир Музей // 2007. №11 (243) С.6.

⁸² Коттёе Ж. Эти ценности создали Европу. – Европейский альманах. М., 1991. – С. 38.

Республикамиздаги музейларда мавжуд баъзи бир муаммоларни (илмий-тадқиқот, сақлаш, реставрация, экспозиция иши, музей педагогикаси ва ҳ.к.) юртимизда музейлар фаолиятини ёритувчи махсус илмий-тадқиқот журналининг йўқлиги билан ҳам изоҳлаш ўринлидир. Соҳага турдош бўлган журналларга тақдим этилувчи мақолаларга кўп ҳолларда муайян журналнинг мақсадига кўра талаблар қўйилади. Музей соҳасини ривожлантириш мақсадида 2017 йилнинг 11 декабрида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 975 сонли “2017 – 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”да жуда долзарб ишларнинг амалга оширилиши режалаштирилган. Дастурга киритилган музей коммуникацияси ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари қаторига махсус журнал ташкил этиш масаласини киритиш музей соҳасидаги ислохотларни мунтазам ёритиб бориш жараёнида мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Коммуникациянинг профессионал тизими омили ҳақида сўз кетганда, унинг муҳим тармоқларидан бири турли мамлакатлардаги мутахассислар орасидаги алоқани таъминловчи, муайян соҳадаги янги ишланмалар ва ғояларни алмашинувига хизмат қилувчи профессионал даврий нашр ҳисобланади. Музей ва коллекциялар билан боғлиқ масалаларга бағишланган дастлабки даврий нашр “Музеология, антикваршунослик ва қардош фанлар бўйича журнал” (*«Zeitschrift für Museologie und Antiquitätenkunde sowie für verwandte Wissenschaften»*, Дрезден, 1878.) Иоганн Георг Теодор фон Грассе томонидан таъсис этилган. 1890 йилдан то 1893 йилга қадар Францияда Люксембург музейи раҳбари Леонсом Бенедит ва санъатшунос Эдурад Гарнье томонидан асос солинган «Музейлар Бюллетени: Даврий журнал» (*«Bulletin des musées: revue mensuelle publiée sous le patronage de la Direction des beaux arts et de la Direction des musées nationaux»*) даврий илмий журнал фаолият юритган. “Қозон музей хабарномаси” (*«Казанский музейный вестник»*, 1920-1924 йй.), «Совет музейи» (1931–1940

ий) Россияда музей муаммоларига бағишланган илк журналлар бўлган. Бу каби даврий нашрлар деярли барча музей ташкилотларининг илк илмий-амалий фаолияти натижаларини ёритиб борган. Улардаги мақолалар музей иши, янги кўргазмалар, музей предметлари атрибутцияси масалаларига қаратилган эди.

1960 йиллардан бошлаб назарий музейшунослик ривожланиши натижасида илмий муаммоларни ёритувчи нашрлар пайдо бўлади: “Янги музей иши” («Neue Museumskunde», 1958, Берлин), “Куратор: Музей журнали” («Curator: The Museum Journal», 1958, АҚШ). 1982 йилдан бошлаб фаолиятини бошлаган “Музей менежменти ва кураторлик иши бўйича халқаро журнал” («International Journal of Museum Management and Curatorship») бугунги кунда музей иши назарияси ва амалиёти доирасидаги тадқиқотларни мунтазам чоп этиб борувчи халқаро даражадаги энг машҳур журнал саналади. XX аср охири – XXI аср бошларида музейшунослик дастурлари фаол ривожланаётган таълим муассасаларида бир қатор янги профессионал даврий нашрлар пайдо бўлади: “Музей ва жамият” («Museum and Society», 2003, Лестер университети музей тадқиқотлари мактаби, Буюк Британия), “Музеология ва мерос” («Revista Museologia e Patrimônio», 2008, Рио-де-Жанейро университети), “Музеология масалалари” («The Problems of Museology», 2010, Санкт-Петербург давлат университети)⁸³.

Кўриниб турибдики музей секторининг профессионал даражасини кўтаришда музей ходимлари ва тадқиқотчилар орасидаги коммуникация тизимини мустаҳкамлаш, хусусан даврий илмий журнал таъсис этиш алоҳида аҳамиятга эга. Журнал тарихий-бадий меросни ўрганиш, ҳужжатлаштириш тизимини замонавийлаштириш, экспозиция ва кўргазмалар яратишда илмий-бадий концепция, жаҳон музей иши тажрибалари, консервация ва реставрация соҳаларидаги изланишлар, музей педагогикаси, менежменти каби музейшуносликдаги бир қатор илмий

⁸³ Апаньев В.Г. Национальные и международные музейные организации: Учебно-методическое пособие. — Санкт-Петербург, 2013. — С.13.

тадқиқотларнинг моддий асосини мустаҳкамлашга замин яратади. Бу журнал турли вилоятларда жойлашган музейларнинг ўзаро ахборот, билим ва малака алмашинуви воситаси, музейдаги илмий ходимларнинг тадқиқотларини ва жаҳондаги музей ишидаги янгиликларни тарқатувчи манба сифатида самарали натижалар бериши мумкин. “Санъат”, “Мозийдан садо” нашрлари каби журналнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиши нафақат музейларни илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек ички ва ташқи туризмдаги аҳамиятини оширишга хизмат кўрсатади. Музей иши ва музейшуносликка мўлжалланган журналнинг жаҳон малакасида аналоглари кўп ва улар жаҳон тажрибасида доимо ўзини оқлаб келмоқда.

Мазкур бўлим натижаларини таҳлил этиш натижасида ҳар қандай музейни замонавийлаштиришнинг назарий асоси музейнинг ривожланиш концепциясини яратиш, бошқарувнинг стратегик режасини тузиш билан боғлиқ эканлиги белгиланди. Бунинг учун авваламбор, малакали мутахассислар томонидан фонд таркибидаги коллекциялар илмий ўрганилиши, мавжуд маълумотлар базаси замонавий ахборот технологияларига ўтказилиши каби фундаментал масалаларни ҳал қилиш жоиз. Янги методологияга ўтиш жараёнида музей предметларининг ахборот потенциали тўлиқ ўрганилмагани турли муаммоларга сабаб бўлади.

Коллекция таркибини қайта ўрганиб чиқиш, ҳужжатлаштириш тизимини замонавийлаштириш, экспозиция ва кўргазмаларни яратишда илмий концепцияга, миллий мафкура ҳамда жаҳон тажрибаларига таяниш, музей коллекцияларини жонли бадий жараёнга татбиқ этишнинг самарасини оширади. Таҳлил натижаларидан республика музейларида ҳам миллий ўзига хосликдан келиб чиқиб, жаҳон музейларининг синалган тажрибаларига таяниб, музей фаолиятини такомиллаштириш, музей маркетингини шакллантириш, истиқболли режасини тузиш каби масалалар долзарб тус олаётганлиги маълум бўлади. Музейнинг ривожланиш концепциясини яратиш ва бошқаришнинг

стратегик режасини тузиш замонавий музей фаолиятини концептуал модернизациясининг назарий асосидир. Уни эса коллекциялар захирасини ўрганмай туриб яратиб бўлмайди. Республика музейларида илмий-тадқиқот фаолиятининг оқсаганини бугунги кундаги қатор муаммолар мавжудлигига асосий сабаб сифатида изоҳлаш мумкиндир, эҳтимол. Ҳаттоки, фақат коллекция тўплаш, уларнинг реставрация ишлари билан овора бўлган, музей-феномен яратиб кетган И.В.Савицкий бу масалани чуқур идрок этиб, қуйидаги фикрларни қайд этади: “Ички ҳиссиётни четга суриб, музейшунослик, санъатшунослик, тарих ва шунга ўхшаш илм-фан билан яқин алоқага киришиш жоиз. Зеро, бусиз тўлақонли музейни яратиб бўлмайди. Мазкур жараёни кейинга суриш мумкин эмас ва бу ерда барчасини кадрлар, мутахассислар ҳал қилади”⁸⁴.

“Ўзбекистон рангтасвирини тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари” бобида келтирилган манбаларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

XX асрда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган кескин ўзгаришлар бадий жараён билан бир қаторда санъат тарихи ва назарияси доирасида уларни англаб етишга қаратилган санъатшуносликка ҳам бевосита таъсир кўрсатди. 1930-1950 йилларда Ўзбекистон санъати асосан совет санъатшунослиги илми фонида шакллана бошлайди: цензуранинг мавжудлиги, кучли сиёсийлаштириш ва мафқуралаштириш. 1960-1970 йилларда санъатшуносларнинг эътибори томонидан Ўзбекистон тасвирий санъати тарихининг тадрижий қиёфасини яратишга, бадий жараёнларни тизимли ташкиллаштиришга, санъат турлари ва жанрлари шаклланишини ўрганишга қаратилди. 1980 йилларда рассомларнинг жаҳон бадий жараёнига фаол интеграцияси сабаб санъатшуносликдаги илмий парадигма ҳам ўзгара бошлайди, авангард меросига қизиқиш уйғонади. 1990-2000 йиллардан бадий жараёнда эркин ижод, модернизм ва постмодернизм шаклларининг пайдо бўлиши

⁸⁴ Венюк Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В.Савицкого, Нукус. Частные собр.: [Ильдар Галеев, сост., текст, библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – С.19.

натижасида санъатшуносликда янги бадий-танқидий усул, хусусан асарларнинг структуравий таҳлили, уларнинг семантикаси ва мажозий таркибига эътибор қаратиш устунлик қила бошлади.

Тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон рангтасвирига оид турли тарихий-назарий ва монографик масалаларни ишлаб чиқишдаги ҳиссасига қарамай XX аср санъати ривожининг асосий муаммоларини қамраб олувчи умумлашма тадқиқотларнинг камлигини белгилаб ўтиш зарур. Масалан, Ўзбекистон тасвирий санъати генезиси; стилистик йўналишлар, тенденциялар ривожини ва ўзига хослиги; замонавий рангтасвирда реализмнинг услубий ранг-баранглиги; XX аср миллий рангтасвирда жанрлар тизимининг шаклланиши, жанрлар модификацияси масалалари ва ҳ.к. Ўтган асрнинг мураккаб шарт-шароитларида шаклланган ўзбек рангтасвирига оид юқоридаги масалалар бўйича янгиланган илмий ёндашувда изланишлар олиб бориш тобора долзарблик аҳамиятини таъкидламоқда. Бу муаммоларни республика ва жаҳон музейларида сақланаётган рангтасвир коллекциялари захирасини ўрганмай туриб, ёритиб бўлмайди.

Республикада таъсис этилган фармон ва қарорларнинг туб моҳияти музейларни модернизация жараёнига ўтиш вақти келганини кўрсатади ҳамда музейлар фаолиятини коллекцияларни тубдан ўрганиш билан мустаҳкамлаш жоизлигини, музейнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш зарурлиги юзага чиқаради. Музейлар концепцияси негизида илм-фаннинг (моҳият сифатида), илмийликнинг (намойиш усули сифатида) ва олимнинг (музей ходими образи сифатида) устунлик аҳамиятини англаш ётганини белгилаш ўринлидир.

Ахборот коллекция сақлашнинг асосий усули ҳисобланади. Хужжатлаштириш тизими эса коллекция ҳақидаги ахборотларни доимий сақлаши ва узлуксиз кенгайтириб бориши керак. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган бадий асарларни хужжатлаштиришга оид бўлган топографик жадвал намунаси музейнинг илмий тадқиқот базаси сифатида илмий изланишларда, экспозиция ва кўргазмалар ишида эркин фойдаланиш, экспонатларнинг сақланишига ҳамда улардан ҳар томонлама самарали фойдаланишга замин яратади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА МИЛЛИЙ РАНГТАСВИР КОЛЛЕКЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ (XX – XXI АСР БОШИ)

§ 2.1. 1920-1980 йиллар ижтимоий-маданий ва ғоявий контекстида коллекциянинг шаклланиши.

Ўзбекистон давлат санъат музейи мамлакатимиздаги музейлар орасида нуфузли ўринга эга бўлиб, унга XX асрнинг илк ўн йиллигида асос солинган. Музей кескин тарихий-маданий ўзгаришлар силсиласи даврида пайдо бўлган. XIX аср охирлари ва XX аср бошларига келиб Чор Россияси мустамлакасига айланган Туркистон ҳам бошқа Шарқ мамлакатлари қаторида, тарихий воқеалар тадрижида, ижтимоий ва маданий ривожланишда ўз йўлини ўзгартиришига тўғри келди. 1917 йил инқилобидан сўнг совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Туркистондаги бу вазиятни янада тезлаштирди. Ўрта Осиё мамлакатларига рус-европа маданияти, эстетикасини олиб кириш ҳаракатлари бошланди, театр, дастгоҳли рангтасвир, графика, симфоник мусика, опера, балет сингари европача санъат турлари кириб келди. Шу жараёнда Ўзбекистонда биринчи музейлар ҳам шакллана бошлади. 1876 йилда Туркистон ўлкашунослари ва олимлари томонидан тўпланган коллекция асосида Тошкент халқ музейи (ҳозирда Ўзбекистона маданияти тарихи давлат музейи)⁸⁵, ундан сўнг Ўзбекистон давлат тарихи музейи ташкил этилди. Инқилобдан сўнг янги ҳукуматнинг “тарихий, маданий ёдгорликларни миллийлаштириш, қўриқлаш ва тарқатиш каби вазифаларни бажарувчи”⁸⁶ Наркомпрос, сўнг эса Наркомат илк музей органлари фаолияти натижасида рус князи Н.К.Романов саройи “Туркреспубликанинг 1918 йил 19 апрелидаги №116 декретига кўра давлат мулки этиб эълон қилинди”⁸⁷ ва миллийлаштирилди.

⁸⁵ Левтеева Л., Турсуналиев К. Музееология (Наука о музейном деле) /методическое пособие. – Ташкент: 2008. – С. 27.

⁸⁶ Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. – М., Омега-Л, 2005. – С. 46.

⁸⁷ Крукотская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – С. 10.

Тошкентдаги янги музей дастлаб Туркистон Халқ музейи деб аталган. 1919 йилнинг 27 мартда қарор қилинган мандатга кўра музейга А.Волков ва М.Вербов раҳбарлик қила бошлади, муҳофиз сифатида декрет қарор қилинган куннинг ўзидаёқ, князнинг рафиқаси Надежда Александровна Искандер тайинланди ⁸⁸. Хужжатлардаги маълумотларга қараганда Н.А.Искандер 1920-йилларнинг ўрталарига қадар муҳофиз вазифасини бажариб, бадиий бойликларни авайлаб асраган.

Мазкур илк шахсий тўплам таркибига рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқдан ташқари бадиий жиҳоз, шиша, хрусталь, бронза ва бошқа амалий санъат асарлари кирар эди. Илк коллекция таркибининг турфа хиллиги музейнинг келажакдаги услубини, комплектация принципини белгилаб, унинг йўналишига сабаб бўлди. У тез орада тасвирий ва амалий санъат асарларини тўплаш фаолиятини олиб боровчи Туркистон Бадиий музейи деб юритила бошлади. Музей олдида дастлабки йилларданок бадиий асарларни тўплаш, сақлаш, тизимлаштириш ва уларнинг эстетик қийматини аниқлаш, аҳолини бадиий асарлар билан таништириш, турли маърузалар ташкил этиш каби аниқ мақсадлар қўйилган эди. Бу ҳақидаги қарорда “музей нафақат санъат асарларини томоша қилиш учун, балки санъат тарихи ва эстетикасига доир масалаларни илмий ишлаб чиқувчи назарий ғоялар маркази” ⁸⁹ эканлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Ҳозирга вақтда ЎзДСМнинг захирасида 60 000 дан ортиқ бадиий асарлардан иборат коллекция мавжуд. Бу албатта музей ходимларининг бир асрлик йиғув-тўплов, илмий-амалий фаолияти самарасидир. Улкан коллекция оқимида 4100 дан ортиқ асар “Ўзбекистон рангтасвири” тўплами таркибига киради. Дастлабки комплектация жараёнида мақсад “Ўзбекистон рангтасвир бўлими”ни яратиш эмас, балки рус рассомларининг Ўрта Осиё мавзусидаги ишларини йиғишга қаратилган эди. 1890 йилларда Меъморчилик институти буюртмасига биноан яратилган

⁸⁸ЎзР МДА, 394-жамгарма, 3-руйхат, 5-иш. Мандат №2935, Мандат №2936, Мандат №2937. – 1919 й.

⁸⁹ЎзР МДА, 34-жамгарма, 1-руйхат, 1184-иш, 56-варақ.

Р.Зоммернинг меъморий манзаралари мазкур коллекцияни бошлаб берди. Кейинчалик коллекция таркибини Н.Каразин, И.Казаков, М.Микешин, С.Светославский, С.Юдин ва бошқа рус рассомларининг Туркистон ўлкасининг меъморий манзаралари, портретлари кенгайтирди. Коллекцияда Р.Зоммернинг қирққа яқин асарлари бўлиб, юртимизда яратилган илк меъморий-этнографик рангтасвирни унинг “Тошкентдаги масжид” (1892, инв №1242), “Чойхона” (1892, инв №1510), “Бибихоним қаршисида” (1897, инв №731) манзаралари орқали кўриш мумкин. Шунингдек, қуёшли пленэр этюди устаси С.П.Юдиннинг ўзига хос нур ва ёруғликка тўла “Тошкент кўчаси” (инв №156), “Саҳрода” (1915, инв №6636), П.Е.Кожушконинг “Чор Минор” (1913, инв №1514), “Масжид” (1914, инв №714) каби ўндан ортиқ меъморий манзаралари, М.Е.Новиковнинг “Бурчмуллодаги тонг” (1925, инв №6295), “Баҳор этюди” (1929, инв №510) каби йигирмадан ортиқ лирик манзаралари ҳам тўплам таркибидан жой олган. Шуниси аҳамиятлики, тўпламда И.Казаковнинг 140 асари мавжуд ва улар рассомнинг ижодий етуклик палласини тўлақонли намойиш этади. Уларнинг энг аввали XX асрнинг илк йилларига (“Аёлларнинг қайтиши”, 1902, инв №101; “Ариқдаги кўприкча” 1903, инв №189), сўнггилар 1930 йилларга тўғри келади (“Хўтик”, 1930, инв №89, “Ғишт заводи”, 1930, инв №112). 1920 йилларда рассомнинг портретга тез-тез мурожаатини кузатиш мумкин (“Аёл портрети”, 1923, инв №2585, “В.А.Смирнов портрети”, 1928, инв №2384). Тўпламдаги асарларда мовий гумбаз, улуғвор пештоқларда қад кўтарган Бухоро, Самарқанднинг масжид ва мадрасалари, Ўрта Осиё турмуш тарзи ёрқин акс этган ховуз, чойхона, тор кўчалари ва гавжум бозорлари, кўринишини ўзгартираётган Тошкент шаҳри қиёфалари акс этган.

1924 йилдан бошлаб музей “Тошкент санъат музейи”⁹⁰ деб аталиб, маҳаллий аҳоли орасида оммавий маданий-маърифий марказ сифатида фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари музей қошидаги Н.Розанов студияси республика тасвирий санъати

⁹⁰С.М.Круконская. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – С. 11.

ривожда аҳамиятли бўлди. Мазкур студиянинг ташкил этилиши музейни тошкентлик рассомлар билан яқинлаштирди. Студия фаолияти натижасида тўплам фондига давр рассомларнинг тажриба ва изланишларга бой, янгиликларга тўла асарлари келиб тушиб, кетма-кет бадиий кўргазмалар ташкил этилди ⁹¹. Шунингдек, музейнинг илк раҳбари ва миллий рангтасвир асосчиларидан бири сифатида А.Волковнинг ўрни аҳамиятлидир. Унинг бадиий диди ва иқтидори сабабли Ўзбекистон рангтасвири шаклланишига хиссасини қўшган рассомлар (П.Беньков, Н.Карахан, Н.Кашина, М.Курзин, Е.Коровай, А.Николаев, Ў.Тансиқбоев, О.Татевосян, В.Уфимцев) ва уларнинг эътиборга молик асарлари коллекция таркибини бойитиб борди. Ўзбекистонга келгунига қадар К.Малевич, В.Кандинский, Д.Бурлюк, М.Ларионов, Н.Гончарова, П.Кончаловский ижоди таъсирида камол топган ⁹², шахсий бадиий концепциясига эга рассомлар гуруҳи дастгоҳли рангтасвир анъанасига эга бўлмаган Ўзбекистонда ўз ҳаракатларини бошлаб юборган эдилар ва эҳтимол, бу жараёни А.Волков имкон қадар музей тўпламида сақлаб қолишга интилган.

“1928 йилда ВЦИК ва СНКРСФСР нинг “РСФСР да музейнинг қурилиши ҳақида”ги қарори қабул қилинади. Унда музей иши фаолияти доирасида социалистик жамият қурилишининг ғоявий мазмуни кониқарсиз даражада очиб берилаётгани ҳақида сўз боради ва музейнинг пролетариат давлатнинг ғоявий қуролига айланиши бўйича вазифалар қўйилади” ⁹³. Қарордан сўнг музей иши қайта қуриш даврини бошдан кечирди. Яъни, ғоявий мезон бўйича барча экспозициялар жамият талабларига асосланган бўлиши, оммани мазкур жараёнга рағбатлантириши ҳамда руҳлантириши лозим эди. Музей ишининг тарғибот-ташвиқот фаолияти билан боғланиши бир томондан муҳим аҳамиятга эга бўлган катор ижобий натижаларга сабаб бўлди. Марказдан йирок ҳудудларда, жумладан,

⁹¹ Там же – С. 13.

⁹² Бобоназарова М. Ноёб хазина // San'at. – 2003. №2. – Б. 21

⁹³ Тельчаров А.Д. Основы музейного дела – М.: Омега-Л, 2005 – С. 55.

Ўзбекистонда ҳам музейшунос кадрларга эҳтиёж катта эканлиги аниқланди, музейлар мутахассислар билан таъминланди ва музей ходимларини тарбиялаш, тайёрлаш ишлари олиб борилди. Натижада, ЎЗДСМ фаолиятида ҳам тарихий ўзгаришлар содир бўлди.

1932 йилда Ўзбекистон совет рассомлари уюшмаси ташкил топиши ҳамда “Янги Шарқ усталари”, “ТошАХРР”, “АРИЗО”, “Изофабрика” каби турли гуруҳ ва уюшмаларнинг фаолият юритиши натижасида кўргазмаларни ташкил этиш динамикаси ошади. Табиий равишда, мазкур кўргазмалардан сотиб олинган асарлар тўпламнинг “олтин” фондига қўшилди. Масалан, музейнинг кирим китобидаги маълумотларга кўра П.Беньковнинг “Бухоро бозори” (1929, инв №1019), “Шарқий кўча” (1929, инв №1248), “Худжум фабрикаси” (1931-32, инв №1517), А.Николаевнинг “Эски ва янги мактаб” (1934, инв №1565), М.Курзиннинг 1933 йилда яратган Селмашзавод ошхонасига бағишланган туркум ишлари, “Шаҳар манзараси” (инв №35), “Колхозчилар рақси” (1934, инв №45), З.Ковалевскаянинг “Ўложада” (1937, инв №1272) асарларининг музей фондига қўшилиши 1935 йил 19 апрель билан белгиланади.

1935 йилдан фабрика-ошхона учун мўлжалланган бинода “Ўзбекистон санъати музейи” номи остида фаолият олиб бораётган музей тўплов, кўргазма ва илмий-маърифий ишларини кенг тарзда олиб борди. Музей раҳбари В.А.Афанасьевнинг тадбирли иш режалари натижасида янги экспедициялар ташкил этилди, илмий изланишлар муҳокамага қўйилди ва музей ишида илк бор томошабин билан ишлаш муаммолари ҳақида сўз юритилди ⁹⁴. Музейнинг “Совет Ўзбекистони картиналар коллекцияси”ни тўлдириш мақсадида шу йили ташкил этилган “Олтилар кўргазмаси” (А.Волков, А.Николаев, В.Уфимцев, М.Курзин, А.Татевосьян, Ў.Тансиқбоев) ⁹⁵ тўпламни бадиий жараёнлар билан боғлиқликда кенгайтириб боришига хизмат қилди.

⁹⁴ Кружковская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – С. 13.

⁹⁵ Усто Мумин. Мастера искусств об искусстве. Изд. лит. и иск. им. Г.Гуляма – Ташкент. 1982. – С. 122.

1920-1940 йиллар оралигида Ўзбекистонда содир бўлаётган бадиий жараёнларни А.Н.Волковнинг ижоди билан бошлаш ўринлидир. Рассомнинг коллекцияда турли йўналишдаги изланишлари, даврнинг мафкуравий чекловлари натижасида яратилган асарларидан иборат қиркдан ортиқ ишлари мавжуд бўлиб, улар орасида даврий жихатдан энг эртаси “Тоғлар” (1917, инв №6650) асари, нисбатан сўнгги ишлари “Дала гуллари” (1955, инв №2734), “Куз” (1956, инв №2808) картиналари саналади. Унинг “Туялар кўнғироғи жаранги” (1926, инв №382), “Ўзбек байрамлари” (1926-27, инв №162), “Қария, бола ва эшак” (1927, инв №377) каби бир қатор асарлари кубофутуризм, неопримитивизм оқимига асосланганлиги, “Икки қирғиз қизлари” (1927, инв №378), “Ўзбек қўшиқчилари” (1927, инв №63), “Зумрад чойхона” (1936, инв №1262) асарларидаги ёрқин ранглار эса халқ амалий безагидаги бадиий воситаларга монандлиги билан ажралиб туради. Ижодидаги бадиий топилмаларни соцреализм ғояларига мослаштириш, маҳобатли образларга, безакдорликка интилишни “ГЭС қурилиши” (1930, инв №1570), “Сельмашзаводдаги темир куйиш ишлари” (1933, инв №1008) картиналарида кузатиш мумкин. Шунингдек, тўпламдаги 1933, 1939 йилларда яратилган автопортретлар, рафикасининг портрети (1942, инв №2846) ҳамда даврнинг бош мафкурачиси В.И.Лениннинг 1940 йилга мансуб учта портрети (инв №1735, инв №1804, инв №2056) рассомнинг мазкур жанрдаги маҳоратини намоён этади.

Жозибадор олам сифатида Шарқни англашда ўз фалсафий, бадиий концепциясига эга А.Николаевнинг (Усто Мўмин) ижоди тўпламда алоҳида ўринга эга. Унинг ўттизга яқин рангтасвир ишлари орасида “Баҳор” (1924, инв №170), “Дуторчи” (1924, инв №168) “Беданабоз” (1928, инв №3361), “Чойхоначи” (1928, инв №3808) асарларида ретроспектив ёндашув намоён бўлади. Рассомнинг турли йилларда қабул қилинган ижодий изланишларини жумладан, 1940 йилларда Андижон шаҳри Уйғур республика театридаги фаолиятида яратилган бир қатор портретлари, “Авторпортрет” (1940, инв №6288), “Рафиқам

портрети” (инв №6713), “Й.Охунбобоев портрети” (1951, инв №2923) ва ранг-баранг мавзудаги ишларини (“Беговоддаги илк металлургия заводи”, 1946, инв №4493) ўрганиш натижасида даврда содир бўлаётган бадий ўзгаришларни, рассом ижоди моҳиятини кузатиш мумкин. Унинг “Эшкак эшувчилар” (1929, инв №2142), “Мева кўтарган қиз” (1940, инв №6288), “Кураш” (1947, инв №3591), “Ховлича” (1948, инв №4888) “Гуллаётган ўрик” (1948, инв №4835) асарлари бугунги кунга қадар музей захирасида ўрганилишга ва репродукцияга муҳтож ишлар саналади.

Коллекция О.К.Татевосяннинг икки юз элликдан ортиқ асарини қамраб олган. Унинг “Қовун бозори” (1915, инв №2993), “Шарқ ҳаммоми (1920, инв №4389), “Шердор мадрасаси девори қошида” (1917, инв №2758) каби асарлари миллий рангтасвир шаклланишининг илк қадамларини акс эттиради. 1918-1929 йилларда яратилган, шартли декоратив, икки ўлчамли услубда ишланган ишлар эса ўз вақтида катта баҳсларга сабаб бўлган. Шу билан бирга унинг ижодига “Ўзбекистон рангтасвир санъати учун янги бўлган маҳаллий бадий анъаналарга таянган ҳолда миллий шакл беришга қизиқарли уриниш”⁹⁶ сифатида таъриф берилади. Музей тўплами О.Татевосяннинг бутун ижодий фаолиятини кўрсатиш имкониятига эга: рассомнинг илк ишлари, 1930-йиллардаги маиший ҳаётга бағишланган катта ҳажмдаги асарлар, иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонликларни ёритувчи композициялар ва 1960-1970 йилларда дастлабки ижодига хос тарзда декоратив-ҳажмсиз ечим изланишларга қайтиш жараёнларини қамраб олади (“Тошкентдаги чойхона”, 1939, инв №2844; “Беданабозлар”, 1964, инв №4390). Колхоз ҳаёти тўғрисидаги мавзули асарлар ва шу билан боғлиқ бўлган типажлар устида иш олиб бориш унинг портрет жанрига нисбатан иштиёқини уйғотади. Бунини коллекциядаги 1930 йилларга мансуб замондошларнинг бир қатор портретлар галереяси орқали кўриш мумкин (“Абдурахмон портрети” 1933, инв №3882; “Йўлдош ака портрети” 1935, инв №3842; “Н.Қарахан портрети” 1936,

⁹⁶ Веймари Б.В. О.Татевосян. – М.: 1967. – С. 15.

инв№3847; “Ўсмир портрети” 1938, инв №6604; “Шоир Ҳамид Олимжон портрети”, 1932, кп№30834; “Рассом В.Еремян портрети”, 1962, инв №7534). Ушбу образлар таъсирчанлигига кучли ифодавий характер бериш оркали эришилган.

1920 йилларда ижоди янги санъат кўргазмаларида В.Кандинский, К.Малевич, Н.Гончарова, А.Лентуловларнинг асарлари билан ёнма-ён турган⁹⁷ М.Курзиннинг ишлари ҳам коллекциядан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Тошкентда яшаб ижод этган йилларига мансуб ЎзДСМдаги дурдона асарлари ҳамда Нукус санъат музейидаги формализмда айбланган намуналар ҳақиқатдан ҳам ноёб ва бебаҳо ҳисобланади. Зеро, М.Курзиннинг истеъдоди В.Н.Кедрин томонидан “унинг ижодидаги алоҳида қисмлар шу қадар кучли рангтаъсир қоришмасики, ўзининг гениал иқтидори билан ҳайрон қолдиради”⁹⁸ дея ўша йиллардаёқ юқори баҳоланган. Рассомнинг 1920-1930 йилларга мансуб, аксарияти портретлардан иборат коллекциядаги асарлари таҳлилидан шу нарса кузатиладики, баъзи ҳолларда авангарднинг етук намояндлари портрет жанрига келганда реализм йўлида ижод қила бошлаганлар. М.Курзиннинг коллекциядаги деярли барча портрет ишлари асосида рус реализми анъаналари ётади. “Ошпазлар жамоаси” (1933, инв №1), “Ошпаз портрети” (1933, инв №2), “Заводдаги ишчи аёл” (1933, инв №42), “Композитор В.А.Успенский портрети” (1933, инв №6054) асарларида ва “Сельмаш” заводида ишланган этюдларда тажрибаларга бой йўналишлардан кескин бурилишни, ҳукмрон мафкуравий вазиятга мослашиш жараёнларини кўриш мумкин. Бироқ, бу унинг тақдирини фожеавий яқун топишини олдини олмади (1936 йил – ҳибсга олиниб, умрининг 10 йилини қамок лагерида ўтказган, 1946 йилда Бухорога сургун этилиб, 1948 йилда қайта 8 йилга ҳукм этилган)⁹⁹.

Санъатдаги ўзгаришлар Виктор Уфимцев ижодида ҳам

⁹⁷ Уфимцев В. Говоря о себе. – Ташкент: 1972. – С. 30.

⁹⁸ ЎзР МДА, 2320-жамгарма, 6-рўйхат, 34-иш. 1-варак. – 1937. Стенографический отчет творческого диспута “За правдивое социалистическое искусство”.

⁹⁹ Туркестанский авангард. Авторы вступительной статьи: Е.С.Ермакова, Т.К.Мкртычев, М.Л.Хомутова. Каталог выставки. – М., 2009. – С. 38.

ёркин намоён бўлади. Унинг коллекциядаги бой бадиий мероси (150 дан ортиқ картина ва 500 дан ортиқ этюд, эскиз ва қораламалар) турли давр оралиғида қабул қилинган, катта қисми 2008 йилда Ангрен шаҳридаги В.И.Уфимцев номидаги суратлар галереясидан ўтган. Картиналар кўламига қарамай коллекцияда рассомнинг 1918 йилга оид бир нечта этюдлари, 1930 йилларга мансуб санокли картиналари мавжуд, аммо 1920 йиллардаги қайноқ ижодий тажрибалари деярли йўқ. Тўпلامда, энг катта асарлар ва этюдлар оқими 1940-1950 йилларни қамраб олади ва улар рассом бадиий тили ривожини энг сара намуналарда намоёиш этиш имкониятини беради. В.Уфимцевнинг тўплам таркибига қабул қилинган илк ишларидан бири фуқаролар уруши иштирокчиларининг гуруҳли портрети акс этган “Қаҳрамонона” (1936, инв №1256) асаридир. Мазкур асар 1937 йилдаги Москвадаги республикалараро ҳисобот кўргазмасида эътирофга сазовор бўлиб, санъат танқидчилари томонидан “Ўзбекистон рассомларининг сўнгги ютуқлари, ... ёркин рангтасвир намунаси”¹⁰⁰ сифатида баҳолангани бежиз эмас, чунки у миллий рангтасвир тарихида инқилобий жанрда яратилган дастлабки картина эди. Соцреализм рассом олдиға нафақат ғоявий, балки янгича шаклий вазифаларни қўяр эди. Авваллари ёркин экспрессив шакллар билан тафаккур қилган В.Уфимцев эндиликда реализмда кўп фигурали композициялар қуришни ўрганишға мажбур этди. Коллекциядаги асарларни кузатар эканмиз, рассом урушдан кейинги йилларда жанрли картиналардан қочиб, кўпроқ манзара, натюрмортда ишлаётганини кўрамиз. Бу даврда у 1920-1930 йиллардаги услубий изланишларини давом эттиргандек: рангтасвирда пластик хусусиятларға эътибор қаратиш; рангларнинг шартли ва безакдорлиғи, ҳажмсиз композициялар, шакл умумлашмалиғи, масштаблар ўйини (“Сариқ гуллар”, 1953, кп №35603; “Қўҳна шаҳар деворлари қошида”, 1958, кп №35838; “Йўлда туғилган”, 1963, кп №36252).

П.Беньковнинг ЎЗДСМда сақланаётган қирққа яқин ишлари

¹⁰⁰ЎЗР МДА, 2320-жамгарма, 1-руйхат, 619-иш. 60-варақ – 1937 й.

асосан рассомнинг Ўзбекистондаги ижод даврини акс эттиради. Музейнинг каталог ҳужжатларида бир қатор асарлар 1929 йилда П.Беньковнинг ўзидан Самарқандда сотиб олинган и белгиланган (“Бухоро бозори” 1929, инв №992, “Узум бозори” 1929, инв №62, “Қизил чойхона” 1929, инв №399 ва блар). Бухородаги туркум ишлар, жумладан, “Масжид” (инв №1247) ва “Ховуз мешкобчилар билан” (1929, инв №1254, мазкур асар 1935 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтидан келиб тушган) асарлари унинг йирик ишлари қаторига киради. Бу картиналарда рассомнинг Шарқ инсони ва уни ўраб турган фазовий муҳитга эътибори, рангтаъсир ёзувининг кескин ёрқинлашуви намоён бўлади. Коллекцияда П.Беньковнинг 1930 йилларда яратилган ишлари деярли учрамайди. Бунга сабаб у энг сара ишларини Москвага мунтазам равишда жўнатиб турган. Ўзбекистон давлат Марказий архиви материалларида Беньков аксарият ишларини Москвадаги Шарқ музейига топшираётганлиги ҳақидаги танбехлар учрайди. Бу даврда рассомнинг фақат иккита иши музей коллекцияси таркибига қўшилган. 1936 йилда Тошкент Революция тарихи музейидан¹⁰¹ “Амир амалдори” (1929, инв №67) картинаси ва 1940 йилда муаллифдан “Дугоналар” (1940, инв №1860) асари сотиб олинган. Унинг иккинчи жаҳон уруши мавзусига бағишланган асарлари коллекцияда кенг ўрин олган (“Қария портрети” 1940, инв №3811; “Қаҳрамоннинг онаси” 1942, инв №2214; “Жангчига совға”, инв №2311; “З.М.Ковалевская портрети” 1945, инв №2668, “Қизларни фронтга кузатиш”, инв №6755, “Дутор ушлаган қиз”, 1947, инв №2724)

Коллекцияда Н.Г.Караханнинг катта бадиий мероси алоҳида ўринга эга. “Волков бригадаси”нинг аъзоси сифатида у ҳам миллий услубни, ўзига хос ифодавий образлар тилини топишга ҳаракат қилган. Коллекциядаги 150 дан ортиқ турли даврларга хос ишлар Н.Г.Карахан ижодини тўлиқ ўрганишга замин бўла олади. Жумладан, “Челак кўтарган қиз” (1930, инв №2976), “Чупон”

¹⁰¹ Тошкент Революция тарихи музейи ҳозирда Ўзбекистон тарихи давлат музейи сифатида фаолият олиб боради.

(1948, инв №6752), “Сўнги нур” (1957, инв №6338), “Тошкент қурилмоқда” (1967, инв №7689) ва ҳ.к. Бу асарларда содда ва самимий дунёкараш, миниатюра ва халқ амалий санъатига хос декоратив ранглар “гулдастаси”, шартлилик, композиция тугаллиги акс этади. Мазмун ва моҳиятан социалистик реализм санъатида яратилган “Даф бўлсин колхоздан!” (1935, инв №66), “Пахта терими” (1942, инв №7676), “Янги Ўзбекистон” (1938, инв №6745) каби асарларида унинг ўзига хос салмокли ижоди ёрқин ифодавий ранглар ечимида акс этади: композициянинг маҳобатли ечими, шакллар умумлашмаллиги, ритмлилиқ, этнографик хислатларга урғу бериш ҳамда локал рангларнинг зиддияти. Шунингдек, асосан манзара ва сюжетли мавзуларда ижод қилган рассомнинг коллекцияда “Аёл портрети” (1937, инв №7680), “Чўпон портрети” (инв 7684), “Ок берет кийган аёл портрети” (инв №7689) ва автопортрети (1933, инв №7585) мавжудлиги мазкур жанр ривожини тадқиқ этувчи санъатшунослар учун қизиқарли манба ҳисобланади.

Музейда миллий манзара жанри ривожини белгилаб берган Ўрол Тансиқбоев ижоди мунтазам равишда кенг тўпланган. Коллекцияда унинг бир юз қиркдан ошиқ этюд ва картиналари мавжуд. Ҳаттоки Ў.Тансиқбоев уй музейи дастлаб ЎзДСМнинг филиали саналган бўлиб, бугунги кундаги фонд асосини музей коллекциясидаги асарлар ташкил қилади. Унинг ижодий мероси қанчалик улкан бўлмасин, коллекция рассом ижодини бир томонлама, яъни манзара жанри устаси сифатида намоёиш этади. Рассомнинг 1920-1930 йиллар бошидаги услубий изланишлари ҳамда портретчилик маҳорати акс этган ижоди коллекция таркибида мавжуд эмас. Уларнинг аксарият қисми И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи ва Москвадаги Шарқ халқлари давлат музейида сақланади.

Юқорида қайд этилган асарлар рассомларнинг ижодий йўналиши ўзгарганини кўрсатади. Шунингдек, санъат устидан ҳукмронлик, ғоявий мафкурага бўйсундирилиши ва социалистик реализмнинг характерли белгилари шаклланишини архив

материалларидан ҳам кузатиш мумкин. 1930 йилларда ижод устидан назорат ўрнатилиши ва соцреализм даври бошланиши муносабати билан рассомларнинг ҳар бир ҳаракати кучли бадиий танқид остига олиниши оқибатида мураккаб, зиддиятли ижодий муҳит шаклланди. “Турфа хиллик ўрнига яхлитлик, ўзига хослик ўрнига оммавийлик, ... маданий плюрализм ўрнига стандартлаштириш, унификация, умумлаштириш – илк ўн йилликнинг бадиий мезонлари эди.¹⁰² Мазкур мезон ва талаблар асосида музейга асарлар сараланар ва экспозицияга қўйиларди.

Москвалик шарқшунос Б.П.Денике Туркистон бадиий музейини қайта ташкил этиш тўғрисидаги 1937 йилдаги маърузасида “Ўрта Осиёда муҳим бўлган маданий марказ сифатида музейда Шарқ санъати бўлимини яратиш борасида вазифалар қўйиш кераклигини, ...музейда янги кўргазмалар залини ташкил этиш, ... рус санъати кўргазмаларининг намоишини ўтказиш, ...маҳаллий рассомларнинг кўргазмаларини яратиш заруратини”¹⁰³ таъкидлаб ўтади. Айнан “маҳаллий рассомларнинг” ижодига қизиқиш, уларни музейга жамлаб, кўргазмалар уюштириш ҳудуд рангтасвирининг дастлабки намояндалари ишларини тўпланишига сабаб бўлди.

Коллекцияда миллий рассомлар гуруҳининг тажрибаларга бой асарлари мавжуд. Баъзи рассомларнинг ижоди ягона асар қиёфасида акс этган бўлса-да, бу уларнинг номларини ёдда сақлашга, ижодларини ўрганишга, илмий тадқиқотларга туртки беради. Масалан, тўпламда А.Сиддиқийнинг “Эркак портрети” (инв №15), Х.Мансуровнинг автопортрети (инв №75) мавжуд. Мазкур давр ҳисобот стенограммаларида Тошкент шахрининг илк миллий рассоми – Баҳром Ҳамдамий “умидли ва иқтидорли ёш миллий рассом, ўз касбини севувчи, ўзи устида мунтазам меҳнат қилувчи, ҳаётнинг янги жиҳатларини кўра олувчи”¹⁰⁴ сифатида эътироф этилади. Унинг фаол ижодий даври 1933-1942 йилларга

¹⁰² Иконицкая С.М. От монолита к мозаичности культуры // Культура на пороге III тысячелетия. – Л.: СПб. 1994. – С. 13.

¹⁰³ ЎЗР МДА, 2320-жамгарма, 1-руйхат, 27-иш. 84-варақ – 1937 й.

¹⁰⁴ ЎЗР МДА, 2320-жамгарма, 1-руйхат, 39-иш. 76-варақ – 1937 й.

кадар давом этган бўлиб ҳам таҳсил, ҳам ижодий шаклланиш даври билан белгиланади. Рассом асарлари санокли каталоглар ва унга бағишланган Р.Такташ монографиясида кўзга ташланади холос. Ҳаттоки унинг оила аъзоларига ҳам бир нечта этюд ва қораламалар мерос бўлиб қолган. Тўплам Б.Ҳамдамий ижодини ўндан ортиқ намуналарда намоиш этиб, бу унинг қисқа ижодий даврини ёритишга ёрдам беради. Коллекция таркибидаги асарларнинг асосий қисми портретлар бўлиб, унда рассомнинг қизиқиш доираси, образлар устида тинимсиз изланиши акс этган. Унинг портретларида ўзига яқин бўлган инсонлар, айнан ўзбек кишиси характери, ўзига хослиги ифода этилган. “Баҳодир портрети” (инв №2017), “Комсомол қиз Муҳитдинова” (инв №11995), “Ака портрети” (инв №2204) асарларида натурани ўрганиш, портрет жанрини синчковлик билан ўзлаштиришга интилиш сезилиб туради. “Шоир Мустариб” (1940-1941, инв №2021) асари рассомнинг энг машҳур иши бўлиб, унда халқ донолигини ўз сиймосида мужассамлаштирган, машаққатли умр излари муҳрланган шоирнинг мўйсафид қиёфаси гавдаланади. “Лангар қурилиши” (1940, инв №1737), “Ёш рассомлар” (1937, инв №993), “Севимли қўшиқ” (инв №1993) каби асарларда рассомнинг жанрли лавҳа, кўп фигурали композицияларга ўтиш борасидаги бадий, техник маҳорати билан бирга, ижодий кўтаринки кайфияти, атрофдаги ҳодисаларга нисбатан муносабати намоён бўлган. Уларда Б.Ҳамдамийнинг нафақат мавзун ифодавий ёритишга, балки ҳаёт тарзи, орзуси ва мақсадлари ўзгариб бораётган ўзбек кишисига нисбатан эътибори акс этган. Жумладан, ўз даврида машҳур бўлган “Севимли қўшиқ” картинасида рассомнинг натурадан чизиш, ранг, нур-соя, композиция ва перспективани чуқур очиб беришга интилиши сезилади. Коллекцияда рассомнинг ягона автопортрети (1940) мавжуд. Рассом автопортретда айнан этнографик чизгиларга, ўзбек халқидан чиққан маҳаллий ижодкор эканлигига алоҳида урғу беради. Рассом Варшам Еремян унинг асарларини кўриб шундай фикр билдиради: “Мен кўп маротаба ўзбекистонлик

рассомларнинг ўзбек кишисини тасвирлаганини кўрганман. Аммо, ҳали ҳеч ким Б.Ҳамдабий композициялари каби улар тасвирига бу қадар илиқ муносабатда яқинлаша олмаган”¹⁰⁵.

Мазкур давр стенографик ҳисоботларида “илк миллий кадрлардан бири, иқтидорли ёш рассом, ёрқин асарлар муаллифи”¹⁰⁶ сифатида тилга олинган Л.Абдуллаевнинг ўн бешта асари коллекциядан муносиб ўрин олган. Рассом ижодининг асосий қисмини ташкил қилган портретлари орасида Ўзбекистон халқ қўшиқчиси, ўзбек мумтоз куйлари ижрочиси Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов портретини (1938, инв №1785) коллекция таркибида кўриш мумкин. Портрет илк ижодий тажриба ёки ўқувчилик намунаси бўлмай, рассом унда мойбўёқ рангтасвирнинг бадий воситалари ва имкониятларини пухта эгаллаган иқтидорли реалистик рангтасвирчи маҳорати акс этган. Тўпلامдаги аксарият асарлар ҳам юқоридагидек сифатларга эга бўлиши билан бирга, уларда асосан социализм даври руҳиятни акс эттирган мавзулар устунлик қилади (“Ёш шоирникида меҳмонда”, 1939, инв №1621; “Қурилишдаги тарғиботчи”, 1942, инв №2291; “Пахта далаларида”, 1958, инв №4316; “Дўстона учрашув”, 1961, инв №2314).

Музейнинг крим китобига кўра санокли бўлса-да Е.Коровай асарларининг коллекция таркибига қўшилиши мазкур даврга тўғри келади. 1927 йилдан тортиб то 1947 йилга қадар Ўзбекистонда яшаб ижод этган рассом Е.Коровай маҳаллий халқнинг ўзига хос турмуш тарзини ифодалагани тўпلامдаги портрет жанридаги асарларда намоён бўлади. Рассом Уста Қули Жалилов (инв №3601) ва халқ артисткаси Н.Мартинованинг (инв №4363) реализм анъаналаридаги портретлари билан ўз даврининг эътиборли мукофотларига сазовор бўлган. “Автопортрет” (инв №1275) ёки “Халқ усталари” (инв №1739) асарлари эса нозик колорити ва психологик ифодавийлиги, сокин ва қатъийлиги билан ажралиб туради.

¹⁰⁵ Тоқтои Р. Баҳром Ҳамдабий. Ғ. Ғулом ном. бадий адабиёт нашриёти. – Тошкент: 1969. – Б 27.

¹⁰⁶ ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 1-руҳат, 31-иш. 40-варақ – 1937 й. Дискуссия “О борьбе за социалистическое искусство”.

Рангтасвир асарларининг комплектация жараёнидаги узилиш иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқдир. Урушдан сўнг музей биносининг чегараланган имкониятлари сабабли барча эътибор фондлардаги коллекцияларни тартибга келтиришга қаратилди. С.М.Круковская “1935-1941 йиллар коллекциялар тўплаш даври сифатида қайд этилса, 1945- 1952 йиллар экспонатларнинг илмий инвентаризацияси ва илмий тавсифи даври бўлди”¹⁰⁷ деб белгилаб ўтади. Бу давр бадиий жараёни жаҳон уруши воқеалари, қаҳрамонлари ва унинг оқибатларига бағишланган кетма-кет кўргазмалар ташкил этишга қаратилган эди: “Ватанни қаҳрамонона мудофаа этиш”, “Ватан урушига икки йил” (1943), “Ўзбекистон Ватан уруши пайтида” (1944) ва “20 йил ичида Ўзбекистон санъати” (1945) ва ҳ.к.¹⁰⁸. Ташкил этилган кўргазмалар натижасида мазкур даврдаги воқеаларни мазмунан ўзида акс эттирган жанрли картиналар, замондош образи долзарблашгани кузатилади ва коллекция бу жараёни яққол намоён этади. В.Рождественскийнинг “Асирда” (инв №1840), М.Аринининг “Раҳбарларнинг госпиталга ташрифи” (1942, инв №2041), В.Уфимцевнинг “Партизан қиз” (1944, инв №2282), А.Волковнинг “Жангга” (инв №1837), Л.Подковыровнинг “Бу ердан душман ўтган” (инв №1847) каби жанг манзараларини ифодаловчи асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, уруш ортида хизмат кўрсатаётган инсонлар қаҳрамонликлари ҳам эътиборда бўлиб, уларнинг шижоатлари, сабр-матонати ва меҳнатлари мадҳ этилди. Хусусан, П.П.Беньковнинг “Қаҳрамоннинг онаси” (1942, инв №2214), М.Набиевнинг “Ўзбек ёшлари фронтга ёрдам бермоқдалар” (инв №2048), Ч.Ахмаровнинг “Фронт учун совғалар” (1943, инв №2043) ёки С.Ф.Абдуллаевнинг “Фронтга совғалар” (1942, инв №2277) каби бир қатор асарлари фидокорликка ундовчи ғояларга бағишланган.

Маълумки, иккинчи жаҳон уруши йилларида фан ва санъат намояндаларининг кўп қисми Тошкентга эвакуация қилинган.

¹⁰⁷ Круковская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – С. 21.

¹⁰⁸ Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972 /кол. авторов. В.Долинская, Н.Захидов, Т.Кадыров и др. – М.: Сов. художник, 1976. – С. 107.

Гоявий тарғибот мақсадида кетма-кет ташкил этилган кўргазмалар натижасида кўплаб рус рассомларининг жанг мавзусидаги ишлари коллекция таркибини кенгайтирган (Н.Ф.Короткова, “Фашистлар шаҳарда”, 1942, инв №2047; П.Н.Малишев, “Бизнинг қаҳрамонлар”, 1949, инв №2400; А.А.Васильев, “Партизанни дафн этиш”, 1942, инв №2016; Л.И.Шварц, “Совғаларни жўнатиш”, 1942, инв №1976). Шу ўринда бу асарларни Ўзбекистон рангтасвири бўлимидан рус рангтасвири бўлимига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Коллекция таркиби ва музейнинг кириш китоби кузатилганда урушдан кейинги йилларда соцреализмнинг санъатга, хусусан рангтасвирга кучли таъсири сезилади. Рассомларга уруш ва меҳнат қаҳрамонлари орқали халқ руҳини кўтариш ва шижоат бағишлаш каби талаблар қўйилган ¹⁰⁹. Бу жараён тўпلامдаги М.А.Аринининг “Пахта заводи” (1943, инв №2042), А.Н.Волковнинг “Пахта терими” (1944, инв №3593), К.Г.Григорьянцнинг “Пахта далалари” (1945, инв №2181), Н.В.Кашинанинг “Звенонинг ютуғи” (1949, инв №2421), В.Е.Кайдаловнинг “Хурмат доскаси олдида” (1949, инв №2418), А.П.Бубновнинг “Буюк ғалабалар тонгида” (1949, инв №2396) асарларида ўз ифодасини топган. Уларда ҳарбий ва меҳнат жасоратини кўрсатган қаҳрамонлар образи мардлик намунаси, ибрат ва ўрнак тимсоли сифатида улуғланган. Бу жараён хусусан, мафкурани тарғиб этувчи давр қаҳрамонлари, донгдор колхозчи ва ишчилар портретларида акс этган (П.Малишев, “Бизнинг қаҳрамонлар” 1949, инв №2400; О.Татевосян, “Қаҳрамон ҳақида қўшиқ”, 1959, инв №3580, А.Винер, “Қурувчи портрети”, 1947, инв №3001).

Коллекцияда Н.В.Кашина ижодий меросининг кўп қисми қиркинчи йилдан кейинги даврга мансуб (“Тушки танаффус” инв №2420, “Келин” 1946, инв №6236, “Доира ушлаган қиз” 1949, инв №2723). Рассомнинг ранг мажмуи борасидаги изланишлари унинг

¹⁰⁹ Зубкова Е.Ю. Послевоенное советское общество: политика и повседневность. 1945 – 1953. – М.: «РОССПЭН». 1999. – С. 27.

натюрмортларида ҳам жо бўлган (“Ноклар” 1948, инв №2723, “Беҳили натюрморт” инв №2265 “Бульдонежлар” инв №1970). Композиция ва мажмуи жиҳатдан мураккаб бўлмаган бу асарлар ҳаётга муҳаббат билан тўла, ёркин декоратив, байрамона безакдордир.

Нозик ифोर билан чулганган ўзбек шоиралари образининг галереясини яратган биринчи миллий аёл рассоми Ш.Ҳасанованинг ижоди яхлит ҳолда коллекцияда ўттиздан ортиқ картиналар орқали акс этади. Уларнинг кўпчилик қисми портрет бўлсада, бир нечта манзара ва натюрмортларни ҳам учратиш мумкин (“Самарқанд”, 1939, инв №6397 “Натюрморт ҳайкалча билан”, 1942, инв №6343; “Баҳор қуни”, 1942, инв №6344; “Натюрморт хризантема билан”, 1955, инв №2692). Бугунги миллий ўзликни англаш жараёнида Нодира, Увайсий, Махзума, Зебунисо ва бошқаларнинг ижоди кенг камровда ўрганилмоқда. Аммо Ш.Ҳасанова улар портретларини яратаётган даврда бу сиймолар ҳақида камдан кам мутахассислар фикр юрита оларди (“Увайсий портрети” 1947, инв №3606, “Шоира Мутриба”, 1947, инв №2380, “Зебунисо портрети” 1942, инв №4406). Рассом ўз рангтасвирида мазкур образлар орқали ифтихор хисларини ифодалашга интилди ва романтик руҳдаги портретлар яратди. Бу ишда унга шарқ шеъриятининг билимдони С.Қосимхўжаев¹¹⁰ ҳамда рассом Ч.Ахмаров катта ёрдам берди.

1956 йилдан музейга Ўзбекистон халқ рассоми Самиғ Абдуллаевнинг раҳбарлик қилиши коллекция таркибининг кенгайишига ҳам таъсир кўрсатди. Комплектация фаолиятида ман этилган, кўпчилиги “формалист” сифатида айбланган рассомларнинг ижод намуналарига музей экспозиция залини бўлмаса-да, захиралари эшигини очди. Ўн йил давомида бўлимга юздан ортиқ тасвирий санъат асарлари қўшилди. Бунини музейнинг марказдан йироқ бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Зеро, ғоявий босим натижасида кўплаб йирик музей ва галереялар ўз

¹¹⁰Саноова Д. Жемчужина узбекского искусства – художник Шамсрой Хасанова // San'at. – 2005. №1. – С 11.

тўплamlаридан авангард рассомларнинг ишларини “тозалаш”ларига тўғри келди. Масалан, Давлат Третьяков галереяси Рус музейига В.Кандинский, М.Ларионов, П.Кончаловский, Н.Гончаровларнинг бир қатор асарларини, ҳамда перифериядаги музейларга “музей учун иккинчи сортдаги” асарларни бериб юборган¹¹¹. Натижада унинг янги ташкил этилган “XX аср санъати” доимий кўргазмасида инқилобдан олдинги қизғин санъат санокли экспонатлар билан ёритилмоқда. Шуниси эътиборга молики, коллекцияда кўплаб замонавий ижодкорлар билан бир қаторда В.Маркова, А.Николаев (Усто Мўмин), О.К.Татевосян, М.И.Курзин каби катта авлод рассомларининг ижодларига алоҳида эътиборни кўриш мумкин. Кирил китобига кўра 1960 йилларнинг ўрталарига келиб В.Маркованинг “Манзара” (1930, инв №4627), “Дала” (1930, инв №4626), А.Николаевнинг (Усто Мўмин) “Қайтиш” (инв №5201), М.И.Курзиннинг “Гулдаста” (инв №3548), “Обион” (инв №3549) натюрмортлари ва “Эски услубдаги мактаб” (1935, инв №3583) асари, В.Уфимцевнинг “Афғон натюрморти” (1960, инв №5580), О.Татевосяннинг “Шарқ ҳаммоми” (1920, инв №4389) каби асарлари коллекция таркибини кенгайтирди. Бу ҳолатни ёш ижодкорлар томонидан 1920-1930 йилларда Шарқ қадриятларининг индивидуал пластик талқинига эриша олган рассомларнинг бадиий меросига қизиқиш жонлангани билан изоҳлаш мумкин.

1950 йиллар охирида миллий ўзига хосликни рассомнинг индивидуал услуби орқали намоён этиш жараёни бошланган бўлса (Ч.Ахмаров, Н.Кашина, Р.Ахмедов), 1960 йиллардан этномаданий пластик ғояларга эътибор қаратиш жараёни янада кучайди. Турли авлод вакилларининг ўзига хос изланишлари давр рангтасвири-нинг фарқли жиҳатидир. “1920-1930 йилларда ижодини бошлаган Н.Кашина, Ў.Тансиқбоев, Н.Қарахан ва урушдан сўнг санъатга кириб келган Ч.Ахмаров, Р.Ахмедов, М.Саидов каби рассомлар

¹¹¹ «Искусство XX века». Новая экспозиция в Государственной Третьяковской галерее / Искусствознание XV. – М., 1999. -№2. – С. 45.

фаол стилистик ўзгаришларни бошдан кечирарди. Бу жараёнда 1960 йиллар иккинчи ярмидан кириб келган Р.Чориев, В.Бурмакин, Б.Бобоев, Г.Улько, Е.Мельников, Ю.Талдикин каби ёш рассомлар ҳам иштирок этишди”¹¹². Миллий рангтасвир коллекцияси таркибига уларнинг илк ижодий тажрибалар, янгича ижодий дастур ва бадий ютуқларга эга асарлари келиб туша бошлади. Хусусан, А.Абдуллаевнинг “Богдаги қиз” (1956, инв №2722), “М.Уйғун портрети” (1954, инв №2840), Р.Ахмедовнинг “Ўпон бола” (1952, инв №2499), “Она ўйлари” (1956, инв №2729), Н.Қўзибоевнинг “Ю.Ражабий портрети” (1954, инв №2747). Улар Москва ва Ленинград бадий билим юртларида таҳсил олган малакали янги авлод рассомлари эди. Тўпламга асосан портретлар қабул қилингани (Т.Оганесов “Ёзувчи Бородин портрети” 1956, инв №2748; А.Абдуллаев “Н.Ниёзов портрети” 1950, инв №3586; Ч.Ахмаров “Рассом Р.Тимуров портрети” 1961, инв №3238; З.М.Ковалевская “Рассом С.Ф.Ракова портрети” 1962, инв №3239; Г.И.Улько “Халқ устаси У.Жўракулов портрети” 1961, инв №3431) бу жанрнинг миллий рангтасвирда етакчи ўринга чикиб олганидан дарак беради.

Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган бадий кўргазмаларда доимий равишда иштирок этувчи ва миллий рангтасвирнинг ўзига хос киёфасига айланган бир қатор рассомлар асарларини музей узлуксиз равишда йиғиб борди. С.Круковскаянинг маълумоти бўйича, бу даврда музей ходимлари алоҳида зални янги авлод вакиллари намояндаларига бағишладилар (Ч.Ахмаров, Р.Ахмедов, В.Жмакин, В.Ковинин, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Г.Улько, А.Абдуллаев, Ю.Елизаров, Т.Оганесов, Р.Тимуровлар). Айнан уларнинг ижоди давр рангтасвирда содир бўлаётган этномаданий ўзига хослик йўлидаги индивидуал изланишларни акс этирган. Республикада ташкил этилаётган кўргазмалардан тасвирий санъат намуналарини ЎзССР Маданият вазирлиги доимий равишда музейга ўтказиб турди. Масалан, вазирлик томонидан музей

¹¹² Ахмедова Н.Р. Особенности развития живописи государств Центральной Азии XX в. Дисс. На соискание степени доктора искусствоведения. – Ташкент. 2003. – 127 с.

коллекциясига 69 тасвирий санъат ва 104 графика намуналарини тақдим этилгани ҳақида маълумотлар мавжуд ¹¹³. Натижада, коллекция 1960 йиллардаги ўзбек халқ ижодининг эстетик ифодавийлигига таянган бадий жараёнларни акс эттириш имкониятига эга бўлди (Н.Кашина “Болалар янги ҳаётга кадам қўймоқда”, 1962, инв №3305; Р.Ахмедов ““Тонг. Оналик” 1962, инв №3286; Р.Чориев “Келин”, 1967, инв №3897, “Алла”, 1969, инв №4388, “Б.Зокиров портрети”, 1969, инв №4388, “Барно”, 1969, инв №4754; Б.Бобоев “Тандирчилар”, 1969 кп №35508, “Булоқ олдида”, 1970, кп №305509, Ю.Талдикин “Самарқанд дарахтлари”, 1965, инв №7240; В.Бурмакин “Автопортрет”, 1968, кп №37046 ва х.к.)

Тўплам кайфият манзараси шоири Р.Тимуровнинг ижодини сара намуналарда ёритади (“Самарқанд”, 1958, инв №2988; “Ургутдаги тонг” 1959, инв №3328; “Кечга яқин” 1963, инв №3604). Рассом “Самарқанд” асарида сипо ва мухтасар палитра ёрдамида куёшсиз, булутли куннинг яримтонларга бой ажойиботини садафсимон, марваридга оид гаммада акс эттирган. Асарда гоҳ меъморий ёдгорликлар киши эътиборини тортса, гоҳ сийрак туман ортидан кўринаётган водий манзараси диққатни олиб қочади. “Бахмалда туш” (1971, инв №4945) асарида эса рассом худуднинг ўзига хос табиатини экспрессияда, ҳаракатга бой ҳолатда ифодалайди. Асарда Бахмалнинг бетакрор табиати ифодаланган. Яшил, настаринсимон, бинафша ранглардаги энг нозик оҳангларни жамлаган манзара ўзининг ўсимликлар дунёси билан бахмал ёки духобанинг милтиллаган жилоларини эслатувчи маскан образини гавдалантиради.

Тўплам олтмишдан ортиқ картиналар орқали Рўзи Чориев ижодининг катта қисмини (хусусан 1960-1970 йиллар ижод даври) ўрганиш имконини беради. Рассом бадий меросининг аксарият қисми санъат ва ижодга алоқадор шахсларнинг портретлар галереясидан ташкил топган. Унинг Б.Зокиров (1969, инв №4388), И.Акбаров (инв №4907), Қ.Башаров (инв №4750), М.Набиев (1970,

¹¹³ Круксовская С.М. В мире сокровищ. – Ташкент: 1982. – С. 24.

инв №4878), Р.Такташ (1973-74, инв №6629) ва Р.Гамзатов (инв №7609) сиймоси акс этган портретлари тўплам фондидаги аъло намуналар ҳисобланади. Портретларда Р.Чориев ҳар бир моделга индивидуал ёндашиб, уларнинг характери, ҳис-туйғулари, жамиятда эришган мавқеи ва шахс сифатидаги қўламини экспрессив бадиий ечимда ишлаган. Рассом самимиятга ва соддаликка тўла оддий инсонларнинг портретларини ҳам катта қизиқиш билан ишлайди (“Қария портрети” 1959, инв №7473, “Чўпон бола” 1966, инв №7540, “Келин” 1967, инв №3897, “Барно” 1969, инв №4754). Ҳар бир қаҳрамон ўзгача табиат қўйнида, миллий либосларда, кўзлари маюс, айримлари чарчаган ҳорғин, айримлари узоқ ўй ва ҳаёллар оғушида. Рассом яратган образларда мураккаб ички драматик вазият, руҳиятнинг зиддиятли ҳолатлари, шу билан бирга миллийлик ва умуминсонийлик фазилатлари очиб берилади. Р.Чориевнинг ўзига хос пластик рангтасвир ечимидаги манзара ва натюрморт ишлари ҳам мавжуд. Жумладан, “Тошкент. Баҳор” (1970, инв №4753), “Қишки натюрморт” (инв №4678), “Интизорлик натюрморти” (1972, инв №7202), “Сайроб. Баҳор” (1970, инв №4846) асарларида портретларда қўлланилувчи ранглар ёрқинлиги акс этиб, унинг ижодига ранг-баранглик бахш этади. Коллекция рассомнинг 1986 йилга мансуб “Марғузар қўли” ва “Кинофестиваль. Хиндистонлик меҳмон” асарлари билан якунланади.

Р.Чориев каби бу даврда миллий рангтасвирда ўзига хос реалистик мактаб яратган рассом Раҳим Аҳмедовнинг коллекцияда эллиқдан ортиқ ижод намуналари мавжуд. Бу тўплам рассомнинг илк ижодий ютуқларидан тортиб, то 2000 йиллардаги манзара жанрига нисбатан иштиёқини намойиш этади. Музейнинг харид ҳайъати кўргазмаларда алоҳида эътирофга сазовор бўлаётган асарларни мунатазам коллекция таркибига қўшиб бориши натижасида Р.Аҳмедовнинг “Она ўйлари” (1956, инв №15146), “Опа-сингил” (1958, инв №17734), “Сурхондарёлик қиз” (1959, инв №16032), “Тонг. Оналик” (1962, инв №16490), “Ў.Тансиқбоев портрети” (1972, инв №19423) каби ўнлаб портрет жанридаги

изланишлари, натюрморт ва манзаралари тўпладан муносиб жой олган.

Шунингдек, рамзий-метафора йўналишида ўз услубини топган ижодкор Бахтиёр Бобоевнинг санъатшунос тадқиқотчилар томонидан юқори баҳоланган ишларини коллекция таркибида кўриш мумкин: “Риштонлик уста” (1969, инв №4910), “Фарғона сюитаси” (ТМҚ, 1969-70, инв №5999), “Фурқатнинг Кўкон билан видолашуви” (ТЎҚ, 1969, инв №4909), “Хивалик усталар” (1971, инв №6349), “Кун” (1982, инв №7013) асарлари шулар жумласидандир. Юқоридаги асарлардан кўриниб турибдики, музей рассомларнинг эътиборга лойиқ, ижодий эволюциясини белгилаб берувчи энг сара асарларини доимий равишда тўплаб, коллекция фондини тўлдириб борган.

Бу даврда музейнинг илмий тадқиқот ва ноширлик фаолияти ҳам жонланди. 1960 йилларда Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари ижодини ёритган альбом ва С.Круковскаянинг “В мире сокровищ” (1964) китобининг биринчи нашри дунё юзини кўрди. 1968 йилда музей ўз коллекцияларига бағишланган саккизта буклет чоп эттиради. Кейинги йилларда музейнинг илмий-маърифий ишлари жонланиб, коллекциялар илмий тадқиқ этила бошланди ва бир қатор каталог альбомлари кенг омма ихтиёрига топширилди ¹¹⁴.

Бадиий кўргазма ва панорамалар Дирекцияси томонидан мунтазам равишда тақдим этиб бориловчи юқори авлод вакиллари асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Н.Карахан, Н.Кашина, З.Ковалевская, А.Николаев, Ў.Тансиқбоев, О.Татевосян, В.Уфимцев, шунингдек Р.Акбальян, В.Кайдалов ва Ю.Елизаровнинг асарлари музей коллекциясини янада тўлдирди. Жумладан, З.Ковалевскаянинг “Чойхона” (1945, инв №5678), О.К.Татевосяннинг “Роҳатижон. Музқаймоқчи” (1928, инв №5411), “Бизнинг анорлар” (1963, инв №5417), Б.Токминнинг “Куз оқшоми” (1971, инв №4843), В.Уфимцевнинг “Туман” (1955,

¹¹⁴ Ўзбекистон санъати музейи: йулқурсатгич / тузувчилар — Н.К.Азизова, С.М.Круковская. — Тошкент, Ўзбекистон. — 1965. 116 б.; Государственный музей искусств узбекской ССР / Сост. альб. С.М.Круковская. — Л.: 1968. — 128 с.

инв №5579), “Мис қумғонли натюрморт” (1959, инв №4584), Р.Такташнинг “Фаргона таассуротлари” (1947, инв №6112) ва б.лар. Аммо бадиий назорат тўлиқ йўқ бўлиб кетмаган, социалистик мазмундаги асарларни тўпламга киритиш ўз долзарблигини йўқотмаганига қуйидаги маълумот асос бўлади. “Ижодий зиёлилар билан ишлаш ва меҳнаткашларнинг эстетик тарбиясидаги уларнинг ролини ўрганиш Бошқармаси маълумотномаси”да Ўзбекистон давлат санъат музейининг “Совет санъати бўлимига” 1976 йилнинг иккинчи ярмида 44 та янги рангасвир асарлари қабул қилинганини кўрсатади¹¹⁵.

1970 йилларга келиб даврнинг янги фалсафий-эстетик гоялари контекстида ёш рассомлар миллий ўзига хос бадиий ҳодиса сифатида санъатда ўз йўлларини топа бошладилар, уларда рангасвирга нисбатан “нафақат Европа маданияти таъсири натижасида туғилган, балки маҳаллий қадриятларда ҳам мавжуд ижоднинг мустақил бадиий тизими сифатидаги қарашлар шаклланди”¹¹⁶. Ўзбекистоннинг антик санъати, ўрта асрлар миниатюраси, 1920-1930 йиллар рангасвирининг пластик анъаналарига таяниб, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, М.Тўхтаев, А.Мирзаев, Ш.Абдурашидов, Р.Шодиев ғарбнинг турфа услубларига мурожаат қилган ҳолда индивидуал ижод йўлларида борди. Бу жараён тўпламда Б.Жалоловнинг масҳарабоз А.Юсупов портрети (1974, инв №5700), ҳайкалгарош Д.Рўзиев портрети (1976, инв №6977), Ж.Умарбековнинг “Қўшиқ” (1969, инв №4902), “Чашма” (1975, инв №5687), М.Тўхтаевнинг “Автопортрет” (1975, кп №34928), А.Мирзаевнинг “Оила” (1977, инв №6365), Й.Турсунназаровнинг “Хаёл” (1972, инв №6378), Ш.Абдурашидовнинг “Абадиёт ҳақида ривоят” (1976, инв №6762) асарлари орқали акс этади.

Сиёсат даражасида ўтмишни қайта кўриб чиқиш, муҳит тугдирган ижод эркинлиги натижасида ижтимоий-тарихий ҳодисаларга, яқин ўтмишга салбий қарашлар, миллий ўзликни

¹¹⁵ Круковская С.М. А.В.Нусупов. Ўз ДСМ кутубхонаси архиви, ИНВ №71. – варақ -1-3

¹¹⁶ Ахмедова Н.Р. Особенности развития живописи государства Центральной Азии XX века: Дис... докт. искусствоведения. АНУЗ ИИ – Ташкент: 2003. – С.142.

англаш, пластик анъаналарга урғу бериш, мажозий ифода усулларидан кенг фойдаланиш 1980 йиллар бадий жараёнининг асосий хусусияти эди. Санъатшунослар томонидан “бадий тилни ижтимоийлаштириш 80-йиллар иккинчи ярми санъатининг ўзига хос хусусиятидир.реалистик шакллар бу вақтга келиб фаоллигини йўқотди ва мураккаб аллегориялар, метафорик қочиримларга ўз ўрнини бўшатиб берди”¹¹⁷ деб баҳоланади. Рассомлар томонидан миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши ва бунинг оқибатида бадий анъаналар – қадим ва ўрта асрлар санъатига, халқ хунарамандчилигига қизиқишнинг ортиши ҳаётни рамзий-мажоз ёки афсонавий-эпик сюжетлар орқали беришга ундади. Тўпламга анъанавий бўлиб қолган манзара, натюрморт, илғор қаҳрамон ва ишчиларни ифодаловчи портретлар, ҳамда бахтли, фаровон ҳаётни “қуйловчи” маиший лавҳалар қаторига пластик ифодага эга, фалсафий талқиндаги асарлар ҳам қўшилди. Ж.Умарбековнинг “Идрокли инсон” (1881-1883, инв №6628), Б.Назаровнинг “Бухоро кўчаси” (1980, инв №6631), Б.Жалоловнинг “В.Охунов портрети” (1980, инв №6718), “Уйғониш. Кулолсоз М.Раҳимов портрети” (инв №6948), А.Мирзаевнинг “Учрашув” (1982, инв №6789), Б.Саломовнинг “Кузги ташвишлар” (1979, инв №6793), С.Алибековнинг “Сарчашма ва Булоқ” (1982, инв №6872) каби асарлари сотиб олинди. Мазкур намуналар мажмуидан кўриниб турибдики, улар катта авлод рассомлари каби асосий ижод манбаини Шарқнинг сирли анъаналари, урф-одатлари ва асрлар давомида шаклланган ўзига хос фалсафасидан кидиришган. Уларнинг ижодида замондош образини тушуниш ўзгарганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. А.Абдуллаев, Р.Ахмедов, Р.Чориевнинг ўткир психологик портретларини давом эттирган ҳолда, “етмишинчи йиллар” рассомлари кучли руҳий қувватга эга замондошлар портретини индивидуал ижодий концепцияларда, Ғарб ва Шарқ бадий маданияти анъаналари уйғунлигида очиб беришди.

1980 йилларнинг охирларида тарихий-сиёсий вазиятларнинг

¹¹⁷ Ҳақимов А. XX аср Ўзбекистон санъатида миф ва ҳақиқат // San'at. –Тошкент, 1998. - №1-3. – Б. 25.

беқарорлиги оқибатида коллекцияларни комплектлаштириш жараёни суствлашади. Ўзбекистон давлат марказий архивида сақланувчи ҳужжат фикримиз исботидир. Унда музейнинг илмий-услубий кенгаши ўз талабларига жавоб бермаётгани, музейнинг харид комиссияси қоникарсиз фаолият олиб бораётгани, фондларни перспектив комплектация режаси йўқлиги каби бир қатор муаммоли масалалар ёритилади ¹¹⁸. Бу эса ўз ўрнида Ўзбекистон рангтасвир коллекциясининг тўпланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Мазкур давр рангтасвирида бадийий ғояни триптих, яъни уч қисмдан иборат, мазмунан бир-бирини бойитувчи асарлар кўринишида ишлаш кенг тарқалганини коллекция таркибида яққол кузатиш мумкин. Масалан, дастгоҳли рангтасвирда маҳобатлилиқ принципларини маҳорат билан қўллаган Н.Кашинанинг “Севимли ўлка” (1960) триптихи; Е.Мельниковнинг лирик мазмун билан бойитилган табиатнинг шоирона ва улуғвор сифатларини куйловчи “Оқтош сюитаси” (1974) триптихи, унда шоироналик ва бир вақтнинг ўзида фалсафийлик мавжуд; Н.Шиннинг образларни қаҳрамонлаштириш ва маҳобатлилаштиришга интилган, рамзий ифодаларга бой “Деҳқонлар” (1974) триптихи, унда халқ ҳаётидаги ўзгаришлар бой ва чуқур колорит билан ёритилган; В.Бурмакиннинг вақт ҳаракати ва унинг абадиёт билан ўзаро қиёслаш мавзусини илгари сурган “Дарахт ҳақида қўшиқ” (1975-76йй. инв №7507, инв №7535) триптихи, Ч.Ахмаровнинг турли ўлкаларнинг ўзига хос урф-одатлари, ҳаракати, либослари билан бирга рақсларининг ҳам жозибадорлигини ёритувчи ўзбек рақслари триптихи (“Бухоро рақси”, инв №5845, “Тошкент-фарғона рақси”, инв №6330 ва “Хоразм рақси”, инв №6367) ёки С.Рахметовнинг “Қизил интерьер” (инв №7536, инв №7537, инв №7538) триптихи шулар жумласидандир.

С.Рахметовнинг коллекциядаги “Қизил интерьер” триптихи унинг малакали рассом сифатидаги илк ижод йилларига тўғри келади. Бу триптихда рассомнинг ёшлиқ чоғидаги орзу-хаёлларга

¹¹⁸ ЎЗР МДА, 2487-жамғарма, 3-руйхат, 6583-иш. 104-варақ.

хос ҳаёлот олами XX асрнинг етмишинчи йилларига хос хона интерьерида ифодаланган. Ёш рассом устахонасидаги кўзгуда акс этган уй жиҳозлари, шоҳ асарларнинг нусхалари ёрқин ранглар фонида ўзига хос композицияни ташкил этиб, ижодкор оламига олиб киради. Коллекцияда рассомнинг “Қизил интерьер” триптихи, Сурхон бобо (кп №35542) ва Марям портрети (1952, инв №6941) асари мавжуд, холос. Мазкур асарлар унинг илк ижодий шаклланиш йилларига мансубдир. Бугунги кун миллий рангтасвирида унинг ижоди, фалсафий пластик ва ранг борасидаги изланишлари муҳим ўринга эга (“Шоир Тавалло”, “Бойсун окшоми”, “Кетиб қолган денгиздан қолган ёдгорликлар”, “Орол” ва бошқалар). Шу сабабли, коллекциянинг комплектация фаолиятидаги режаларига С.Рахметовнинг ижодига алоҳида эътибор бериш ўринлидир.

Коллекция 1970 йилларда Ўзбекистон рангтасвирига шахсий бадиий дунёқараши ва ўзига хос ёзув услуби билан кириб келган Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, М.Тўхтаев, Ш.Абдурашидов, А.Мирзаев каби рассомларнинг ижодини намойиш эта олиш имконияти билан аҳамиятлидир. Масалан, тўпламда А.Мирзаевнинг илк ижод йилларидан XXI аср бошларига қадар давр оралиғида яратилган ўттиздан ошиқ асарлари сақланади. “Қизил қарвон” (1977, инв №5737), “Учрашув” (1982, инв №6780), “Орол фарзандлари” (1990, кп №34247), “Куз мевалари” (2000, кп №35522) каби асарлар унинг ижодий эволюциясини, пластика, шакллар ўйини муносабатини англашга асос бўлади. Шунингдек, коллекция орқали бу даврда унинг бошқа рассомлардан фарқли равишда, ўз бадиий ғояларига триптих усулида ечим беришга интилишини кузатиш мумкин. Жумладан, “Тошкент дўстлик ва биродарлик шаҳри” (1982-84, кп №30846, кп №30847, кп №30848), “Сўқокдаги якшанба” (1997-88, инв №7641, кп №32693, кп №32695), “Паркент аёллари” (1988, инв №7481, инв №7482, инв №7483) ҳамда “Даштдаги учрашув ва айрилиқлар” (1990, инв №7726, инв №7729, инв №7731) триптих композициялари мавзунини кенг ва муфассал ёритишга бўлган ҳаракат натижаларидир.

Коллекциядаги Б.Жалоловнинг бир қатор асарлари психологик портретда миллий мактаб анъаналарини ривожлантириш жараёнини намоён этади. Кинорежиссёр К.Ёрматов, масхарабоз А.Юсупов, ҳайкалтарош Д.Рўзобоев ва кулол М.Раҳимов портретларида рассом замондошлари руҳий қувватга бой, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга шахс, миллат ийёлилари сифатида кучли психологик тарзда талқин этилади. Унинг асарларида ўзбек портрети учун янги бўлган чизиқни белгилаш мумкин – уларда ўта миллийликка урғу бериш камайиб, модел характеристикасига эътибор кучаяди. Бу портретларда ижодкорлик иқтидорининг кўп қиррасини намойиш эта олиш, янги тажриба изланишларидан қўрқмаслик ҳамда лирик кузатувчанлик хусусиятлари акс этган.

Яна бир миллий рангтасвирнинг қиёфасига айланган рассом Ж.Умарбековнинг ижодий мероси коллекция таркибида дастлабки ижодий ютуқларидан (“Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаро болаликда”, 1968, инв №3892, “Қўшиқ”, 1969, инв №4902) то асримиз бошларига қадар яратган намуналари (“Инсон қуш билан” 1996, кп №35271, “Икковлон” 2001, кп №35496) орқали акс этган. Унинг илк ишларида миниатюра анъаналарига қизиқиш ва шундан келиб чиққан ҳолда ёрқин, соф бўёқларни ишлатиш кузатилади. Кейинчалик ранглар ҳам шартлилашган ҳолда шакллар билан боғланиб, ўзига хос рамзий талқин эга бўлади. 1970 йиллар охири 1980 йилларга келиб рассом ижодида мавзулар доираси кенгаяди. Ассоциатив образлар, чуқур психологик, миллий, шу билан бирга, умумбашарий хислатлар, фалсафий мушоҳада билан тўйинади. Ҳаттоки манзара жанрида яратган ишлари ҳам рамзийлик, бўёқларнинг таъсирчан тимсолийлигини йўқотмайди. Масалан, “Дарахт” (1978, инв №7354), “Романтик мазара” (1982, инв №7500) ва “Иссиқ кўл томон” (1983, инв №7530). Умумбашарий кадриятларнинг алоқаси ва таъсири ғоясини рассом ўзининг “Идрокли Инсон” маҳобатли композициясида акс эттиради. Асарда унинг рангтасвир услуби кескин ўзгариши, шакл маҳобатини, композиция ва ритмнинг узвий маънодорлигини,

рангтасвирдаги нур ва хаводан иборат фазовий муҳитнинг ҳаракатга бойлигини кузатиш мумкин. Картинада Ж.Умарбеков инсон заковати ва билим тажрибасининг асрлар оша мукаммаллашиб, ўсиб бориши ғоясини буюк онг ва иқтидор вакиллари орқали етказишга ҳаракат қилган (картина доимий экспозициядан ўрин олган).

1983 йилда коллекцияга В.П.Зеликовнинг 50га яқин асарлари қабул қилинади. Тўплам рассомнинг 1950 йиллар ўрталаридан бошлаб 70 йиллар ўрталарига қадар бўлган ижодини жами олтмишдан ошиқ намуналарда кўриб, баъҳолаш имкониятини беради. Жумладан, “Шоҳимардон” (1960, инв №071), “Занги Ота мақбараси” (1974, инв №7137), “Самарқанд. Улуғбек мадрасаси қаршисида” (1974, инв №7119) ва ҳоказо. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки В.Зеликов қаторида ижоди кам ўрганилган В.Л.Рожественский, П.В.Ган, М.И.Калонтаров, Р.В.Гершаник, В.И.Жмакин, В.М.Ковинин, И.Улько каби ижодкорларнинг асарлари “Ўзбекистон рангтасвири” коллекциясидан муносиб ўрин олган. П.Ганнинг “Чирчиқ водийси бўйлаб” (1951, кп №17238, инв №3616), “Даштдаги айғирлар уюри” (1957, инв №3813), В.Мельниковнинг “Ойнадаги акс” (1969, инв №6548), В.Ковининнинг “Турсуной” (1967, инв №3605), “Биринчи қор” (1971, инв №4844), М.Калонтаровнинг “Эски Самарқанд” (инв №3938) ҳамда бир қанча натюрмортлари шулар жумласидандир. Уларнинг ижодий йўллари, изланишлари Ўзбекистон рангтасвир тарихининг бир бўлаги саналиб, даврдаги бадий жараёнларнинг ўзига хослигини акс эттиради. Бирок, уларнинг асарлари экспозиция ва нашр ишларида эътибордан четга қолган ва бу ишларни ҳеч ким (фонд муҳофизидан ташқари) кўрмаган. Шунинг учун Ўзбекистон рангтасвир санъати тарихини янги аспектларда кўриб чиқаётган санъатшунослар учун коллекциядаги асарлар қимматли манба бўлиши мумкин.

Ўз ижодида рангнинг бадий таъсирчанлик хислати билан чизиқнинг пластик имкониятларини уйғунлаштирган ҳамда кўп асрлик миллий маданият анъаналаридан ўзига хос руҳий қувват

олган рассом Леким Ибрагимовдир. Унинг асарларида тимсоллар бирламчи ифодавий шакл бўлиб, қадимий ва ўрта асрдаги уйғур миллатига хос фалсафий борлиқдаги туйғуларни акс эттиришга қаратилади. Тўпلامдаги ўнга яқин асарларида (“Атлас кийган қиз” (1989, кп №33575), “Вафоти олдидан ковун ушлаган Бобур” (1990, кп №33576) рассомнинг ёрқин икtidори, ўзига хос рамзий услуби ва чизгилари намоён бўлади.

Л.Ибрагимов билан бир қаторда фалсафий, рамзий тимсолларга, лирикага бой асарлар билан ўз истеъдодини намоён этган рассом А.Нуриддиновнинг ҳам ижоди Ўзбекистон тасвирий санъатида янги жараёни акс эттиради. Тўплам таркибидаги ишлар бунинг далилидир. Масалан, “Кетаётган қиш” (1988, инв 7495), “Жума зиёрати” (1989, инв №7611), “Аждодлар назари” (1989, инв №7612) ва “Пайшанба” (1989, инв №7613) асарларининг ҳаттоки номларидан рангтасвирда катта ўзгаришлар содир бўлаётгани, миллий қадриятларга, меросга ва анъаналарга таяниш кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ғ.Қодировнинг музейдаги асарлари унинг илк ижод даври намуналари бўлиб кейинги услубий изланишларидан катта фарқ қилади. “Ғожеа” (1989, инв №7567), “Туш. Бокиралик” (1989, инв №7568) каби коллекциядаги асарларида рассом ғайриихтиёрий руҳий ҳолатларни ифодавий шакллар, композицион ечимлар ва локал ранглар ёрдамида очиб беришга интилган. Сўнгги ўн йилликда рассомнинг ижоди тубдан ўзгарган. У реалистик йўналишдаги асарлар билан бир қаторда фалсафий ғоялар билан йўғрилган, ўрта аср Шарқ миниатюра анъаналарига таянган ишлари билан замонавий бадиий жараёнда самарали ижод этиб келмоқда. Шу сабабли унинг янги ижод намуналарини музейлаштириш ўринлидир.

Янгича пластик ғояларни ўз ижодида дадиллик билан қўллаган рассом Э.Исхаковнинг коллекцияда 1980 йилларга мансуб ўнта асари мавжуд. Масалан, “Ҳаёт, вақт” (1986, инв №7221), “Буюк бирлик” (1988, инв №7578), “Олам яратувчиси” (1988, инв №7675) ва бошқалар. Гарчи, Энгель Исхаков китоб

графикасида фаол ижод этаётган рассомлардан бири бўлган бўлса-да, коллекциядаги асарлар унинг мазкур даврда содир бўлган ижодий тафаккуридаги ўзгаришларни акс эттиради. Уларда фалсафий мазмун устувор бўлиб, рамзий-тимсолий белгиларга мурожаат билан асосланади. Рассомнинг кейинги ижодий ишларини кузатар эканмиз (картиналари, “Шаман Арт” (1999), “Буюк тумор” (2001) каби инсталляция лойиҳалари), коллекциядаги асарлар унинг “олам”, “коинот”, “белги”, қадимий рамз ва ёзувлар билан ХХІ аср инсоният цивилизациясидаги қадриятларни ўзаро боғлашга интилишнинг бошланиши эканлигини англаш мумкин.

1980 йилларда А.Нуриддинов, Б.Жалолов, А.Мирзаев каби рассомлар қаторида А.Икромжоновнинг ижоди бадиий ҳаётда муҳим ўрин касб эта бошлади. Ўзбекистон тасвирий санъати тўпламида унинг мазкур йилларда ишлаган бир нечта асари мавжуд. Жумладан, илк ижодига мансуб “Натюрморт китоб билан” (1986, инв №7219) ва “Туш. Сўқоқ” (1988, кп №38491) асарларида рассомнинг қизиқиш ва изланиш доирасини кўриш мумкин. Унинг мазкур даврдаги ишларида муҳим ижтимоий ўзгаришларни олдиндан сезиш, тасвир ва мавзулар мажмуида маҳобатлиликка интилиш сезилади ¹¹⁹.

Қорақалпоғистон тасвирий санъатининг кучли намояндаларидан бири Ж.Изентаевнинг коллекциядаги ўндан ортиқ асарлари рассом ижодининг изланишларга бой даврини очиб беради. “Автопортрет” (1980, кп №34937), “Чўпонлар олдида” (1984, инв №7001), “Оқ булоқ” (1987, инв №7548), “Тонгги суҳбат” (1994, инв №7799) каби асарлар шулар жумласидандир.

1980 йиллар охиридаги сиёсий, ижтимоий ва бадиий оламда содир бўлаётган қайта қуриш жараёнлари сўзсиз коллекция мажмуининг ҳам кенгайишига таъсир этган. Гарчи бу асарларда қайта қуриш сиёсатидаги салбий қарашлар очикдан очик акс этмаган бўлса-да, миллий қадриятларга қайтиш, анъанавий

¹¹⁹ Махмудова Т. Художественный мир Акмалы Икромджанова // San'at, – Тошкент, 2002. №3. – Б. 16.

маданият илдиэларига таяниш, янги пластик ифодавийликка ингилиш сезилиб туради. Коллекцияга асосан йирик кўргазмаларда совринли мукофотларга сазовор бўлган асарлар қабул қилинар ёки махсус харид ишлари олиб бориладди. Натижада, тўплам таркиби Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, М.Тўхтаев, А.Мирзаев, Ш.Абдурашидов, Р.Шодиев каби оригинал ижодий концепцияга эга рассомларнинг асарлари билан бойиган.

§2.2. Мустақиллик даврида коллекциянинг янгиланиши муаммолари

1990 йилларда Ўзбекистон музейшунослиги жаҳон музей иши ривожини билан юзлашди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунё миқёсида музейга нисбатан эътибор ўзгарди. Бир қатор маданиятшунос, файласуф, музейшунос ҳамда социологлар музейнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти билан ўз тадқиқотларини боғладилар. “Замонавий цивилизация ривожининг асосий омили сифатида, билимларнинг эволюцион динамикаси шароитларида яшаётган бугунги кун жамиятининг ижтимоий-маданий институтлари орасида музейлар фундаментал ўринни эгаллаши”¹²⁰ эътироф этилди. Унинг инсониятга тегишли бўлган ёдгорликларни ўзига хос тарзда намойиш этувчи, сақловчи ва қайд этувчи ретроспектив ахборотлар тармоғи сифатидаги даражаси ошди.

Ўзбекистон эришган мустақиллик ўзбек халқи миллий ўзлигини англашга, унинг маънавий дунёсига, демакки, санъатига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Истиқлол натижасида дастур, фалсафий ва эстетик чекланмалардан холи эркин ижод имконияти юзага келди, барча санъат турларида бўлгани каби миллий тасвирий санъат ривожига ҳам янги босқич бошланди. Ижод эркинлиги қонун билан кафолатланди, бу эса истеъдодли рассомларнинг имконият чегараларини кенгайтди. Мафкуравий таъйиқлардан холи бўлиш, ижод эркинлигига эришиш бадий жараённинг муҳим омиллари билан саналиб, у ижодкорларга янги

¹²⁰ Рахитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. №4. – С.21.

пластик шаклларни яратиш ва турли услубий йўналишларда ижод қилишдек қулай шароит туғдирди.

1988 йилдан то 1997 йилга қадар музей раҳбарлиги хайкалтарош Дамир Рўзобоев зиммасида эди. Бу давр музей ҳаётидаги мураккабликларга ҳамда иктисодий қийинчиликларга тўла бўлди. Жумладан, давлат томонидан музейларга маблағ ажратилишнинг кескин камайиши, иш ўринларининг қискартирилиши музей иши услубиятига сўзсиз салбий таъсир кўрсатди. Аммо шу билан музей иши фаолияти, фондларни узлуксиз тўлдириб бориш жараёни, хусусан миллий рангтасвирнинг музейлаштириш жараёни узилиб қолмади. Коллекцияга асар қабул қилишда саралаш меъёрлари каттиқ ғоявий босимдан холи бўлган эди. Шу сабабли, комплектация жараёнида эски тузум санъатига хос реалистик талқин ҳамда ижтимоий мавзу бадий асарнинг асосий ва мажбурий унсури бўлмай қолди. Аксинча рассомнинг бадий маҳорати ва оламни ўз ички кечинмаларидан келиб чиққан ҳолда бадий идрок этиш масаласи, миллий ўзига хослик, миллий ифтихор рамзлари бўлган тарихий шахслар образи асарларни саралашда ҳамда коллекцияга қабул қилишда асосий аҳамият касб этди. Асарларни баҳолаш мезонлари ўзгарди. Тўплам янгича фалсафий ва пластик мушоҳадаларга, ҳаёлот, дoston, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари, анъанавий тимсол ва белгиларга эга, миллий ўзликни англаш ғоялари билан йўғрилган асарлар ҳисобига кенгайди. Коллекциядаги асарлар рассомларнинг ижоди билан бир қаторда замонавий бадий жараёндаги янги йўналишларни кузатиш имкониятини беради (С.Раҳманов “Лазги”, 1997, инв №7548; Р.Ризамуҳаммедов “Менинг уйим”, ТМҚ, кп №35370, “Оғир кун”, 1998, инв №7548; А.Мирзаев “Париж. Сена дарёси”, 1998, кп №35421).

Мустақилликнинг илк ўн йиллиги рангтасвирида тарихий мавзунинг долзарблиги кескин кучайди. Агар авваллари тарихий портрет ёки картиналар миллий мерос ва тарихийлик нуқтаи назаридан (В.Рождественский, М.Набиев, Ч.Аҳмаров, В.Жмакин,

Ж.Умарбеков) ёритилган бўлса, бу даврда тарихий мавзу миллий қадриятлар ифодаси, комил шахсларни тарбиялаш сиёсатидаги янги фуқаролик нуқтаи назари ёндашувида яратила бошланди. Коллекцияда миллий ифтихорга эга бўлган тарихий шахсларнинг, ўзбек халқ афсона ва ривоятларидаги қаҳрамонларнинг образларига эътиборнинг кучайиши жараёнлари Т.Саъдуллаев (“Қамолиддин Беҳзод”, 1995, кп №35419; “Мирзо Бобур”, 1995, кп №35418; “Алпомиш ва Барчиной”, 1995, кп №35420), Л.Ибрагимов (“Ўлими олдидан қовун ушлаган Бобур”, 1990, кп №33576; “Қадим туркларнинг афсона ва ривоятлари”, 1992, кп №36676; “Сўзана”, 1995, кп №34983) ижоди орқали акс этади. Бу картиналар “1990 – йиллар янги фуқаролик жамияти онгининг шаклланишида улкан аҳамият касб этувчи тарихий мавзу рангтасвирининг мазкур жанрида иккита янги тенденцияларни”¹²¹ намоиш этади. Бири – ўтмишни ўрганиш ва ҳолисона баҳолаш орқали тарихий аجدодлар сиймосини яратиш, иккинчиси – миллий қадриятларни қайта идрок этиш, шартли-поэтик ечимдаги ёки рамзий-ташбеҳли асосларга қурилган картиналар.

Индивидуал услубларнинг хилма-хиллиги ва ижодий изланишларнинг кўп қирралилиги мустақилликдан сўнгги давр бадиий жараёнининг, хусусан рангтасвирнинг ажралмас хусусиятига айланди. Сиёсий босимдан холи бўлган бадиий оламда янги исмлар, янги услубий йўналишлар пайдо бўлди. Музейлаштиришга лойиқ асарларни баҳолаш ва саралаш мезони масалалари жиддийлик касб этди. Даврдаги умумий иқтисодий қийинчиликларга қарамай, содир бўлаётган бадиий жараёнга чуқур объектив назар асосида рангтасвир тўпламига янги асарлар киритилди.

Замонавий бадиий жараённинг ва йирик кўرғазмаларнинг ўзига хос қиёфасига айланган А.Риҳситуллаев, Р.Ақромов, А.Нуриддинов, Ф.Аҳмадалиев, Л.Ибрагимов, Ж.Усмонов, Ғ.Қодиров, Ш.Ҳакимов каби ижодкорларнинг коллекциядаги

¹²¹ Умарова Д.Б. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангтасвирининг асосий тенденциялари. Санъатшунослик фаилари буйча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2019. Б. 13.

ишларида мустикалликнинг дастлабки ўн йиллигидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Қайта куриш давридан илдиз отган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгаришлар 1990 йиллардаги ижодий эркинлик шароитларида янада “парвоз майдонини” кенгайтирган эди. Ижтимоий воқеликлар рассомларнинг бадиий тафаккурини янгиланишига, жаҳон санъатидаги модернизм йўналишлари, кейинчалик эса концептуал санъатни ўзлаштиришларига сабаб бўлди. Жумладан, Ф.Ахмадалиевнинг “Икки фаришта” (1990, кп №34244), “Она бўри” (1992, кп №34638), “Дарвешлар” (1997, кп №35490), Д.Мамедованинг “Бахчи дарвоза” (кп №35506), Р.Азизовнинг “Куз окшоми уйқуси” (кп №35454), А.Бахтеевнинг “Тўрт модел” (кп №35480), “Ёз мевалари” (2000, кп №35483), В.Усеиновнинг “Тапчандаги аёл” (2003, кп №35487), “Қизил кулокли асар” (кп №35488), Ж.Усмоновнинг “Хайрли тонг” (1999, кп №35489), Х.Мирзаахмедовнинг “Зумрад салкинлик” (2002, кп №35498), И.Баҳромовнинг “Қишлоқ кўчаси” (2003, кп №35510), Ж.Усмоновнинг “Лисонут тайр” (2003, кп №35526) асарлари давр санъатидаги маданий плюрализмга мисолдир. Коллекциядаги Л.Ибрагимовнинг (“Бахтни йўлда кутмоқ” 1990, инв №7794, “Сўзана” 1995, кп №34983) ранглар ва чизиклар ёрдамида ифодавийликка эга асарлари фалсафий тафаккур теранлиги, ажойиб пластик тили билан ажралиб турса, Акмал Нурнинг (“Ибодат” 1990, кп №33417, “Яшилликда анорлар” кп №34246) лирик кайфият уйғотувчи асарларидаги фалсафий, интеллектуал тимсоллар талқини эса жамият ҳаётида кескин ўзгаришлар юз берган бир пайтда рассом ижодида янгича бадиий-ифодавий воситалар вужудга келганидан далолат беради.

2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон рангтасвири коллекциясига Маданият вазирлиги Давлат эксперт комиссияси томонидан бир қатор асарлар сотиб олинади¹²². Жумладан, Р.Такташнинг “Ҳамза-ободлик киз” (1947, кп №35544), Ж.Умарбековнинг “Шахзода билан автопортрет” (1988, кп

¹²² ЎзДСМнинг “29” август 2009 й. 1-сонли Далолатномаси

№35541), “Тенгкунлик. Наврӯз” (2001, кп №35543), У.Неъматовнинг “Эски Тошкент” (2002, кп №35578), Х.Зиёхоновнинг “Йўлак” (2003, кп №35580), Т.Лининг “Даврлар орасида” (2008, кп №35579) ва бошқалар.

Музейда ташкил этилаётган замонавий бадиий жараён билан боғлиқ кўргазмалардан сўнг аксарият рассомларнинг музей учун ҳада сифатида асарлар қолдириши бугунги кунда анъанага айланиб қолди. Натижада рангтасвир тўпламида Ўзбекистонда ижод қилаётган рассомлар исмларининг доираси кенгайди, янгича услубий-бадиий изланишларга бой бўлган асарлар билан бойиди. Масалан, Ғ.Ибрагимов (“Ипак йўли”, 2009), Х.Зиёхонов (“Кечиб ўтиш”), Т.Ли (“Вактдан ўтиш 3”, 2005), Д.Мамедова (“Сарчашма”, 2011; “Сурхондарё аёллари” 2009 – 2010 йй.; “Тепалик устида” 2013), Р.Жамолов (“Бугдой даласи”, 2012), О.Қозоқов (“Ҳаёт бу кураш”), З.Шарипова (“Ҳаёл”, 1999; “Нодира” 2007) каби бир қатор рассомларнинг асарлари тўплам таркибига кириши оз бўлсада республикада содир бўлаётган сўнгги ўн йилликлардаги бадиий жараённинг баъзи қирраларини очиб бериши мумкин, холос. Уларда реализм, миллий-маданий меросга мурожаат, ташбеҳли бадиий ифодавий, пластик изланишлар жараёнларини кузатиш мумкин. Бироқ, бу намуналар турли бадиий тенденциялар ва ижодий изланишларни қамраб олган замонавий санъатни келгуси авлодлар учун тўлиқ ёритиб бера олмайди. Музей ходимлари бадиий кўргазмаларни доимий кузатиб бориш, ўзига хос ифодавий ва бадиий топилмалар акс этган, рассом ижодий эволюциясини тўлиқроқ ёритишга хизмат қилувчи асарларни тўплаш, марҳум рассомларнинг фарзандларига мерос бўлиб қолган асарларни ўрганиш ва харид қилишда жонбозлик кўрсатиши лозим (худди И.Савицкий “Нукус феномени”ни яратгани каби).

Суд ижроси орқали ёки Бадиий экспертиза томонидан ушлаб қолинган асарларнинг тўғридан-тўғри музейга ўтказилиши ҳам самарали натижалар кўрсатди. 2015-2016 йиллар давомида суд ижроси томонидан Ў.Тансиқбоев (“Йўл”, 1932, “Ҳосил йиғими”, 1951, “Қишлоқ манзараси” 1954, “Боғ” 1958), В.Уфимцев (“Омск

атрофи”, 1956, “Туман.Гурзуф” 1957, “Гурзуф” 1959,), Н.Карахан (“Тоғ манзараси”, 1954, “Сой. Сувнинг пасайиши” 1962) Р.Чориев (“Баҳор”, 1970), Ю.Талдикин (“Мевали натюрморт”, 1980), Ч.Бекмиров (“Чорвоқ”, 1990), А.Мирсоатов (“Қиш”, 1999), Х.Ситдиқовнинг (“Оқшом”, 1983) асарлари ЎзДСМ фондига топширилгани музей далолатномаларида қайд этилган. Бу картиналар тез орада миллий рангтасвир тўплами таркибига хужжатлаштирилиб, музей мулкига айланади.

2010 йилдан сўнг миллий рангтасвир коллекцияси санокли харидлар, аксарият ҳолларда рассомлар ёки уларнинг қариндошлари томонидан ҳадялар, шунингдек кичик музейларнинг ёпилиши ҳамда улардаги фонднинг ўтказилиши ҳисобига кенгайиб борганлигини кузатиш мумкин. Бюджет маблағи ҳисобидан А.Мирсоатовнинг “Сўқоқ” (2004), М.Расуловнинг “Баян. Ўтов олдида”, “Беллашув”, А.Нуриддиновнинг бир нечта асарлари сотиб олинди. 2008 йилда Ў.Тансиқбоев уй музейидан А.Абдуллаевнинг “Этюддаги Тансиқбоев” ва Ў.Тансиқбоевнинг “Баланд тоғдаги ўтлоқ” асарлари, Самарқанд давлат меъморий-тарихий музей қўриқхонасидан В.В.Верещагиннинг Туркистон тарихини акс эттирган жами еттита картинаси (“Дутор ушлаган ҳофиз”, “Маҳаллий яҳудийлар”, “Самарқанддаги амир саройи”, “Мадрасадаги мулла”, “Даштдаги овчи қирғизлар”) ўтказилди. Шунингдек, Ангрен шаҳридаги В.И.Уфимцев номидаги суратлар галереясида рассом ижодида юқори аҳамиятга эга бўлган жами 70 картина ва 500 дан ортиқ этюд, эскиз ва қораламалар миллий рангтасвир коллекцияси таркибига топширилди¹²³. Бу воқеага қадар коллекцияда Уфимцевнинг юзга яқин ишлари мавжуд эди. Эндиликда музей рассом ижоди эволюциясини энг сара намуналарда намоён этиш имкониятига эга, жумладан, “Полосдаги анорлар” (1940, кп №35636), “Дала гуллари гулдастаси” (1945, кп №35604), “Натюрморт трубка билан” (1946, кп №35651) каби натюрмортлар билан бирга,

¹²³ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Спорт ишлари Вазирлигининг №1121 сонли буйруғига асосан (21.11.2008) В.Уфимцев номидаги Ангрен суратлар галереяси фондида сақланаётган асарлар ЎзДСМга доимий сақлашга топширилди. ЎзДСМнинг 2009 йил 16 январидagi Далолатномаси.

“Балиқчилар кулбаси” (1946, кп №35661), “Қарғалар учиб келдилар” (1955, кп №35635), “Сенеж. Март” (1955, кп №35631), “Хумсон тутзорлари” (1958, кп №35623) каби бир катор манзара ишлари коллекция таркибини янада бойитди.

Кўриниб турибдики, сўнгги йигирма беш йил ичида музей умумий иқтисодий қийинчиликларга қарамай узлуксиз коллекция таркибини бойитиб борган. Асосан, коллекцияга ўтган асрда яратилган ишлар қўшилган. Уларнинг асосий қисмини Ўзбекистон Маданият Вазирлиги давлат эксперт комиссияси саралаб олган ва ЎзДСМга топширган бўлса, баъзилари ижодкорлар томонидан совға тариқасида берилган. Бу асарларда рассомларнинг маданий мерос анъаналарига ҳамда жаҳон бадиий жараёнидаги илғор оқимларга тобора фаол ва дадиллик билан муносабат акс этади. Шунингдек, бу босқичда юқори авлод нақилларининг ижодини тўлдириш (Н.Қарахан, П.Беньков, О.Татевосян, А.Абдуллаев, Ч.Ахмаров, В.Рождественский, Р.Тимуров, Н.Қўзибоев, Р.Чориев ва б.қ.лар) ва шу орқали коллекцияда Ўзбекистон рангтасвирини ёрқинроқ акс эттириш каби вазифаларга эътибор берилгани маълум бўлди.

Шунингдек, коллекция таркибидаги асарлар орқали мустақиллик даврида ҳам миллий рангтасвирда портрет жанри етакчилиги аҳамиятини йўқотмаганини кўриш мумкин. Масалан, А.Алиқуловнинг “Мешкобчи” (2005, кп№35524) И.Илхомовнинг “Чингиз Ахмаров портрети” (1992, кп№35481), Д.Имомовнинг “Автопортрет” (2004, кп№35513), О.Мўминовнинг “Қизим Сайёра портрети” (2000, кп№35523), Э.Машариповнинг “Матёқуб Қўшжонов портрети” (2002, кп№35500). Бу портретларнинг ҳар бири ўзига хос композиция, колорит ва мантикий ечимга эга. Рассомлар ўз услуби ва йўналишларини танлашда бутунлай эркин бўлганликлари сабабли ҳам миллий санъатимиз қиёфаси такрорланмас ўзига хослик касб этган.

2015 йилнинг 1 июлида Медат Кагаровнинг ўғли Эркин Кагаров томонидан ҳадя этилган 45 дона картина ва 160 та графика асарлари музей коллекциясини янада бойитди. Марҳум

отасининг ижодини эъзозлаб, музейга тақдим этиш натижасида М.Кагаровнинг 1993 йилдан то 2011 йилга қадар бўлган ранг-баранг мавзу, услубий ва бадиий-ифодавий изланишларга эга рангтасвири катта коллекцияни ташкил этди. Агар рассомнинг рангтасвир билан жиддий изланишларини 1990 йиллардан бошланган деб ҳисобласак, бу асарлар унинг ранг ва шакл борасидаги изланишларини тўлақонли ёритган деб ҳисоблаш мумкин. “Кутиш” (1993), “Биринчи ойнинг туғилиши” (1993) “Кузир мотка ва кузир саллот”, “Балиқ овидан” (2000) “Дарвеш ва соҳибжамол”, “Турфондаги илк зиёрат” (2009), “Пиросманига бағишлов” (2010, диптих)¹²⁴ каби асарлари рассомнинг суфийлик, турфон, маиший ва фалсафий мавзуларни ёритишда ўзига хос ёзув услубини сақлаган ҳолда, ранг-баранг композиция, ранг уйғунлиги ва янгича ифодавий-бадиий шакллар топилмасини ҳамда теран бадиий тафаккурини намоён этади.

Мустақиллик даври санъатида авлодлар янгиланиши рўй берди. Х.Зиёхонов, А.Аликулов, Т.Каримов, Д.Раҳмонбекова, М.Исанов, М.Қорабоев, Г.Громова, Ғ.Бойматов, Б.Обидов, Б.Исмоилов каби ўнлаб рассомларнинг асарларини давлат музейлари харид режаси сметасига киритган тарзда ёки молиявий уддабуронликни қўллаш орқали коллекция таркибига киритиши жоиз. Бу рассомларнинг асарлари “Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси” коллекциясида ҳам мавжуд. XXI аср Ўзбекистон рангтасвирида дадил услубий-пластик кашфиётлар, ранг-баранг мавзуларга қўл ураётган рассомларнинг ижоди маълум муддатдан сўнг шу даврнинг бадиий қиёфасини акс эттиради. Музейнинг ривожланиш стратегиясининг тизимли комплектация режасига юқоридаги номларнинг ижодни киритиш учун музейнинг илмий ходимлари мунтазам равишда республикада ташкил этилаётган шахсий кўргазмалардан то халқаро лойиҳаларга қадар ташриф буюриши, замонавий бадиий жараён билан яқиндан таниш бўлиши даркор.

¹²⁴ Мазкур манбалар ЎзДСМнинг 2008 йилдан то 2017 йилга қадар булган Далолатномалари орқали урганилди

ЎзДСМдаги “Ўзбекистон рангтасвири” тўпламининг бир асрлик шаклланиш тарихини ўрганиш коллекциянинг XX-XXI аср миллий рангтасвири қай даражада акс эттириши имкониятини намоён этди. Миллий рангтасвир тарихи ёки унинг намояндаларига оид ташкил этилаётган кўргазмалар, нашр этилаётган китоб ёки каталогларда рассомларнинг ижодини шох асарлари бўлган бир нечта таниқли ижод намуналари орқали тавсифлаш кифояга айланиб қолган. Коллекцияни ўрганиш натижасида санъат тарихини кўргазмадаги шох асарлар ёрдамида ўзиш одати самарасиз усул экани, баъзи бадиий жараёнлар ёки босқичлар тўлақонли ёритилмагани ва рассомларнинг мутлок нотаниш бўлган асарлари музей захирасида ўз тадикотини кутиб ётгани маълум бўлди. Гарчи тўплам тарихий, ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитлар ҳамда мафкуравий негизлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлсада, у дастгоҳли рангтасвир тарихида содир бўлган барча жарёнларни акс эттирганлиги билан қимматлидир.

Замонавий санъатшуносликда XX аср санъатини янгича қарашларда қайта кўриб чиқиш жараёни юз бермоқда. Музейлардаги рангтасвир асарлари экспозицияси эса тадқиқотчилар, санъат тарихчилари учун унинг ривож, рассомларнинг ижодий ўзига хослигини яхлит ҳодиса сифатида, бир бутунликда ёритиши керак. Шу сабабли ЎзДСМдаги мавжуд экспозицияга ўзгартиришлар киритиб, “XX-XXI аср Ўзбекистон рангтасвири” номли янги экспозиция ташкил этиш ўринлидир. Янги экспозиция Ўзбекистон рангтасвири тарихи эволюциясини, жараённинг ўзига хослигини очиқ бериши керак. Унинг баъзи бўлимлари миллий ўзига хослик муаммоларини, баъзилари — жанрлар ривож масалаларини, бошқалари эса миллий анъаналар ва Европа санъати малакасининг ўзаро муносабатларини ёритиши лозим. Табиийки, буларнинг барчасини ягона концепция доирасида ҳал этиш керак бўлади. Кўргазма концепциясини тузиш биргина музейнинг имтиёзи эмас, миллий маданият учун муҳим бўлган масалани мутахассисларни жалб этиш орқали муносиб ечиш лозим.

“XX аср Ўзбекистон рангтасвири” бўлими экспозициясининг яратувчилари томошабинга миллий рангтасвирнинг мураккаб йўллари, унинг ривожланиш тенденцияси, у ёки бу қарашлар ёки изланишларнинг тақдирлари ҳақида маълумот беради. Шу сабабли, экспозицияни тарихий-монографик принципда ташкил этиш тавсия этилади. Масалан, Давлат Третьяков галереясидаги янги “XX аср санъати” номли доимий экспозициянинг муаллифлари монографик принципдан фойдаланганлар. Уларнинг фикрига кўра, “бугунги кунда ижодий шахс – XX аср тарихий-бадий дастурининг асоси ва манбаси сифатида, музей экспозициясини қуришдаги асосий мезон ва ўзаги сифатида баҳоланмоқда”¹²⁵.

Экспозициянинг аввалида алоҳида зални XIX аср охирларида Ўрта Осиёга келган ва этнографик реализмда бир қатор меъморий манзаралар билан коллекцияга асос солган С.Юдин, Л.Бурэ, И.Казаков, Р.Зоммер каби рассомларнинг асарларига бағишлаш жоиз. Бу зални “Ўрта Осиё Рус рассомлари нигоҳида” деб номлаш мумкин. Улар миллий рангтасвир мактабини яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб олмаган бўлсалар-да, дастгоҳли рангтасвир шакллариининг кириб келиши айнан уларнинг этнографик манзараларидан бошланади. Шунингдек, Ўрта Осиёга тез-тез ташриф буюрган рассомлар ижоди, хусусан А.Исуповнинг асарларини ҳам экспозицияга қўйиш керак. Бунинг учун коллекция захирасида рассомнинг ишлари етарлидир (“Алтай чўққиси” инв№2165, “Мадраса деворлари қошида” инв№3412, “Қуёшли кун” инв№3414). С.Круковскаянинг таъкидлашича, Ўрта Осиёга ташрифлари мобайнида (1923-1927 йиллар) рассом ўзининг энг ажойиб портрет ишларини яратишга муваффақ бўлган¹²⁶.

“XX аср Ўзбекистон рангтасвири” экспозициясининг биринчи залини XX аср Европа маданиятининг таъсирини ўзлари билан олиб келган ва қолган умрини Ўзбекистонга бахшида этган

¹²⁵ «Искусство XX века». Новая экспозиция в Государственной Третьяковской галерее / Искусствознание XV. – М., 1999. -№2. – С 7.

¹²⁶ С. М.Круковская. А.В.Исупов. Архив библиотеки ГМИ РУз. ИНВ. 71 - с.128.

рассомлар гуруҳи ташкил этиши лозим. Жумладан, А.Волков, В.Уфимцев, А.Николаев (Усто Мўмин), М.Курзин, О.Татевосян, Е.Коровай, П.Беньков, Н.Карахан, А.Подковыров ва Н.Кашинанинг ижоди кенг ёритилиши максадга мувофиқдир. Уларнинг ижодий дунёкарашлари бир-бирига ўхшамаган, мураккаб, нотекис ва зиддиятга тўла жараёни акс эттиради. Шу уринда Ў.Тансиқбоев феноменига алоҳида зални бағишлаш, унинг жадал суръатда ривожланган ижодини, колорист сифатидаги иктидорини ёритиш даркордир. Катта авлод вакилларида сўнг 1930 йилларда бадиий жараёнга кириб келган илк миллий рассомлар ижоди, тажрибага бой изланишлари ўрин олиши керак (I.Абдуллаев, Б.Ҳамдамий, А.Сиддиқий, Х.Мансуров, III.Ҳасанова).

1930-1950 йиллар бадиий жараёнини бир қатор “миллий шакл ва социалистик мазмунли” асарларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Даврнинг зиддиятли воқеаларини, классик анъаналарга нисбатан тор тушунчалар таъсирини ёритувчи ишларни ҳам намойиш этиш лозим. XX аср Ўзбекистон рангтасвири тарихий-бадиий жараёни ҳамда узлуксиз содир бўлаётган зиддиятларни экспозицияда тўлиқ акс эттириш жоиз. Бунда авангарднинг ижодий ютуқлари қаторида соцреализмнинг бадиий малакаси ўз ўрнини топиши керак бўлади.

1950 йилларнинг охири 60-йиллардаги бадиий ҳаёт миллий мактабларнинг ўсиши каби мураккаб жараёни белгилаб беради. Бу ҳодисани профессионал рангтасвир мактаби фундаментига айланган А.Абдуллаев, Р.Ахмедов, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Т.Оганесов каби рассомларнинг ижод намуналари билан очиб бериш мумкин. Улар нафакат санъатда янги тизимни ривожлантирдилар, шунингдек секин-аста миллий ўзига хослик анъаналарининг долзарблигини кўтариб чиқдилар. Бу жараён кейинги йиллар санъатининг ривожланишига асос бўлди.

1960 йиллар охири 1970 йиллар бадиий оламида янги, ранг-баранг ижодий изланишларга қўл урилади. Рассомлар янгиликка ладиллик билан киришадилар ва марказий негиз сифатида миллий

анъаналар ҳамда Европа бадий малакасини уйғунлаштиришни танлайдилар. Бу жараёнда Р.Чориев, В.Бурмакин, Б.Бобоев, Г.Улько, Е.Мельников, Ю.Тальдыкин каби рассомлар фаол иштирок этишган. Мазкур даврда катта авлод вакиллариининг (Ў.Тансиқбоев, Н.Кашина, Н.Карахан) рангтасвирида стилистик услуги ўзгаради. Коллекция захирасида мазкур жараёни очиб бериш учун етарлича асарлар мавжуд. Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, М.Тўхтаев, Ш.Абдурашидов, А.Мирзаев, Р.Шодиевларнинг 1970-1980 йиллардаги ижоди миллий рангтасвирга динамик ўзгаришлар киритди, индивидуал ижодий концепцияларнинг долзарблик аҳамиятини оширди. Шу сабабли ҳам алоҳида зал уларнинг ижодларига бағишланиши миллий рангтасвирда содир бўлаётган шартли-декоратив тенденция, фалсафий мушоҳадаларнинг пластик талқини каби кескин ўзгаришлар жараёнини очиб беришга хизмат қилади.

Янги экспозициянинг давомини 1980-1990 йиллардаги ижодий кашфиётлар, миллий ўзликни англаш, пластик анъаналарга урғу бериш, тимсоллар, аллегория ва метафоралардан кенг фойдаланиш жараёнини Л.Ибрагимов, Х.Зиёхонов, Т.Ли, М. Ли Сафи, А.Исаев, Т.Миррахимов, каби рассомларнинг ижоди билан ёритиш имконияти мавжуд. Уларнинг асарларида модернизм кашфиётларини миллий анъаналар билан уйғунлиги орқали янгича пластик ва колористик изланишлар намоён бўлади. А.Нуриддинов, Ғ.Қодиров, Л.Ибрагимов, Ф.Аҳмадалиев, Ж.Усмонов, Ш.Ҳакимов, А.Риҳситуллаев, Р.Ақромов каби рассомлар ижодида Шарқ анъаналари, шеърини, фалсафаси каби дунёқарашларнинг етакчи ўринга чиққанлигини экспозицияда акс эттириш мумкин. Экспозицияда замонавий бадий жараёни ҳам очиб бериш, миллий рангтасвирнинг бугунги кундаги ижодий изланишларини, рассомларнинг қизиқиш доираси, ютуқ ва камчиликларини ёритувчи бўлимларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Рассомларнинг ижодий эволюциясини кенгрок ёритиш мақсадида тизимли-комплексли ёндашув асосида графика

мамоналарини қисқа муддатли экспозиция маконига олиб чиқиш масалаларини ҳам ўйлаб кўриш жоиздир. Зотан, XX асрнинг биринчи ярмида ижодда ўзини чегараламаган рассомлар дастгоҳли графикада унумли ижод этишган. Бу каби лойиҳалар учун Тошкент, Самарқанд ва Нукус музейи коллекциялари катта имкониятларга эга. Юқорида ўрганилган коллекцияларни тадқиқ этиш жараёнида айнан графика бўлимида катта миқдордаги ишлар еикланаётгани аниқланди. Лекин, уларнинг ҳаттоки 1% ҳам экспозиция маконида кўринмайди. Бу хусусда музейнинг илмий ходимлари алоҳида тадқиқот ишлари олиб бориши ва музейнинг истиқболдаги режалари каторига махсус ёритиш шароитларига эга графика залларини ташкил этишни киритиши ўринлидир. Масалан, Третьяков галереяси тўпламининг 70 % ни графика ташкил қилади. Графика ишларини доимий намойиш этиб бўлмаслигини инобатга олиб (графикада ишлатилган бўёқлар ва қогоз ёруғлик нурига тез таъсирчан) галерея олтига махсус жиҳозланган залларда графика ишларининг вақтинчалик кўргазмасини ташкил этади. Бу экспозициялар ҳар 2-3 ойда ўзгартирилади.

Юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалар, табиийки, экспозициянинг назарий асоси саналади. “XX аср Ўзбекистон рангтасвири” доимий экспозициясини яратиш мураккаб ва долзарб масаладир. У катта куч, меҳнат, маблағ ҳамда мутахассисларни талаб этади. Экспозициянинг илмий концепцияси – монографик тарзда намойиш этиш услуги, асарларни саралаш мезонлари, уларнинг реставрация жараёнлари (зеро захирадаги кўплаб асарлар жиддий реставрацияга муҳтож), экспозиция режиссураси, рассом билан ишлаш, картиналарни намойиш этиш каби жонли жараён билан тўқнашганда муайян муаммоларга, асосли ўзгартиришларга дуч келади.

XX аср санъатини ёритувчи янги экспозиция яратишга киришганда бир нечта инкор этиб бўлмас омилларни эътиборга олиш керак. Янги экспозиция Ўзбекистон рангтасвири тарихини ёритганлиги сабабли ҳам биз мураккаб ўзгаришларга эга тарихни

акс эттирувчи ўзига хос йўлни танлаймиз. Ҳар бир ўн йилликда бадий ҳаёт сахнасида ўзига хос изланиш ва услубларга эга рассомлар етишиб чикди. Уларнинг аксарият ижоди ўз даврининг қизиқишларини акс эттирган. Албатта, баъзи бир юксак иқтидорлар ҳақида сўз борганда қандай ижодий чизиклар ташқи томондан, қайсиларини эса рассомнинг ўзи бадий жараёнга тақдим этганлигини белгилаш мушкул. Давр иқтидорни юзага чиқаради, унга ижодий ташаббус бағишлайди, аммо рассом ўз ўрнида унга индивидуал характер беради, асарлари билан ўтмишга айланаётган даврнинг ўзига хос образини белгилаб кетади.

Коллекциянинг бой илмий-бадий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда муайян муддатга мўлжалланган мавзули кўргазмалар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, автопортретлардан ташкил топган “Автопортрет: Ўзликни англаш ёки Ўзига мафтун бўлишми?”, “XX аср “селфи”си” кўргазмаси, рассомлар томонидан ўз касбдошларининг ижодий руҳиятини англашга қаратилган картиналардан иборат “Рассом портрети”, “Рассом нигоҳида рассом” ёки бадий тенденцияларни ёритишга қаратилган “Унутилмас давр. 1920-1930 йиллар рангтасвири”, “Импрессионизм ва Ўзбекистон рангтасвири”, “Ўзбекистон рангтасвирида постимпрессионизм” кўргазмалари. Ранглар мажмуи, композиция ва пластика борасида ижодий тажрибаларни акс эттирган “Натюрморт” кўргазмаси учун ҳам тўпلامнинг бой салоҳияти мавжуд.

Ўзбекистон рангтасвир тарихида 1990-2000 йиллар санъати, хусусан рангтасвири ўзгача ривожланиш тадрижини, жаҳон санъати ютуқларига қўшилиш, уларни ижодда синаб кўриш жараёнини бошдан ўтказди. Янги маданий, тарихий шароитларда рассомлар ижодига жаҳон санъатига яқин чизгилар аста-секинлик билан кириб келди ва бугунги кунда концептуал санъат унсурлари Ўзбекистонда ўз ўрнини, ўз ижодкорларини топди. XX асрнинг сўнгги йиллари ва XXI асрдан бошлаб рассомлар (В.Ахунов, А.Николаев, Ж.Усмонов, Э.Исхаков, С.Алибеков, Ф.Ахмадалиев, В.Усеинов, М.Карабаев, Б.Исмоилов ва ҳ.к.) замонавий санъатнинг

янги шакллари ва технологияларида турли фалсафий-ижтимоий мавзуларни ёритиб келишмоқда. Бу тенденция Б.Исмоилов, Т.Ахмедов, З.Мансуров, А.Барковский, “5+1” гуруҳининг оригинал ғояларининг концептуал ифодаси орқали давом этмоқда. Айнан улар XXI аср бошлари санъатининг ўзига хос қиёфасини белгилаб беришмоқда. Шу сабабли, музей раҳбарияти олдида ўз коллекцияларини замонавий бадиий жараёнда фаол ташаббус кўрсатаётган рассомларнинг ишлари билан бойитиб бориши масаласи долзарблик касб этмоқда. Хусусан, замонавий бадиий жараённинг бир бўлагига айланган концептуал санъат шакллари (коллаж, арт-объект, инсталляция, видео-арт, перформанс в б.) музейлаштириш, бунинг учун музей имкониятидан келиб чиққан ҳолда фонд ва экспозиция маконини тайёрлаш эндиликда ниҳоятда муҳимдир.

Европа ва АҚШ мамлакатларида махсус спецификага эга янги санъат турларини сақлаб қолиш масалаларига XX асрнинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб эътибор қаратилмоқда, замонавий бадиий амалиётда қўлланилаётган материалларни сақлаш, таъмирлаш ва концептуал ғоясига зарар етказмаган ҳолда намойиш этиш масалаларига бағишланган илмий-анжуман, семинар ва лойиҳалар мунтазам ташкил этилиб ¹²⁷, мазкур масалалар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда. Шу ўринда Т.П.Калугина “Художественный музей как феномен культуры” ¹²⁸ китобида XX аср бадиий жараёнларини музей амалиёти билан ўзаро ҳамоҳанг ривожини кўриб чиққан бўлса, Л.Худякова ¹²⁹ ўз изланишларини постмодерн даврида музей масалаларини тадқиқ этиш асосида Тейт Модерн каби замонавий санъат тўпламлари мавжуд музейларнинг амалиёт тажрибалари, экспозициялар яратиш масалаларига қаратган.

Агар авваллари В.С.Турчиннинг ифодасига кўра “статус

¹²⁷ Ваттимо Дж. Музей и восприятие искусства в эпоху постмодерна // Художественный журнал. – 1999. – №23. – URL : <http://www.guelman.ru/xz/362/xz23/xz2305.htm>; Лженкс Ч. Зрелищный музей – между храмом и торговым центром. Осмысление противоречий // ПИНАКОТЕКА. – 2000. – № 12. – С.8.

¹²⁸ Калугина Т. П. Художественный музей как феномен культуры. – Санкт -Петербург, 2001 – 224 с.

¹²⁹ Худякова Л.А. Музей в эпоху постмодерна: Потери или возможности? // Вопросы музеологии. – Санкт-Петербург, 2010. – № 2. – С. 12-21.

образца”, яъни “намуна даражасидаги” ишлар музей тўпламларига киритилган бўлса, бугунги кун томошабини музей маконида ҳам кўхна тарих, ҳам замон янгилигини кўришни истайди. Концептуал санъат экспозицияларини ҳис этишда устунлик визуал қабул қилиш бўлсада, томошабинда эшитиш, ушлаб кўриб ҳис этиш имконияти пайдо бўлади. Хельсинкидаги KIASMA музейи, Бильбаодаги Гугенхайм, Жорж Помпиду марказларида замонавий санъат лойиҳаларини амалга оширишда кураторлар жалб этилади ва улар музей коллекциялари имкониятларидан келиб чиқиб ўз концепцияларини тузадилар. Ўзбекистон замонавий бадий жараёнининг бир бўлагига айланган концептуал санъат шакллари ривожини инобатга олган ҳолда анъанавий музейлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фонд ва экспозиция маконини концептуал лойиҳаларни сақлаб қолиш ва намойиш учун тайёрлаш эндиликда ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон давлат санъат музейининг миллий рангтасвир коллекциясини шаклланиши омилларини тадиқиқ этиш асосида музейда Ўзбекистон рангтасвирининг тадрижий ривожига оид барча босқичлар акс этгани намоён бўлди. Шунингдек, коллекциясини янгиланган миллий рангтасвир тарихи кесимида ўрганиш натижасида қўйидагилар аниқланди. Илк миллий рассомлар ижоди билан боғлиқ кам ўрганилган материал (Л.Насреддинов, Б.Хамдамий, Л.Абдуллаев) 1930 йилларда реализм анъаналарининг ўзлаштириш жараёнидаги ролини аниқлаш, тенденциялар ривожини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Коллекцияни монографик кесимда ўрганиш эса музейда рассомлар асарининг бутун мажмуига эътибор қаратишга имкон берди. Авваллари музей захираси тўлиқ ўрганилмагани сабабли у ёки бу рассом ижодининг баъзи даврлари “тушиб қолишига”, ижодий эволюциясининг “бузилишига” олиб борган эди. П.Беньков, Ў.Тансиқбоев, Р.Тимуров, Н.Кашина, Р.Ахмедовнинг коллекциядаги асарлари асосида Ўзбекистонда импрессионизм тенденциялари шаклланиши тармоқлари белгиланди. Миллий рангтасвирда соцреализм тамойилларининг услубий ва мавзули

характери, портрет, манзара жанри шаклланишига оид масалалар доирасида янги илмий маълумотлар тақдим этилди. В.Жмакин, А.Кривонос, Б.Бобоев ижодида «каътий ифода услуби»нинг («суровый стиль») миллий рангтасвирда ўзига хос тарзда акс этиши омиллари ёритилди. Юқорида белгиланган натижалар мисолида ЎзДСМ коллекциясининг илмий-бадий салоҳияти ва имкониятлари асослаб берилди.

Коллекциялар XX аср миллий рангтасвирда жанрлар тизимининг шаклланишига доир фактологик манба сифатида илмий асос бўлади. Портрет жанри ривож мисолида таҳлил этадиган бўлсак: ижоди асосан манзара ва сюжетли мавзулар орқали таниш бўлган Н.Қарахоннинг портрет асарлари, А.Волков, М.Қурзин портретлари ва Ў.Тансиқбоевнинг автопортретлари, Л.Насреддинов, Б.Қамдамий, А.Сиддиқий, Х.Раҳимов каби бир қатор илк миллий рассомлар ҳам дастлабки жиддий асарларини айнан портрет ва автопортретлар устидаги изланишлардан бошлаганлари XX аср бошларида портрет жанри эволюциясини тўлдиришга хизмат қилади; 1950-1960 йиллар миллий рангтасвирида социалистик жамият ва иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари образи, портрет-типлари қаторига замондош зиёлилар портретларига эътиборнинг кучайишига ҳам музейдаги ўнлаб экспонатлар мисол бўла олади; коллекциядаги Л.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Р.Қориевнинг ўткир психологик портретлари ва индивидуал ижодий концепцияларга эга рассомларнинг кучли руҳий қувватга эга портретлари 1970-1980 йилларда замондош образини тушуниш ўзгарганини далилайди.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РАНГТАСВИРИ МУЗЕЙ ТЎПЛАМЛАРИДА: ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ ВА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

§ 3.1. Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейидаги рангтасвир тўпламининг шаклланиши.

Ўзбекистон рангтасвири юртимиздаги турли музейларнинг коллекцияларида ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақолпоғистон Республикаси давлат санъат музейи, Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи коллекцияси улар орасида кўлами ва салоҳияти жиҳатидан энг йирик тўплamlар ҳисобланади. Мазкур тўплamlарнинг ҳар бири ўзининг шаклланиш тарихи, комплектацияга оид ёндашуви ва стратегиясига эга. Шу ўринда Самарқанд музейидаги миллий рангтасвир коллекцияси шаклланиши ҳам ўзига хос йўлни босиб ўтган.

Самарқанддаги музейнинг ташкил этилиши ва тўплamlарнинг шаклланишида ҳаваскор ўлкашунослар, қадимий маданий мерос буюмларини тўпловчилар, коллекционерларнинг ҳиссаси катта. Улар орасида амалдорлар М.Н.Ростиславов, Л.С.Барщевский, археолог Д.И.Эварницкий, Самарқанд Вилоят статистика Қўмитаси раиси М.Н.Вирский, археолог олим В.Л.Вяткин, полковник И.Т.Пославскийлар хизмати, шунингдек маҳаллий коллекционерлар – уста Мирза Қосимов (сирланган кошинлар тўплами), Мирзо Абдулла Бухорий (қадимий либослар ва матолар тўплами)¹³⁰ ва Мирзо Абдулло Раҳмонларнинг шахсий тўплamlарини музейга инъом этишлари¹³¹ музейдаги дастлабки коллекцияларнинг ташкил топишига сабаб бўлади. 1874 йилдан бошлаб М.Н.Ростиславов бошчилигида Зарафшон округи бошлиғи маҳкамасида археологик қазилмаларда топилган ашё, қўлёзмалар, ҳадя этилган буюмлар тўпланиб борган ва 1876 йилда шу

¹³⁰ Қуръазова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. Олий ўқув юртлари учун ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент. 2010. – Б.19.

¹³¹ Юнусов М.А. Самарқанд музейи коллекциясининг шаклланиши тарихидан. Археология Узбекистана. №1. 2017. – Б. 61.

коллекция заминида Ўзбекистондаги илк маротаба музей (Ташкентский публичный музей) ташкил этилган ¹³². Маҳкамада сакланаётган коллекциянинг бир қисми 1883 йили Тошкент музейига топширилса-да, Самарқанддаги ноёб қадимий буюмлар сони ортиб бораверган. 1896 йилнинг 21 июлида тўпланган коллекциялар заминида рус олим ва амалдорларининг саъйи ҳаракатлари натижасида авлиё Георгий черкови биносида янги ташкил этилган музейнинг очилиш маросими йирик тарихий ҳодиса сифатида муҳрланади. ¹³³ Бугунги кунда Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхона жамғармасида 235 мингдан ортиқ қадимшунослик, тангашунослик, элшуносликка оид буюмлар, қўлёзмалар, амалий ва тасвирий санъат асарлари, фототека ва ҳужжатлар коллекцияси сақланмоқда. Музей-қўриқхона таркибига Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи билан бир қаторда яна 8 та музей, 6 та тарихий обидалар ва 2 та қадамжолар киради.

Музей 1978 йилдан то 2009 йилга қадар Самарқанд шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган эди. Шаҳарнинг эски, тарихий қисмини реконструкциялаш ишлари муносабати билан музей шаҳарнинг Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган янги бинога кўчирилган. Музей таркибида “Тарих”, “Санъат”, “Маркетинг”, ва “Кўргазмалар” бўлимлари фаолияти билан бирга Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасининг фонди ҳам жойлашган. Музей коллекцияларидаги ҳунармандчилик ва тарихий ашёларнинг асосий таркиби Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларидаги бадиий маданиятни қамраганлиги сабабли унга тарихчи олимларнинг қизиқиши катта. Амалий ва тасвирий санъат асарларидан иборат уникал коллекциялар ҳам ўз қўлами ва салоҳияти билан бевосита санъатшуносларнинг илмий тадқиқот манбаига айланиши мумкин.

¹³² Лётева Л., Турсуналиев К. Музееология (Наука о музейном деле) /методическое пособие – Ташкент: 2008. – С. 27.

¹³³ Якубовский Ю.О. Открытие музея при Самаркандском областном статическом комитете // «Туркестанский ведомости». №57. 1896.

Музейнинг “Рангтасвир” коллекцияси деб аталувчи фондида умумий сонда 4000 дан ортик рангтасвир, хайкалтарошлик, графика асарлари сақланиб, улар орасида миллий рангтасвир мингдан ортик асарлар жамланмасини ташкил этади. Маданият тарихи музейи авваллари Самарқанд давлат бирлашган бадийи ва меъморий музей-қўриқхонаси таркибида фаолият юритган ва бу кўп жихатдан рангтасвир коллекциясининг комплектация жараёнига бевосита таъсир кўрсатган. Тўпламнинг ташкил топиши бир қатор тарихий-маданий омилларга боғлиқдир. Хусусан, Самарқандга турфа хил қарашларга эга бўлган рассомларнинг кириб келиши, Л.Бурэ, Л.Вишневский, О.Татевосян каби рассомлар томонидан “Комунна” мактабининг ташкил этилиши (1918), бадийи ҳаётнинг жонланиши, босма нашрнинг ривожига билан бевосита алоқадордир¹³⁴. Айнан шу даврдан, яъни 1920 йилларнинг ўрталаридан музейда тарихий ашёлар билан бир қаторда тасвирий санъат асарлари комплектацияси жараёни бошланган. Тўпламни бошлаб берган илк рангтасвир асари мусулмон зоҳидининг этнографик портретини ифодалаган С.М.Дудиннинг “Дарвеш” (инв№ Ж-1) асари саналади. Шундан сўнг С.Юдин, Р.Зоммер, Л.Бурэ, П.Фокин, Д.Кожушка, Н.Каразин ва И.Казаковларнинг бир қатор ишлари тўплам таркибига қиритилади. Хусусан, А.В.Николаевнинг “Бедана ушлаган бола” (1928, инв№ Ж-5) асари рассомнинг Самарқанд музейидаги ягона ижод намунаси саналади.

Мамлакатда музей иши энди шаклланиб келаётган бир даврда коллекциянинг тизимсиз, режасиз тўпланиши табиий ҳол эди. Музейга тасвирий санъат асарларини келиб тушиш омилларини кўп жихатдан музей-қўриқхона экспозицияларини давр мафқурасига мослаштирган ҳолда яратиш, сиёсий тарғибот-ташвиқот ишлари жараёни билан изоҳлаш мумкин. Кирил китобини кузатиш асосида аксарият рангтасвир асарлари Ўрта Осиёнинг меъморий, этнографик қиёфасини ифодалаши ёки феодализм босқичида қолиб кетган қолоқ турмуш тарзини

¹³⁴ Исаев А. Сермашаккат йўли. Совет Ўзбекистони санъати. – 1988. № 8. – С. 28.

тасвишлаши мезонлари асосида қабул қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин. Аксарият ҳолларда рассомларга мавзунинг музейнинг ўзи буюртма берар эди (масалан, Г.Н.Никитин, “Амирнинг Бухородан қочиши”, инв№ Ж-104 “Қизил армия разведкаси”, кп инв№ Ж-494; Л.В.Лосева, “1917 йилдаги намоёишни ўққа тутиш”, кп№ 1487 ва ҳ.к.).¹³⁵

1930-1940 йиллардаги комплектация мезонлари картинанинг социалистик инқилобий мазмунига, асосан сиёсий-ғоявий тарғибот мақсадларига қаратилган эди. Тўпламдаги П.П.Беньковнинг “Шайбонийхон томонидан Самарқанднинг ишғол қилиниши” (инв№ Ж-35), Г.Н.Никитиннинг “Қизил армия разведкаси” (инв№ Ж-494), Н.В.Кашинанинг “Сталин сўзлари ғалабага илҳомлантирди” (инв№ Ж-129), В.И.Уфимцевнинг “Таслим бўлмаганлар” (инв№ Ж-127) асарлари эҳтимол узоқ йиллар давомида музейнинг экспозиция майдонини ғоявий тўлдириб туришга хизмат қилган.

Шаклланаётган коллекция таркибида кўчирма нусха асарлар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу картиналар ҳам экспозиция фаолиятдан келиб чиққан ҳолда яратилган бўлиб, крим китобидаги қайдларга кўра музей буюртмасига биноан ишланган. Хусусан, В.Верещагиннинг “Киришди” асари Бурский томонидан (инв№ Ж-810), “Самарқанд зиндони” картинаси Г.Н.Никитин ишлаган кўчирма нусхаси (инв№ Ж-27), Н.Каразиннинг “Самарқанднинг рус қўшинлари томонидан олиниши”, “Мохрамнинг олиниши” асарларининг С.П.Юдин томонидан ишланган кўчирма нусхалари (инв№ Ж-2; инв№ Ж-294) бунга мисол бўлиши мумкин.

Илк комплектация жараёнларини фақат сиёсий ғоялар билан боғлаш ноўрин. XIX аср охирлари XX аср бошларида Туркистонга бир гуруҳ рассомларнинг кириб келиши, ўлканинг ёрқин миллий колорити, меъморий манзараси ва содда кундалик турмуш тарзига ошuftалик билан яратилган асарлар ҳам музей тўпламидан ўрин олган. Тўплам таркибида шовқин-суронли шарқ

¹³⁵ Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасининг Крим китоби №7.

бозори, чойхонаси, одамларининг ранг-баранг либослари хайрати билан яратилган С.П.Юдин, Р.К.Зоммер, Н.Н.Каразин каби рассомларнинг ўнлаб этнографик картиналари мавжуд. Аксарият ҳолларда улар ўз асарларида анъанавий кундалик ҳаётни меъморий ёдгорликлар манзарасида тасвирлашган. Бугунги кунда фаолият юритаётган экспозицияда ҳам бу жараёни кўриш мумкин (Л.Бурэ “Тандирнинг ясалиши”, Р.Зоммер “Тунги ибодат”, П.Беньков “Шоҳи Зиндадаги рассомлар” ва х.к.). Н.Каразин (“Қуруқ ерларда суғориш ишлари”, инв.№ Ж-13-14; “Ўтовда”, инв.№ Ж-100; “Топилма” инв.№ Ж-101) каби Марказий Осиё ҳаёти ва турмуш тарзи иллюстраторлари сифатида келган рассомлар этнографик экспедицияларга хизмат кўрсатса, баъзиларни эса ишқибоз, ҳаваскор рассомлар сифатида келган ижодкорлар сафига киритиш мумкин. Шу сабабли уларнинг Ўрта Осиё турмуш тарзи ва манзараларидан олган таассуротлари картиналарда турфа хилда намоён бўлади. Масалан, Н.Каразин Туркистон ўлкасининг табиати, турмуш тарзига бағишлаган ишларида бой таассуротлар оламини муҳрлашга интилган. Акварель ва гуашда ишланган аксарият ишлар бевосита натурандан ишланиб, документал характерга эга. “Топилма” асарида рассом аниқликни сақлаб қолиш мақсадида ҳар бир детални синчиклаб ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Картинада дашт узра ёлғиз сафар қилаётган йўловчи мусофирнинг (унинг узоқ сафарга отланганини туянинг устидаги буюмлар кўплигидан билиш мумкин) ерда ётган оқ фуражкага кўзи тушган ҳолати акс этган. Бу воқеа этнографик композицияга майший оҳанг бағишлаган.

Музей тўпламидаги энг йирик ва тўлақонлик коллекция Л.Л.Бурэнинг ижоди (400 га яқин графика ва рангтасвир) ҳисобланади. 1933 йилда Бурэнинг рафикаси Лидия Фёдоровна Бурэ музейга рассомнинг Бухоро ва Самарқанднинг кўҳна манзараларига бағишланган бир қатор ишларни топшириши коллекция таркибини тўлиб боришига хизмат қилган. Уларда рассомнинг автопортретидан тортиб, Самарқанд ва Бухоронинг қуёш нурларига чулганган меъморий манзараси, бозор, кўча ва

кичик ҳовлилар, одамларнинг этнографик этюдлари муҳрланган. Рассом манзара ва маиший жанрдаги асарларида ҳужжатли аниқликка, ҳаққонийликка интилган. Кўп фигурали композициялари учун кўплаб этюдлар ишлаган.

Ўрта Осиёнинг ўрта асрларга хос манзаралари фонини музей коллекциясидаги Р.Зоммернинг олти та иши тўлдириб туради. Уларнинг бир нечтаси этюд характеридаги этник типларни акс эттиради (“Сават кўтарган деҳқон”, инв Ж-77; “Қурд аёли”, инв Ж-78; “Қозоқ аёли”, инв Ж-79). Рассомнинг “Кечки намоз” (инв Ж-6) картинасида мусулмон киши ҳаётининг бир бўлаги саналган одатий воқеа шоирона тарзда талқин этилади. Асарда шом намозини адо қилаётган икки йўловчининг ибодати тасвирланган бўлиб, уларнинг табиат манзараси билан ўзаро ҳамоҳанглиги картина руҳиятига ажиб бир сукунат бағишлаган.

Коллекция таркибининг шаклланишида Самарқанд “Изофабрика”си директори ва бадий раҳбари Оганес Татевосяннинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. У 1915 йилда Самарқандга илк маротаба келиб, ўз ижодини шу юртга бағишлаган рассомлардан биридир. Изофабрикада В.Еремян, Н.Кашина, Е.Коровай, Г.Никитин, Р.Акбальян, Ч.Ахмаров, З.Ковалевская, М.Миносьянлар ишлаган. Бу ерда янги турмуш тарзига мўлжалланган буюмларнинг дизайни устида иш олиб борилар, кундалик миллий либосларга эскизлар яратилар, “қизил чойхоналар” беаги учун кулолчилик, тарғибот плакатлари, папье-машедан паннолар ишланар эди. Изофабрика рассомлари яратган папье-маше бўртмалари кўп ҳолларда “болаларча примитив” йўналишида ишланган. Эҳтимол, бу нафақат авангард таъсири, балки бадий тажрибага эга бўлмаган томошабинга тушунарли тилда гапириш, анъанавий ибтидони ижодий қайта ишлаш орқали янгилик яратиш истаги эди.¹³⁶

Ўзбекистон пойтахти 1930 йил 20 сентябрда республиканинг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази бўлган Тошкент

¹³⁶ Туркестанский авангард. Авторы вступительной статьи: Е.С.Ермакова, Т.К.Мкртычев, М.Л.Хомутова. Каталог выставки. – Москва. 2009. – С. 12.

шаҳрига кўчирилиши муносабати билан кўплаб рассомлар пойтахтга кўчиб кетади. Бирок, Самарканддаги бадий ҳаёт аввалгидек етакчилик аҳамиятини йўқотмайди. Бунда П.П.Беньковнинг раҳбарлиги остида фаолият юритаётган билим юрти ҳамда у билан бир қаторда фаол ижод қилаётган Е.Коровай, Н.Кашина, В.Еремян, М.Калонтаровларнинг аҳамияти катта. П.Беньковнинг коллекцияда йигирмадан ортиқ картиналари сақланиб, уларда қозонлик рассомнинг Ўзбекистонга келиб рангтасвир ёзуви сезиларли даражада ўзгариши, рангтасвир ечимининг ёркинлашуви намоён бўлади. “Хоразмдаги чигирик” (инв Ж-37) ва “Хивадаги сабзавот бозори” (инв Ж-36) каби картиналар дастлабки комплектация жараёнида тўплам сафига кирган бўлса, кейинчалик пленэр изланишлари акс этган “Дутор ушлаган қария”, “Хивалик тўқувчилар”, уруш йилларида яратилган “Қаҳрамонни кутиб олиш” (1942, кп№ 4949/2), “Ғалаба хабари кадрдон қишлоққа қадар етиб келди” (1945, кп№ 4949/1) асарлари тўплам таркибини янада бойитади. 1950 йилда П.Беньковнинг машҳур “Дугоналар” (инв№ Ж-285) асари рассомнинг турмуш ўртоғи О.П.Беньковадан сотиб олинади. Бу картиналарда рассомнинг нур ва соя ўйинларини тасвирлашдаги бекиёс маҳорати намоён бўлган.

Коллекцияда О.Татевосяннинг 90 дан ортиқ ишлари мавжуд бўлиб, картина, этюд ва эскизлардан иборат 82 экспонат 1978-79 йилларда тўплам таркибига қўшилган¹³⁷. Аксарият ишлар авангард таъсиридан йироқ, кўпроқ музейнинг кўргазма сиёсатига мос ҳолда маҳаллий халқнинг этнографик қиёфаси (“Тоғлик тожиқ”, 1929, инв№ Ж-646; “Қирғизлар”, 1929, инв№ Ж-647), қундалик турмуш тарзи (“Узум терими”, 1968, инв№ Ж-705), манзараси (“Шафтоли гуллаганда”, 1936, кп№ 3888/58; “Туш пайти”, 1960, кп№ 3888/38) ҳамда социалистик жамият қурилишини (“Қурилишда”, 1936, кп№ 3877/74) акс эттирган.

1930 йилларнинг охирларида А.Абдуллаев, Л.Абдуллаев,

¹³⁷ Самарканд Давлат бирлашган тарихий-меморий ва бадий музей-қўриқхонасининг Кирим китоби №15.

Б.Ҳамдамий, А.Сиддикий, Х.Мансуров, Ш.Ҳасанова каби ёш рассомлар дастгоҳли рангтасвир анъаналарини ўзлаштириб, миллий рангтасвирчиларнинг илк авлодини бошлаб бердилар. Уларнинг аксарият устозлари “формалист”, “натуралист” ва “декоративист” сифатида қаттиқ танқид остига олиниб, соцреализм ақидалари ҳукм сураётан даврда мазкур рассомлар ўз ижодий йўналишларини белгилашлари лозим эди. Зеро, илк миллий рассомларнинг ижодлари доимо ҳукумат ва халқ назарида бўлган. Абдулҳақ Абдуллаев, Лутфулла Абдуллаев, Шамсируй Ҳасановаларнинг ижодий тақдирлари омадли бўлди, аммо Баҳром Ҳамдамий, Ақром Сиддикийларнинг ижоди иккинчи жаҳон уруши туфайли тўхтаб қолди. Уларнинг асарларини топиш мушкуллиги важидан ижодлари бугунга қадар тўлақонли ўрганилмай қолмоқда.

Самарқанд музейининг коллекцияси таркибида А.Сиддикийнинг автопортрети ва “Тўй” картинаси сақланади. Иккала асар ҳам рассом ижодини тадқиқ этиш учун қизиқарли манбадир. “Тўй” композицияси А.Николаевнинг “Анор нашъаси” (1923, Шарқ халқлари давлат музейи, Москва) картинасига монанд санамнавислик анъаналари ечимида ишланган. А.Николаевнинг картинасида миниатюрага яқин бадий-ифодавий воситалар ёрдамида, рамзий ташбеҳга ургу берилган бўлса, А.Сиддикий асарида ўзбек тўйларидаги жараёнлар босқичма-босқич кичик лавҳалар кўринишида имкон қадар деталларга берилган ҳолда реализмда очиб беришга ҳаракат қилинади. “Тўй” картинаси шартли декоративликка тўла бўлиб, ҳар бир лавҳа интерьер ёки манзара фонида ҳикоя қилувчанлик тарзда очиб берилади. Марказда тўйнинг асосий қаҳрамонлари – келин ва куёв чимилдиқ гушангаси фонида миллий анъаналарни бажармоқда. Рассом картинадаги лавҳалар композицияси, ранглар мажмуи ечимида ҳам ўзаро муқобиллик, мутаносибликни ушлашга интилган. Унда Усто Мўмин каби шарқни шоирона англаш эмас, ақсинча халқнинг қайтарилмас урф-одатларини чуқур билиш ва тўйдаги ҳар бир маросимнинг майда таснифларини кўздан қочирмаган ҳолда ифодалаш намоён бўлади.

Е.Коровайнинг ижоди мазкур коллекцияда учта ажойиб портрет билан белгиланган. Рассомга инсон қиёфасидаги эмоцияларни чуқур ҳис қила олиш хос эди (“Қ.Жалилов портрети” 1948, инв Ж-133; “Бақо Мирзаев портрети” 1950, инв Ж-285; “Окин портрети” 1957, инв Ж-175). Е.Коровай ганчкорларнинг гуруҳли портретини ишлаш мақсадида Гўри Амир макбараси ёнидаги ганчкорлар устахонасига тез-тез келиб турган. Портретлар орасида ақл ва зийраклик фазилатлари муҳрланган ганчкор уста Қули Жалилов чехрасида ҳаётга ташналик, касб маҳорати йўлида камолотга интилиш намоён бўлади.

Рангтасвир асарларининг комплектация жараёнидаги узилиш иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ бўлди. Музейнинг № 7 крим китоби 1940 йилда бошланиб, 1956 йилда яқунланади ҳамда уч юз элликдан ортиқ ашёлар қабул қилинади. Бу крим китоблари орасида энг узоқ даврни қамраб олган китобдир. 1956 йилдан комплектация жараёни жадал тус олади ва шу йилнинг ўзида иккита крим китоби тўлдирилиб саккиз юзга яқин асарлар музей мулкига айлантирилади.

Иккинчи жаҳон уруши “соцреализм”нинг дастурий ҳаётбаҳшлик руҳиятини янада бойитди. Бу йилларда юксак бадий асарлар билан бир қаторда даврнинг қатъий талаблари андозасидаги, бадий жиҳатдан саёз асарлар ҳам коллекцияга қўшилган. Бадий танқидчиларнинг фикрига кўра “1940-50 йиллар бошларидаги илк миллий рассомларнинг шаклланиши босқичида мафкуранинг қатъий нормативлари ва босимлари, рус классикларига таянишнинг тор тушунчаси кўп ҳолларда ғоявий жиҳатдан шартли, тақлидий ишларнинг пайдо бўлишига олиб келди”.¹³⁸ Бу жараён хусусан, мафкурани тарғиб этувчи давр қаҳрамонлари, донгдор колхозчи ва ишчилар портретларида акс этади. Асосий ғоявий мавзу жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларни газетадаги ахборотбоп иллюстратив сурат-матн каби акс эттиришдан иборат бўлганлиги сабабли, коллекцияда бу

¹³⁸ Ахмедова Н.Р. Особенности развития живописи государств Центральной Азии XX века: Дис... докт. искусствоведения. АНУз ИИ – Ташкент: 2003. – С. 100.

мазмундаги асарлар кўплаб топилади. Ў.Тансиқбоевнинг “Пахта даласида” (инв№ Ж-166), В.Уфимцевнинг “Оловли йиллар” (1954, инв № Ж-193), М.Новиковнинг “Фарҳод ГЭС қурилиши” (1944, инв № Ж-128), А.Абдулаев “Пионер қиз портрети” (1958, инв№ Ж-180) ёки Н.Қўзибоев ва Т.Оганесовнинг “Ўзарбайжон пахтакорлари делегацияси Ўзбекистонда” (инв№ Ж-326) каби асарларида даврнинг ҳукмрон мафкураси мазмуни акс этади.

Социалистик ва капиталистик жамият ўртасида юзага келган зиддият ижодкорлар онгида янги дунёни кашф этган эди. Бунга жавобан ҳукумат ғоявий масалалар доирасида бир қатор фармонлар ишлаб чиққан эди ва рангтасвирда янги оҳанг ва янги бадиий воситалар излаган, белгиланган бадиий мезон чегарасидан чиққан рассомларга “формалист” деган айбловлар қўйилар эди. Бу каби тарихий-сиёсий вазият музей тўпламига қўшилувчи асарларни саралаш мезонларига ҳам таъсир кўрсатди. 1955 йилда ЎзССР Маданият Вазирлигининг №212 сонли (17.08.1954) қарорига асосан ЎзДСМ коллекциясидаги ўнта картина Самарқанд давлат музей-қўриқхона захирасига ўтказилади. Тўпламга қабул қилинувчи асарларни баҳолаш мезони ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни мадҳ этишга қаратилган мазмунда эканлиги қуйидаги асарлар орқали намоён бўлади: К.Григорьянц (“Ўзбек нефти”, 1948, инв№ Ж-170), А.Винер (“Машҳур пўлатсоз Г.Ганиев портрети”, инв№ Ж-169), Р.Ахмедов (“Меҳнат қаҳрамони Турсункулов портрети”, инв№ Ж-168), Ў.Тансиқбоев (“Пахта даласида”, инв№ Ж-166) ва б.лар.

Бу даврда тўплам таркибини Ўрол Тансиқбоевнинг асарлари бойитади. Коллекцияда рассомнинг Европа бадиий малакаси изланишларидан йироқ, асосан давр руҳиятига ҳамоханг яратилган, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда яратилган манзара ва этюдлари ўрин олган (“Уруш қолдирган из бўйлаб”, кп-3789/2 “Пахта даласида”, инв№ Ж-166; “Метеостанция”, инв№ Ж-235; “Чотқол тоғи этакларида”, 1970, кп-4804/29 ва х.к.).

XX асрнинг биринчи ярми коллекциялар тўплаш даври сифатида қайд этилса, 1960 йиллардан экспонатларнинг илмий

инвентаризацияси ва илмий тавсифи даври бошланади. «Асосий фондлар таркиби ҳақида» ҳужжат асосида музейларга ягона намунадаги инвентарь китоблари ишлаб чиқилиб тарқатилиши¹³⁹ муносабати билан музей ашёлари махсус Кирим китобига рўйхатга олина бошланди. Бу жараёнда фондларнинг инвентар рақамлари саклаб қолинди. Кейинги ўн йилликлар республика рангтасвирида реализм, яъни воқеликни бевосита тасвирлаш билан боғлиқ турғун бадий жараён ҳукмрон эканлиги табиийки коллекция таркибида ҳам намоён бўлди. Кўргазмаларда фаол иштирок этаётган янги ижодкорларнинг асарлари тўплам таркибини нафакат мавзули ранг-барангликда, шунингдек образли талқин ва бадий тасвирий ифодавийликда бойитишига сабаб бўлди.

Тўпламда П.П.Беньковнинг импрессионизм мактабини мантиқан давом эттирган, кайфият манзараси шоири, пленэр рассоми Рашид Тимуровнинг қирққа яқин ижод намуналари сақланади. Коллекциядаги намуналар рассомнинг илк шаклланиш йилларидан то етуқлик давридаги изланишларини томошабинга тақдим этиш имкониятига эга. Унинг кичик ҳажмдаги ишларида ҳам асрлар изи акс этган табиат ёки шаҳарнинг бир бўлаги ифодаланади. Самарқанднинг табиат билан ўзаро уйғун кайфияти, ўйчанлик ва сокинлик унинг асарларини чуқур шоироналик билан тўлдиради (“Биби хоним ҳовлисида”, инв№ Ж-233; “Афросиёбда баҳор”, инв№ Ж-261; “Уйғониш”, 1970, кп№ 3877/78). Шунингдек, манзара рангтасвири устаси сифатида ном қозонган Р.Тимуровнинг тарихий портретга қўл урган “А.Навоий шоирлар даврида” (1968, инв№-497), “Навоий Астрободда” (1968, инв№-497) ёки “Тахтдаги Темур портрети” (кп№ 5884) асарлари ҳамда Чингиз Ахмаров билан ҳамкорликда ишлаган “Самарқанд фарзандлари” (инв№ Ж-256), “Баҳор” (инв№ Ж-337) каби картиналари тўплам таркибида мавжуд.

1970 йиллардаги янги ижодий авлоднинг шаклланиши, жаҳон халқлари орасидаги маданий алоқаларнинг кучайиши ва

¹³⁹ Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: Издательство «ВК», 2003. – С. 159-160.

миллий маданий меросга ўзгача нигоҳ миллий рангтасвирда ижодий турфа хилликка сабаб бўлди. Р.Ахмедов, Р.Чориев, Б.Бобоев, В.Бурмакин, Е.Мельников, Ю.Талдикин, Г.Улько, В.Зиёев, Г.Зильберман, Г.Чернухин, М.Пашковскаялар каби рассомлар янгича интеллектуал бадий ижодга йўл очди. Даврнинг ранг-баранг ижодий изланишларга бой санъати коллекцияда Е.Мельниковнинг “Ок от” (1973-1975, инв№ Ж-559), “Хаворанг оким” (1973-1978, кп№ 3842), Ю.Талдикиннинг “Ургут сўзанасидаги чой” (1979, инв№ Ж-591), “Хаворанг симфония” (1977-1978, инв№ Ж-592), В.Бурмакиннинг “Тандир олдида” (1977, инв№ Ж-558), “Интерьер” (1977, кп№ 3842/2), Р.Чориевнинг “Қалдирғоч Лолита” (кп№ 3843), “Н.Кашина хотирасига бағишлаб” (1977, инв№ Ж-613), Г.Ульконинг “Халк устаси Хазраткулов портрети” (1961, инв№ Ж-276), “Диалог” (1975, кп№ 3667) картиналари орқали намоён бўлади. Масалан, Г.Ульконинг уста Хазраткулов портрети ўзига хос ифодавий ечимда бўлиб, матода акс этган тасвирлар гўё сирли кошин бўлакларидан терилгандек гўё. Уста қиёфаси, лаган ва уларни кескин итариб турувчи фондан иборат композициядаги ҳар бир қисм алоҳида ранг туси ва шаклга эга бўлаклардан иборат. Устанинг ён томондан тақдим этилган жиддий қиёфаси геометрик шакллар билан ажратилган бўлиб, бу унинг меҳнат машаққатида тобланган юзига янада ифодавийлик бағишлаган. Орқасида турган сарғиш тусдаги қадим сопол лагандаги бўлақлар идиш ва унинг устидаги нон шаклига мос тарзда майин чизгиларда бажарилган. Портретдаги фон абстракт бўлиб, ок ҳошиялар билан ажратилган ёрқин сариқ рангдаги йирик шакллар офтобга чулганган тоғ манзарасини ёдга солади.

Коллекцияда Р.Ахмедовнинг йигирмага яқин асарларини, хусусан образнинг чуқур психологиясини Рембрандтга хос ҳолда ёритган портретлардан тортиб (“Қахрамон Турсункулов портрети” инв№ Ж-168; “Звено бошлиғи Тоштемиров портрети”, кп№ 3870/2; “Болақай портрети”, 1954, инв№ Ж-178), рангнинг эмоционал оҳанги орқали тасвирланувчининг оламини очиб

берувчи картиналарга қадар (“Рассом Салимжонова портрети”, инв№ Ж-730; “Карима портрети”, инв№ Ж-729, “Қўёшли баҳор”, кп№ 4058/1) кўриш мумкин. Рассом ҳар бир моделни ифодалашда тасвирланувчининг табиати ва руҳий олаmidан келиб чиққан ҳолда бир-бирини мутлоқ такрорламайдиган гавда ҳолати, ракурси, ҳаракати ва ҳаттоки ранг ифодавийлигини танлаган.

Самарқандлик иқтидорли портретчилар орасида тўпламда Ю.Елизаровнинг йигирмага яқин картиналари ўрин олган. П.П.Беньковнинг асл шогирди сифатида у реализмда импрессионизм аъёнalarини давом эттириб, ривожлантирган. Унинг “Отам портрети” (1955, кп№ 4228/2), “Оналик” (1957, инв№ Ж-182), рассом Р.Тимуров (кп№ 4228/1), тожик адиби С.Айний (кп№ 4165/88), Фурқат (кп№ 4228/4) портретларида ҳар бир шахсга хос қайтарилмас чизгилар ва хусусиятлар нур-соя ўйинлари, бўёқ суртмалари ифодавийлиги, ўткир психологик ечим орқали очиб берилади. Елизаров портрет ишлашда нафақат индивидуал ўхшашликка интилади, балки тасвирий ифодавий воситаларнинг имкониятлари устида изланиш олиб боради, ранг суртмалари орқали мушоҳада юритишга, томошабинни образнинг ички оламига олиб киришга ҳаракат қилади.

1978 йилдан то 2010 йилга қадар Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейига Регистон майдонида махсус қурилган бинода фаолият юритади. Музей иншооти ҳукумат буйруғига асосан Улуғбек кўчасига кўчирилади. Тўрт йиллик танаффусдан сўнг 2014 йилнинг 1 сентябрида музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтади.

Мустақиллик даврида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ижодий услубда ва бадий ижодда собитликка эришган мусаввирларнинг фалсафий-эстетик дунёқарошига салбий таъсир ўтказа олмади. Бундай янгиланишлар ва ўзгаришларни улар ўз нигоҳларидан синчковлик билан ўтказдилар ҳамда бадий жараёнда ўзига хос ёндашув билан самарали из қолдирдилар. Бу жараёни мазкур даврда коллекцияга қабул қилинган намуналар исботлайди. Кескин сиёсий-маданий ўзгаришлар, бадий ижод

моҳиятининг янгича идрок этилиши музейлаштиришнинг талаб ва андозаларининг ўзгаришига сабаб бўлди.

Қабул этилган янги асарлар орқали рассомларнинг маданий мерос анъаналарига ҳамда жаҳон бадиий жараёнидаги илғор оқимларга тобора фаол ва дадиллик билан мурожаат этаётганликларига гувоҳ бўлиш мумкин (Н.Калонов “Чархпалак. Тўйга. Оила. Триптих.”, кп№ 6123/1-3; А.Я.Крикис “Тўри Амир”, кп№ 3844; Р.Усеинов “Парчаланган манзара”, 1989, кп№ 5401 ва ҳ.к.). Улар орасида эллигинчи-олтмишинчи йиллар соцреализми стилида картиналар яратаётганлар ҳамда қадим заминидида авангард тизимларидан фойдаланишга интилаётган ёки европага ҳос “изм”лар ортидан куваётган ҳам мавжуд. Жумладан, декоратив ечимга эга изланишларни Н.Султоновнинг “Қишлоғимдаги тўкувчилар” (кп№ 5099/1), мавзулар ранг-баранглиги, дунёни кучли эҳтирос билан идрок қилиш ва миниатюра анъаналарини М.Саматов “Мақоми ишқ” триптихида (кп№ 5524/1-3), экспрессив бўёқлар суртмаси ва шакллар ўйини ифодавийлиги акс этган модернизм йўналишини А.Крикиснинг “Фаришта” (1988, инв№ Ж-№661), “Олтин аср” (1988, инв№ Ж-№662) картиналарида кузатиш мумкин. Бу картиналар музей тўпламида сўнгги ўн йилликларда Самарқанд бадиий мактабининг замонавий жаҳон санъати билан уйғунлашуви, шахсий бадиий ёзув услубини излаш жараёнларини акс эттиради.

А.Исаев ижодида мавжудликнинг моҳияти, атрофдаги инсонлар, кўҳна замин гўзаллиги ва салобати ҳақидаги ўйлар мужассам. У ўз асарларида услубий изланишлар билан бирга, борлиқни фалсафий идрок этишга уринади. Коллекцияда рассомнинг илк ижодий изланишларига ҳос сюжет ва тасвирда аллегорик тавсифни кучайтириш, халқ ўтмиши ва ҳаёти билан боғлиқ лирик ва рамзий-фалсафий талқин (“Қадим чинор”, 1979, инв№ Ж-806; “Тун. Аждодларим олови”, 1982, инв№ Ж-550; “Болалик” инв№ Ж-538) ёки ижтимоий воқеаларнинг экспрессив ранг суртмалари орқали пластик мушоҳада этиш (“Тўй”, 1989, инв№ Ж-681 “Навруз” 2000, “Ўйлар”, кп№ -6160/3) каби

изланишлари акс этган асарлари сақланади. Вақт ва макон белгиланмаган композицияларда рассом ўтмиш ва бугун ўртасидаги суҳбатни, алоқани ўрнатмоқчи бўлаётгандек туюлади. Бу асарларда рассомнинг “тарих”, “абодият”, “ҳаёт ҳақиқати”, “ишқ” мавзуларидаги ўйлари рангларда акс этади.

Сўнгги ўн йилликларда музейлардаги тўпламларнинг бойиб боришида рассомларнинг ҳадялари алоҳида ўрин тутмоқда. Масалан, Самарқанднинг юбилей санасига ҳадя сифатида О.Муинов ўзининг “Болакай ва каклик”, “Бибихоним”, “Имон. Умид. Муҳаббат” (кп№6082/1-3) картиналарини музейга совға қилган. Бу асарлар рассом ижодий умрининг энг сара намуналари бўлиб, унинг тарихий портретлардан то рамзий-мажозий тасвирий тизимга мурожаатига қадар изланишлар натижасида шаклланган ижодий камолотини намоён этади. Рассом ижоди ифодавий ранглар мажмуи, нозик ҳиссиётлар ва назокатли образлари билан инсон кўзини қувонтиради. “Бибихоним” картинаси унинг асл ижодий ютуғи, шоҳ асаридир. Тарихий образни ва унинг характерини намоён этишда рассом Клавихонинг хотираларидан унумли фойдаланиб, ҳам тарихий ҳақиқатга яқин, ҳам юқори шоирона кўтаринки руҳдаги портрет яратишга муваффақ бўлган. Мазкур картинани музейнинг дурдона асарлари рўйхатига киритиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам музей мавжуд иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа важларга қарамасдан (гарчи оз сонда ва режалаштирилмаган тартибда бўлсада) кўргазмаларда фаол иштирок этиб келаётган замонавий рассомларнинг асарларини харид қилиб, коллекция таркибини бойитиб бормоқда. Масалан, 2106 йилнинг ҳисоботларида Б.Ўлдошевнинг тарихий мавзудаги “Лой жанги”, Х.Халиловнинг Гилон тоғ манзаралари акс этган “Дўстлик кўчаси”(2012), “Ёз” (2014), “Суҳбат” (2013), “Қуёшли кун” (2014), “Шоҳи Зинда” (2014)¹⁴⁰ манзараларидан иборат жами 12 иши харид қилинган ва 1 иши муаллиф томонидан совға қилинган, М.Расуловнинг “Саҳрода” (2009), “Осиё” (2011).

¹⁴⁰ Самарқанд Давлат музей-қуриқхонаси. Далолатнома. №24. 5.04.2016.

“Карвон” (2010), “Сароб” (2011)¹⁴¹, Ж.Абдурауфовнинг “Тоғдаги кўл” (1987), “Қирмизи тоғлар” (1982), “Хазонрезгилик” (2014)¹⁴² каби манзараларини харид килинганлиги қайд этилган. Улар миллий ўзига хослик изланишларида анъанавий меросни тимсолий ташбеҳли усуллар орқали ёритишда шахсий, бетакрор овозини бадий оламда белгилаб олган рассомлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки музейнинг фондларни ҳисобга олиш бўлими фаолияти белгиланган тартибда, маълумотлардан фойдаланиш учун қулай тарзда ташкил этилган. 2010 йилда музей биносининг кўчиши натижасида тартибсиз ҳолга келган коллекцияларни бош муҳофиз Ольга Васильевна Погорелова бошчилигида 50.000 дан ортиқ ашёни тиклаш, хужжатлаштириш тизимини такомиллаштиришга эришилди. Бугунги кунда ҳар бир китобнинг (кирим китоби, инвентар ва вақтинчалик сақлаш китоблари) алоҳида рангларга муқоваланганлиги, уларнинг темир сейфда сақланиши, маълумотларни, хусусан архив материалларни электрон шаклга ўтказиш ишлари олиб борилаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу музей ходимларининг, хусусан фондларни ҳисоб бўлими мудири Латипова Лола Ахтамовнанинг малакали иш фаолияти ва жонқуярлиги маҳсулидир.

Бугунги кунда музей экспозиция залида мавжуд коллекциялардан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон дунё цивилизацияси чорраҳасида”, “Ўзбекистон халқларининг анъанавий либоси”, “Ўзбекистон халқларининг миллий каштачилиги”, “Бадий металл” ва “XX аср рангтасвири” кўргазмалари фаолият юритмоқда. Доимий экспозициялар орасида Самарқанд музейининг рангтасвир бўлими экспозицияси тор доирада, бир томонлама бўлиб қолганлигини белгилаш ўринлидир. Буни икки омил билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, экспозиция маконининг мўжазлиги, иккинчидан, узоқ йиллар давомида экспозиция фаолияти мафкуравий ғояларга асослангани ва музей

¹⁴¹ Самарқанд давлат музей-қуриқхонаси. Далолатнома. №40. 08.07.2016.

¹⁴² Самарқанд давлат музей-қуриқхонаси. Далолатнома. №47. 08.08.2016.

ходимлари бу тизимдан ҳамон чиқиб кета олмагани. Зеро, томошабинга тақдим этилган картиналарни кузатар эканмиз у ерда манзара, натюрморт, портрет каби реализмдаги изланишларни ҳамда узоқ йиллар давомида анъанага айланиб қолган номларни кўриш мумкин (П.Беньков “Шохи Зиндадаги рассомлар”, В.Уфимцев “Ёз гуллари”, О.Татевосьян “Қиз портрети”, М.Аветов “Чойхонада”, Л.Буре “Тандир яшаш” ва х.к.).

Ижтимоий-маданий ўзгаришлар, экспозиция масалаларига янгича ёндашув талаблари, комплектация жараёнида бадий мезонларнинг янгиланиши шароитларида ҳам Самарқанд музейидаги рангтасвир экспозицияси тор доирада, бир томонлама бўлиб қолганини белгилаш ўринлидир. Буни узоқ йиллар давомида экспозиция фаолияти мафкуравий ғояларга асослангани ва музей ходимлари бу тизимдан ҳамон чиқиб кета олмагани билан изоҳлаш мумкин. Зеро, экспозицияда манзара, натюрморт, портрет каби реализмдаги изланишларни ҳамда узоқ йиллар давомида анъанага айланиб қолган номларни кўриш мумкин (П.Беньков “Шохи Зиндадаги рассомлар”, В.Уфимцев “Ёз гуллари”, О.Татевосьян “Қиз портрети”, М.Аветов “Чойхонада”, Л.Буре “Тандир яшаш” ва х.к.).

Самарқанд музейидаги коллекциянинг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллардан бири мустақилликка қадар йиғув-тўплов ишларининг мафкуравий ғоялар, оммавий тарғибот режалари билан боғлиқлигидир. Тўплам таркибига асосан кўرғазмаларда номи алоҳида таъкидланган асарлар, номдор рассомларнинг ишлари қабул қилингани сабабли даврдаги бадий жараёнларни бир томонлама акс эттирган. Шу сабабли, давр мафкурасига тўғри келмаган ишлар тўплам таркибига киритилмаган ва буни харид комиссияси ҳал қилган. Эҳтимол, Тошкентдаги санъат музейи коллекциясида авангард асарлари мавжудлигини унинг биринчи раҳбари А.Волков бўлганлиги, Нукусдаги рангтасвир захирасидаги ўзбек ва рус модернизмни И.В.Савицкийнинг дадил комплектация стратегияси билан изоҳлаш мумкиндир. Коллекцияда А.Крикис, А.Исаев, М.Самадов,

Р.Усеинов, А.Темиров, Н.Калонов каби XX асрнинг сўнгги чорагида миллий рангтасвир сафига қўшилган рассомларнинг фалсафий мушоҳада, шакл ва чизиклар ўйини, бетакрор композиция, пластика ва ранглар ечимига тўла картиналари мавжуд, афсуски уларни экспозиция маконида кўрмаймиз. Йирик рассомлар томонидан шаклланган Самарқанд бадиий мактабининг давомчилари сифатида бой миллий кадриятларга таяниш асосида турли ижодий услуб ва дастхатни шакллантиришга интилиш уларнинг ижодий изланишларига ўзига хослик бағишлаган. Уларнинг ижоди замонавий Самарқанд рангтасвирини намоён этганлиги сабабли ҳар қандай томошабин учун экспозицияда кўриш қизиқарлидир.

§3.2. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи рангтасвир коллекцияси шаклланишидаги хусусиятлар

Жаҳон матбуоти ва мутахассисларнинг эътирофига кўра¹⁴³ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи жаҳон музейлари орасида энг ажойиб ва уникал коллекцияга эга масканлардан бири саналади. Нукус музейи – бу милoddan аввалги III асрдан то бугунги кунга қадар қорақалпоқ халқининг амалий санъати, Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида истиқомот қилувчи этник халқларнинг маданияти ва албатта, XX аср рус, ўзбек авангарди, Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон тасвирий санъатини бир ерга жамловчи, сақловчи ҳамда намоёниш этувчи уникал ҳазинадир. Бугунги кунда музей тўпламларида юз мингга яқин бадиий асарлар мавжуд бўлиб, улардан эллик мингтаси Ўзбекистон тасвирий санъати билан боғлиқ намуналарни ташкил этади. Исталган тадқиқотчи XX аср бошлари модернизм ёки ўзбек авангарди ҳақида мулоҳаза юритар экан мазкур коллекциядаги асарларни четлаб ўта олмайди. Шу сабабли музей коллекцияси ва архивидан фойдаланувчи Россия, Ғарбий Европа

¹⁴³ *Amelia Gentleman. «Savitsky's secret Hoard». The Guardian, January 1, 2001*

ва АҚШ мамлакатларидан мутахассис, тадқиқотчилар оқими тобора кенгайиб бормоқда. И.В.Савицкий рангтасвир бўлимининг комплектацияси жараёнида монографик принципда иш олиб боргани, “Ўзбекистон изофронти” авангарди вакилларининг рангтасвир, графика, қоралама ва эскизларига қадар тўплагани бугунги кунда уникал бадиий жараёни кенг қамровда тадқиқ этиш, ретроспектив кўргазмалар ташкил этиш, монография ва каталоглар чоп этиш имконини бермоқда.

Нукус музейининг “Тасвирий санъат” тўплами рус, совет, ўзбек ва қорақалпоқ рангтасвири билан аралаш ҳолда эллик мингга яқин асарлар жамланмасидан иборат. Комплектация жараёнининг илк йиллариданоқ И.В.Савицкийнинг монографик методда тўплов ишларини олиб бориши натижасида XX аср биринчи чораги ўзбек авангарди вакилларининг рангтасвир, графика, қоралама ва эскизларига қадар бадиий мероси сақланиб қолган. 1920-1930 йиллар ўзбек авангарди экспозицияси тадқиқотчиларни мазкур феноменга эътиборини қаратди, қайта қуриш даври ва мустақиллик даври рассомлари ижодида ранг-баранг услубий-бадиий, композицион-пластик изланишларга сабаб бўлди. Коллекциядаги асарларда Туркистон заминига қадам босган рассомларнинг тез тарқалувчан юкумли касаллик каби ёрқин ранглар гаммасига “бетоб” бўлганини, матода бўёқларнинг чексиз ўйинини акс эттиришга интилганини кўриш мумкин.

Жаҳонда “Шарқ жавоҳири”, “Саҳродаги Лувр” сифатида ном қозонган музейнинг ҳаётида И.В.Савицкийнинг (1915-1984 йй.) ҳиссаси бекиёс. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Москвадаги В.И.Суриков бадиий институти билан Самарқандга кўчирилган рассом илк маротаба Ўрта Осиё халқи маданияти билан танишишга мушарраф бўлади. 1950 йилларда у Ўзбекистонга қайтиб келади ва С.П.Толстой бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси таркибида ишлай бошлайди. Игор Савицкий ва унинг гуруҳи тез орада қорақалпоқларнинг бебаҳо, ўзига хос маданияти ва санъатини кашф этишади. Экспедиция натижалари ҳамда ЎзФА Қорақалпоғистон филиалида ишлаш

жараёнида халқ амалий санъатига оид уникал коллекция тўпланади ҳамда рассомнинг сайи ҳаракатлари натижасида бу намуналарни сақлаб қолиш мақсади пайдо бўлади. Бу мақсад Игор Савицкийнинг инқилоб йилларидан сўнг оиласи билан содир бўлган аянчли воқеалар ва ўзи доимо таъкидлайдиган рус маданиятининг йўқ бўлиб кетиши хотиралари билан ҳам боғлиқ эди. Натижада, рассом ўзига қадрдон бўлиб қолган халқларнинг миллий маданияти изсиз йўқолишига йўл қўймасликка қаратилган аҳди музей яралишининг бош омили бўлади.

Савицкийнинг музей яратиш ғоясида экспедиция пайтида танишишга мушарраф бўлган этнограф олима, фан ва маданият фидойиси Татьяна Александровна Жданконинг аҳамияти ва таъсири улкан. Рассом “музейнинг онаси – Т.А.Жданко” деб ёзади ўзининг мактубларидан бирида. Айнан у қорақалпоқ каби иқтидорли халқнинг ноёб бадий меросини музей коллекциясига айлантириш ғоясини рассом идрокига сингдиради. И.Савицкий музейнинг отаси сифатида ҳақли равишда олим Марат Коптлеулович Нурмухаммедовни ¹⁴⁴ алоҳида эътироф этади. Мазкур ажойиб инсон рассомни ҳар томонлама қўллаб қувватлаб, ҳар қандай вазиятда дўстликни сақлаб қолган шахс сифатида таърифланади ¹⁴⁵.

Узоқ йиллик ҳукуматга мурожатлар ва ҳаракатлар натижасида 1966 йилда музей ташкил этилади. Дастлабки тадқиқотчилик фаолиятини қорақалпоқ археологияси ва этнографияси намуналарини тўплашга қаратган Савицкий музей ташкил этилганидан сўнг унинг экспозицияларида нафақат маҳаллий халқ маданиятининг тарихий ривожини, шунингдек республикадаги замонавий санъатни ҳам намойиш этишни мақсад қилади. Бу вақтда москвалик рассомларнинг музейнинг ташкил этилиши хушхабарига ҳадя қилган асарлари, Москва маданият Вазирлиги ҳамда Тошкент Бадий кўргазмалар дирекцияси

¹⁴⁴ М.К.Нурмухаммедовнинг сайи ҳаракатлари ва қўллаб қувватлаши сабабли И.Савицкий амалий санъат лабораториясини ташкил этишга муваффақ бўлади. Айнан мазкур лаборатория кейинчалик санъатшунослик секторига айланиб, унда тўпланган коллекциялар асосида 1966 йилда Нукус музейи очилади. (Баба Назарова М. Игор Савицкий: художник, собиратель, основатель музея. 24 с.)

¹⁴⁵ *Гаргутина С.* История одного музея. Искусство. 9/1989. – Москва. С. 11.

томонидан ўтказилган экспонатлар коллекцияга замин яратган эди. Аммо, тасодифий тўплам шакли табиийки Савицкийни кониктирмади. Мутахассислиги рассом бўлган И.Савицкий шаклланиш жараёнидаги қорақалпоқ бадиий мактабига мустаҳкам таянч, унинг кейинги ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи идеаллар лозимлигини тушуниб етади ва музейни республикадаги бадиий ҳаётнинг марказига айлантириш фикри туғилади. Шунингдек, Савицкийнинг сўзларига кўра “бир томондан рассом ва томошабинлар қизиқишини қондирувчи, иккинчи томонда эса бошқа музейлар орасида унинг индивидуаллигини таъминловчи коллекцияни яратиш учун музей қай тарзда тўплов ишларини олиб бориши керак деган савол долзарб эди”¹⁴⁶. Тасодифан рассомнинг қўлига «Совет Ўзбекистони санъати» бадиий каталоги қўлига тушиб қолади. Унда ўзбек рангтасвири шаклланишини белгилаб берган рассомларнинг фотосуратлари ўрин олган ва кўргазманинг асосий воқеаси А.Волковнинг “Анорли чойхона” асари репродукцияси тақдим этилган эди. Қизиғи шундаки бу пайтга қадар рассом А.Волковнинг кубофутуризмдаги изланишлари ҳақида мутлоқ беҳабар эди. И.Савицкий шу тарзда 1920-1930 йиллардаги шаклий-пластик тажрибаларга бой даврни ўргана бошлайди. Бу жараёнда рассом Ўзбекистон тасвирий санъатининг шаклланиш босқичини қорақалпоқ рассомларига кўрсатиш ғоясини асосли деб топади ва бу музейнинг кейинги комплектация концепциясини белгилаб берувчи бош омил бўлиб хизмат қилади. Музей очилган йилнинг ўзидаёқ у Тошкентга отланади ва 1920-1930 йиллар тасвирий санъати “экспедициясини” бошлаб юборади.

Тасвирий санъат тўпламига оид комплектация ишларини рассом Ўзбекистон рангтасвири бошида турган, Ғарб малакаси ва Шарқ анъаналарини ўз ижодида маҳорат билан қўллаб, уникал бадиий мактаб яратган катта авлод вакиллари асарларини топишдан бошлади. Эътиборли жиҳати шундаки, у А.Волков,

¹⁴⁶ *Бабангарова М.* Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house” – Лондон, 2011 – Б. 52.

А.Николаев (Усто Мўмин), В.Уфимцев, В.Рождественский, М.Курзин, Е.Коровай, Н.Кашина ва Ў.Тансиқбоевларнинг сўнги ўн йилликлардаги ижодини акс эттирувчи асарларига қизиқиш билдирмади. Балки, соцреализм субҳида бадий жароъдан ўчириб ташланган авангард руҳидаги бадий-ифодавий изланишлар акс этган асарларни рассом устахоналари бурчакларидан кидира бошлади.

И.В.Савицкийнинг ноёб бадий диди ва бадий ижоднинг ҳақиқий баҳосини кадрловчи шахс сифатидаги фазилатлари коллекциянинг уникал мажмуига сабаб бўлади. Коллекциянинг шаклланиши асосига музей эътиборига тушган рассом ижодининг барча қирраларини очиб берувчи ишларни максимал тарзда тўплаш мақсади қўйилади. Дастлаб Игор Витальевич Шарк ва Марказий Осиё билан бевосита боғлиқ (А.Исупов, Л.Крамаренко, Н.Ульянов, Р.Фальк, М.Волошин) ва унинг мактаблари шаклланиши бошида турган рассомлар (Р.Мазель, А.Волков, М.Курзин, Н.Карахан, У.Тансықбаев, В.Уфимцев, П.Беньков ва бошқалар) ижодидан намуналар тўплай бошлади. Кейинчалик у тўплам мажмуи доирасини кенгайтирди ва 1920-1930 йилларда рус авангардининг илк намояндалари ижоди (Л.Бакулина, П.Кузнецов, В.Рождественский, Д.Бурлюк, К.Редько, А.Осьмеркин, Л.Попова, Р.Фальк, А.Шевченко, Д.Штеренберг ва бошқалар) коллекция таркибини бойитди. Уларнинг аксарияти шаклланиб келаётган ўзбек рангтасвирига рус ва европа санъати анъаналари ҳамда давр маданияти руҳиятини олиб кирган эдилар. Зеро, ўзбек авангардини рус модернизм фонида, уларни битта экспозиция майдонида кўриш орқали 1920-1930 йиллар бадий ҳаётида содир бўлган шаклий-пластик, ранглар ифодавийлигидаги кашфиётларни чуқурроқ ҳис этиш мумкин.

Бир томондан И.Савицкий ўз мақсадини сиёсий тузум таъқибига учраган, формализмда айбланиб ман этилган замонавий тасвирий санъат асарларини совет ҳукумати назаридан четда бўлган Нукус музейида тўплаш ва сақлаб қолишга қаратган эди. “Халқ душман”лари каторига тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган

даврда бу ҳаракат фидокорона жасорат билан тенг эди. Икки йиллик тинимсиз тўплов фаолияти сабабли салмоқли тўплам шаклланди ва 1968 йилда Москвадаги Шарқ халклари санъати музейида коллекциянинг илк намоиши бўлиб ўтди. А.Чегодаев, Д.Сарабьянов, В.Костин каби даврнинг йирик санъатшунос танқидчилари томонидан “Нукус – ажойиб бадиий марказ”, тўпланган коллекция эса “унутилган маданият қайтишининг бошланиш нуқтаси” дея таъриф берилади. Тез орада “совет санъатининг хориждаги исталган йирик кўргазмаси Савицкий коллекциясидаги бадиий асарларсиз ўтмай қолди”¹⁴⁷.

А.Волков, Н.Карахан, В.Уфимцев, В.Рождественский, М.Курзин, Н.Кашина, Е.Коровай каби рассомларнинг асарлари тез орада музей хазинасига келиб тушиб, экспозиция залларида ғаройиб тарзда бир-бирини тўлдира бошлади. Мазкур жамоа энди шаклланиб бораётган миллий рангтасвиридаги мураккабликларни энгиб ўтиб, ўз изланишлари билан уникал бадиий мактабнинг яралишига ва жаҳон миқёсига чиқа олишига эришган эди. 1920-1930 йиллар рангтасвирини кенг қамровда жамлай олганлиги музейнинг специфик хусусиятини белгилаб берди ва келгуси тарих учун Ўзбекистон рангтасвирида катта авлод вакиллари ижодида муҳим босқич бўлган даври, композицион-пластик тажрибалари ҳақида батафсил тасаввур қила олиш имконини беради. Айнан Савицкийнинг авлиёларча фидойилиги, Марказий Осиёнинг уникал маданиятига тегишли бўлган барча ашёларни ишқибозларга хос “савдойилик” билан Нукус музейига жамлаши оқибатида XX аср бошлари авангардига қизиқиш қайта уйғонди. Унутилган исмлар, хатлаб ўтишга ҳаракат қилинган асарлар санъатшунослар томонидан қайта тилга олина бошлади. Мазкур жараёнини ўрганувчи мақолалардан бири “20 йилларда деярли эътиборга олинмаган, 30 йилларнинг охирларида ҳўрланган ва танқид остига олинган, қамалган ёки сургун этилган, илиқлик даврида ярим оқланган, турғунлик вақтларида ярим ўрганилган ва

¹⁴⁷ Бабажанзарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house” – Лондон. 2011. – Б. 27.

ниҳоят қайта қуриш даврида тақлид намунаси сифатида улуғланган “Ўрта Осиё авангарди” рассомлари бугунги кунда урфга кирди”¹⁴⁸ дея бошланиши фикримиз исботидир.

И.Савицкий жуда қисқа муддатда (10-15 йил оралиғида) совет тасвирий санъатидаги тақиқланган авангард ва авангарддан сўнг кечган бадиий жараёнларни намойиш этувчи катта сондаги коллекцияни тўплашга муваффақ бўлди. Жаҳон музейларининг шаклланиш тарихи билан таққослаганда бу мисли кўрилмаган воқеадир. Рассом тасвирий санъат асарларини тўплаш жараёнида ўзи учун кашф этган бадиий жараёнга “тургунликка қарши бўлган, доимий изланишлар, янги ғоялар ва мукамалликка интилган, олдинга қараб шиддат билан ҳаракатланувчи санъат”¹⁴⁹ дея таъриф беради. Тўпламни шакллантириш йўлида И.Савицкий унга фаол ёрдам берган рассомлар З.Комиссаренко, М.Горчилина каби бир қатор инсонларни ёдга олади¹⁵⁰.

Коллекцияни тўплаш жараёни рассом учун энгил бўлмаган. Баъзан рассомлар ёки уларнинг меросхўрлари Савицкийнинг ташрифи мақсадидан қувониб, ҳайрихоҳлик билдиришган, баъзан эса кўркув билан муносабатда бўлишган. Рассомнинг ўзи комплектация жараёнларини эртак каби хотирлайди. Масалан, И.В.Савицкий даврнинг кўзга кўринган йирик рассомларидан бири Ўрол Тансиқбоев устахонасига 1968 йилдаги зиёрати ҳақида шундай ёзади: “Ўша кундаги ва кейинги кунларда бошдан кечирган таассуротларим мен учун шу қадар улкан эдики, узоқ вақт ўзимга келолмас, содир бўлаётганлар туш ёки ўнглигига ишонмасдим. Бўлаётган воқеалар ақл бовар қилмас даражада ҳайратланарли ва қандайдир рўё каби эди. ... Шу куни мен илк бор рассомнинг мутлоқ номаълум ижод бўлагини кўрдим, эҳтимол 20 йилларнинг охирилари ва 30 йиллар бошидаги илк ишлари биз учун рассомнинг энг қадрли асарларидир. Ногаҳон мен даҳоларча

¹⁴⁸ Ҳутович Б. В. Понсках имени собственного (Среднеазиатский авангард в 20-е годы и в наши дни). KURAK. №1, 2007. С.54.

¹⁴⁹ Урал Тансиқбоев: Воспоминания, документы : [Сборник / Сост. М. В. Мюнц и др.]. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1988. – С. 69.

¹⁵⁰ Венюк Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В.Савицкого. Нукус, Частные собр.: [Ильдар Галеев, сост., текст. библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – С. 22.

шиддат билан яратилган оламга тушиб қолдим”¹⁵¹. Ўрол Тансиқбоев дастлаб рассомнинг гоёларини эшитиб, барча стеллаж, сандиқларни очиб беради ва асарларни танлаш имкониятини Савицкийнинг ўзига топширади. Ҳаттоки, уларни нархлашда ҳам эркинлик яратиб, музей имкониятидан келиб чиққан ҳолда арзон баҳоланишига ҳам қаршилиқ кўрсатмайди. Бироқ, дастлабки ҳайрихоҳлик бир оздан сўнг иккиланишга алмашади ва Ў.Тансиқбоев учун бу асарларни Нукус музейига бериб юбориш қийин кечади. Уч кун давомида ҳассос коллекционернинг ички туйғулари ҳамда ҳайрати асосида танланган рангтасвир, графика асарлари кейинчалик тўпламдаги Ў.Тансиқбоев ижоди ядросини ташкил этади ва ҳеч қайси музейда учрамайдиган модернистик изланишларини намоиш этади.

“Музей бошқа музейларда йўқ бўлган хазинанинг эгаси бўлиб борарди”¹⁵² деб ёзади Игор Витальевич. “Агар Москвада биз кўп ҳолларда омадсизликка учраган бўлсак, Ўзбекистонда монополистларга айланган эдик. Ҳали ҳеч ким 1920-30 йиллар санъатига мансуб бундай кўламдаги ишларни амалга оширмаганди. Тўғри, А.Волков ва А.Николаев каламига тегишли графика ишларнинг бир қисми архивга топширилди, А.Волковнинг илк ишларидан бир қисми Москвага сотиб юборилди. М.Курзин ва В.Лысенконинг ишлари ҳалокатга учраган ёки устахоналарда сақланарди. Гарчи музейнинг моддий имкониятлари чекланган бўлсада, Ўзбекистон рассомлари томонидан яратилган асарларнинг ноёб коллекциясини жамлашга муваффақ бўлдик”¹⁵³. Рассомлардан картиналарни сотиб олиш, марҳум ижодкорларнинг меросхўрлари томонидан асарларни баҳоланиши ва уларга ҳақ тўланиш жараёнида ҳам Савицкийнинг фидокорона ва оқилона иш режасини кузатиш мумкин. Тез фурсатда бу каби катта коллекцияни тўплашда табиийки давлат

¹⁵¹ Урал Тансиқбаев: Воспоминания, документы : [Сборник / Сост. М. В. Мюнц и др.]. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1988. – С. 69.

¹⁵² Там же – С. 69.

¹⁵³ Венюк Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В. Савицкого, Нукус. Частные собр.: [Ильдар Галеев, сост., текст, библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – С. 21.

бюджетидаги молиялаштириш маблағи етмас эди. Шу сабабли, рассом кўп ҳолларда асарларни қарзга, тилхат эвазига олиб кетар ва шу тарзда уникал бадиий мероснинг четга чиқиб кетиши ёки йўқ бўлишидан асраб қоларди.

Музей архивида бюджет сметасидан ошиб кетган И.Савицкий томонидан имзоланган харид қарорлари ва хатлари сақланмоқда. Музейга узоқ вақт давомида раҳбарлик қилган Мариника Бабаназарова бу жараёнга қуйидагича таъриф беради: “И.Савицкий кўпинча оилаларга “Сизга шунча пул қарздорман. Игор Савицкий” дея тилхат ёзиб қолдирар, рулон-рулон картиналарни қўлтиқлаб кетарди. 1984 йилда, рассом умри охирида, унинг қарзи 1,5 миллион рублни ташкил этган ва яна узоқ вақт йиллар музей ходимлари ана шуни узиб юрган. Рассомларнинг нева-чеваралари келиб, ҳаққини талаб қилган пайтлар бўлар эди. Масалан, яқинда таниқли мўйқалам соҳиби Александр Шевченконинг эвараси келди. Лекин биз ҳар бир расм учун аввал тўлаб қўйганмиз, бирор бир асарни мусодара қилган эмасмиз. Бугунги нархлар билан қийёслаганда қанчалик кулгили ва арзимас бўлмасин, келишилган ҳақ эди. Ўша дамларда бу расмлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди ва Савицкий уларни харид қилиш орқали аслида оилаларга ёрдам бераётган эди. Биргина муаммо – қарз қисмлаб узилди ва бунга анча йиллар кетди”¹⁵⁴.

Савицкий музейни бойитиш ва тўпланган коллекцияларни намойиш этишга катта куч сарфласада, бироқ уларни ҳисобга киритиб тўпламларни тартибга солиш ишларини иккинчи даражали деб ҳисоблаган. Шу сабабли, рассомнинг ўлиmidан сўнг музей коллекцияларни рўйхатга олиш ишлари билан ўн йил давомида шуғулланишига тўғри келди.¹⁵⁵

Комплектация жараёнининг илк йиллариданоқ И.В.Савицкий коллекция тўплашнинг ўзига хос методини ишлаб чиқди. Бу тизим мазкур даврдаги музейларнинг йиғув-тўплов

¹⁵⁴ М.Бабаназарованинг “Америка овози ТВ” га берган интервьюсидан. Вашингтон.

¹⁵⁵ Венок Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В.Савицкого, Нукус. Частные собр.; [Ильдар Галеев, сост., текст, библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – С.37.

узулига кескин қарама-қарши эди. Собик иттифоқнинг янги ташкил этилган бадий музейларига “мўжаз третьяковкалар” тизимида фаолият олиб бориш урфга кирган бўлса, Савицкий монографик тизимда иш олиб боришни энг макбул усул деб топди. Унга кўра рассом, рассомлар гуруҳи, бадий йўналиш ёки мактаб нафақат етук асарлар ва графика ишлари билан, балки нисбатан эрта ишлар ёки таёрлов материаллари – қоралама, хомакни расм кабилар билан акс этиши лозим эди. Бу ёндашув орқали муайян рассом ижоди ривожини барча изланишлар ҳамда тажрибалари билан кузатиш мумкин бўлган¹⁵⁶. Айнан монографик принцип коллекцияга уникаллик бағишлаб, мутахассислар томонидан доимий равишда эътироф этилувчи қизиқарлилик ва ноёблик сифатини бағишлади.

Музей коллекциясида А.Н.Волковнинг юздан ортиқ иши сақланмоқда ва улар “Анорли чойхона устаси” қаламига мансуб асарларнинг энг катта жамланмаси бўлиб, музейнинг доимий экспозициясидан ўрин олган.¹⁵⁷ Бу жамланма рассом ижодидаги асосий босқичларни монография принципида хронологик тарзда кўриб чиқиш имконини берувчи дастлабки авангард изланишлари, 1930 йиллардаги саноат ишлаб чиқариши ва меҳнаткашлар акс этган асарлари, 1940 йиллардаги Ўзбекистоннинг лирик манзаралари ҳамда 1950 йилларга оид чуқур реализмга эга портретларини ўз ичига олган. “Арава” асарида фаол шаклларнинг такрорланиши, ёрқин учбурчакларнинг турли бурчакларга оғиши ҳаракат ва ритмни ҳосил қилади. Гарчи тасвир ва ранглар ўта шартли, абстрактга жуда яқин бўлсада персонажлар хорғин кайфияти, араванинг сокин ҳаракати, яшил дала, мовий тоғларни ҳис этиш мумкин.

1932 йил Н.Кашинанинг шахсий кўرғазмасида (Самарқанд) рассомнинг Ўзбекистондан олган илк таассуротлари, хусусан ранг-баранг ижодий концепцияларга эга рассомлар жамоаси

¹⁵⁶ Бабаазарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”. – Лондон. 2011. – Б.56.

¹⁵⁷ Қим В. А.Н.Волков ижодида халқона мавзулар талқини (И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи коллекцияси мисолида). Сан’ат. №1. 2017. – С. 18.

таъсиридаги ижодий импульс натижасида яратилган уникал бадий-ифодавий изланишларга эга асарлари намоишга қўйилган эди. Бироқ, кўргазма муҳокамасида ёш рассом бошқалар каби “экзотика кетидан қувиш” ҳамда формализмда айбланади ва оқибатда Н.Кашина кўргазмага тақдим этган аксарият ишларини йўқ қилиб ташлайди. Сақланиб қолган санокли асарлар И.Савицкийнинг саъйи ҳаракатлари билан музей коллекциясига таркибига қўшилади. Коллекцияда рассомнинг ранглар мажмуи ифодавийлиги, бўёқ суртмаларининг дадиллиги билан ҳайратга солувчи 1920-1930 йилларга мансуб ишларидан (“Шердор олдида”, 1928; “Фарзанд туғилиши”, 1929; “Болалар” 1929) то сўнгги ижодий даврига қадар (“Соябонли натюрморт”, 1943, инв№ 130) “Анорли натюрморт”, 1977, инв№ 1306; “Кунгабоқарлар”, инв№ 5394) изланишларидан иборат икки юзга яқин асарлари мавжуд. Улардан ўттиз еттитаси мусаввиранинг ўзидан харид қилинган бўлса, бир юз йгирмадан ортиқ ишлари турмуш ўртоғи Герасимов томонидан Н.Кашинанинг ўлиmidан сўнг ҳадя қилинган.

Коллекцияда А.Николаевнинг (Усто Мўмин) фақат 1920-1930 йилларга мансуб ишлари ўрин олган. Уларда ўрта асрлар Шарқ шеърляти ва фалсафасига таянган рассомнинг миллий рангтасвирда яратган ўзига хос бадий концепцияси ёрқин намоён бўлган. Рассом бу даврда асосан эмулсияли темпера билан ишлаганлиги сабабли аксарият ишлари мўжаз ўлчамларда шу техникада бажарилган (“Ёш ўзбек портрети. Суфий” инв№ 3044; “Ўзбек дутор билан”, 1923, инв№ 3046; “Мўйна телпакли бола”, 1924, инв№ 5115). Бу асарларда А.Николаевнинг Шарқ миниатюриси, Италия Ренессанси ва қадим рус санамнавислиги ўзаро қоришиб кетган ёзув услуби акс этади.

Ўрол Тансиқбоевнинг 1930-1940 йиллардаги услубий ва ранг борасидаги изланишларини, хусусан портретлардаги ғайриоддий ижодий кўтаринки кайфиятини музей коллекцияси орқали ўрганиш мумкин. А.Тошкенбоев портретидан бошлаб то 1930 йилларнинг ўрталарига қадар Ў.Тансиқбоев жадал суратда

XIX аср охирлари ва XX аср европа рангтасиридаги барча асосий йўналишларни босиб ўтган¹⁵⁸ ҳамда портрет жанрига мурожаат қилар экан образ ва техника устида кўп изланишлар олиб борган. Унинг турли даврларда яратилган неопримитивизм руҳидаги “Сариқ фондаги ўзбек портрети” (1934) “Ўзбек. Самарқанд” (1934), “Қозоқ аёли” асарлари, шунингдек импрессионизм, дивизионизм ва экспрессионизмга хос автопортретлари (1931, 1932 ва 1935 йй.) бунга мисолдир. Уларнинг аксарият қисми Нукус музейида сақланиши коллекциянинг аҳамиятини янада оширади. Ўзбек портретида рассом инсон қиёфасини кучли соддалаштириш, умумлашма чизгиларни бўрттириш орқали портрет-тип яратади. Шу сабабли ҳам уларни анъанавий тушунчадаги портрет деб аташ баҳсли мулоҳазадир. “Сариқ фондаги ўзбек портрети” шакл, ранг, контур ва фоннинг ўзаро зиддияти асосига қурилган. Қуёшли ўлкани англатувчи ёрқин сариқ рангдаги фонда офтобдан қорайган миллий типдаги ўзбек қиёфаси ён томондан берилган. Композициядаги ранг ва шакллар қурилишидаги мувозанатнинг ушалиши, оламни маҳобатли эпик қабул қилиш маҳоратли рассом малакасини намоён этса, тасвирланувчининг юз қиёфаси, либосдаги безаклар, айниқса фондаги дарахт ва нақшинкор хошиялар болаларча ижодкорликдан дарак беради. Санъатшунос Н.Р.Ахмедова таъкидлаганидек бу ерда энг асосийси миллий идрок қаридан келувчи образ-белги ва тимсоллардир.

Бадий тилнинг доимий равишда ўз-ўзини янгилаб туриши авангардга хос жараёндир. Бунга коллекциядан ўрин олган Ў.Тансиқбоевнинг 1935 йилда яратилган икки хил рангтасвир ечимига эга автопортретларини қиёслаш орқали гувоҳ бўлиш мумкин. Биринчи автопортретда ёш рассомнинг импрессионизмда ёрқин бўёқлар орқали қуёш нурларига тўла табиат қўйнида, у билан уйғун ҳолатдаги ифодаси намоён бўлган бўлса, иккинчи автопортретда рассомнинг авангард йўлидаги изланишлари акс этган. Рассом ўзини англаш орқали шаклий-услубий тажрибалар қўллашда дадиллик кўрсатган. Қалин ва кескин бўёқ суртмалари,

¹⁵⁸ Ахмедова Н. Художник – эпоха – история. Сан’ат. №2. 2004. – С.21.

қовоқ остидан қатъият билан тикилиб турган кўзлар, артистларга хос намоишкорона гавда ҳолати - буларнинг барчаси экспрессив шакллар ёрдамида ижодкор шахсиятини англаб етишга, ўзига хос оламни томошабинга намоиш этишга уринишдир.

Коллекциядаги қизиқарли бадий ечимга эга портрет-типлар галереясига А.Подковыровнинг “Кўрбоши” (баъзи манбаларда “Босмачи” деб келтирилади, 1933) асарини ҳам киритиш мумкин. Портретда шакл қурилишидаги умумийлик ва колорит масалаларга катта аҳамият қаратган рассомнинг қаҳрамонлари бироз рамзий ва услублашган ҳолда намоён бўлади. “Кўрбоши” асари давр талаб этган мавзу асосида яратилган бўлса ҳам, ўзининг композиция ва мураккаб шакл қурилмаси, ранглар ечими билан киши эътиборини тортади. Кўрбошининг қалин қовоқлари орасидан кўриниб турган қисик кўзли юз қиёфаси гўёки ҳайкалтарошлик хом ашёсидан бўртма асар сингари ясалгандек, ҳажмдор, аниқ пластик чизиқлар орқали тасвирланган. Рассом умумлашма шакллар ва бир-бирига зид безакдор қизил, жигарранг, оқ ва сариқ ранглар орқали кўрбошининг психологик ҳолатини очиб беришга интилади. Образнинг юз қиёфаси, соқол-мўйлови ва салласидаги бўртма айланма чизиқлар бўйин ва либосдаги текис вертикал ҳошиялар билан зиддият ҳосил қилади ҳамда қатъиятли, жаҳлдор ташқи кўриниш остида давр фожеасини бошдан кечирган инсон руҳиятини очиб беради. Образни ортиқча услублаштириш ва рамзийлаштириш орқали рассом асарга экспрессивлик, кучли ҳиссий таъсирчанлик бағишлайди.

Н.Караханнинг 850 дан ортиқ рангтасвир ва графика ишларини Нукус музейи коллекцияси таркибида кўриш мумкин. Уларнинг аксарият қисми 1920 йиллар охири 1930 йиллар рангтасвиридаги трансформациялар билан боғлиқ ишлар саналади. “Волков бригадаси”нинг аъзоси сифатида у ҳам миллий услубни, ўзига хос ифодавий образлар тилини топишга ҳаракат қилган. Н.Карахан бир хил кўринишдаги колхозчилар қиёфасини, ҳис-туйғуларини умумлаштириб, сеvimли услуби бўлган бурун ва қошларни геометриклаштиришдан тез-тез фойдаланади. Натижада

Н.Караханга хос иконографик қиёфалар типи шаклланади. Унинг асарларида тўйинган безакдор ранглар мажмуи, бир-бирига зид бўлган соф рангларнинг асар мавзуси билан ўзаро уйғунлиги бирламчи аҳамият касб этган (“Ишга чиқиш”, инв№ 10788; “Аёллар ишга кетишмоқда”, 1935, инв№ 110; “Пушти тоғлар”, инв№ 3239). А.Волков, А.Николаев (Усто Мўмин), О.Татевосьяндан фарқли равишда рассомни замонавий мавзулар, маҳобатли бадиий ифодавийлик, пластиканинг йирик масштаблари, ёрқин колорит қуввати жалб қилган.

Ўзбек авангардининг вакиллари орасида М.Курзин ҳамда унинг атрофидаги Е.Коровай, В.Уфимцев каби рассомларнинг ижоди бригададан ташқари ривожланган мустақил ва эркин ҳодисадир. Гарчи сиёсий тақиблар натижасида Курзиннинг услубий изланишлари акс этган асарларнинг сақланиб қолганлиги камёб ҳодиса бўлсада И.Савицкий 1966 йилдан то 1983 йилга қадар рассомнинг ўнлаб графика ва рангтаъсир ишларини топиб, коллекция сафига қўшишга муваффақ бўлган. М.Курзиннинг 1930 йиллар бошига мансуб гуашлари ўткир ифодавийлиги, бўёқ суртмаларининг дадиллиги, ранг ифодавийлиги ва таъсирчанлиги билан ажралса, 1950 йиллардаги ишларида эса реалист рассом сифатидаги изланишлари, ҳаёт ҳақида чуқур мушоҳада сезилиб туради (“Илиқлик”, инв№ 4662; “Раватстрой”, инв№ 4989№; “Тошкент атрофи”, инв№ 6935; “Чойхона”, инв№ Г-996; “Эскилик ва янгилик”, инв№ 1279). Тўпلامда рассомнинг 1945 йилдан то вафотига қадар бўлган ижоди кенг акс этади. Бу дарвда рассом кўплаб натюрморт ва портретлар яратади.

Музей коллекцияси ажойиб манзарачи ва портретчи рассом Елена Коровайнинг Ўрта Осиёда яратган услубий ранг-барангликка эга картиналари ва катта сондаги театр эскизларини намойиш этади. Кубофутуристлар ижодидан бевосита таъсирланган рассомнинг 1930 йилларга мансуб экспрессионизмдаги шакл ва ранг суртмаларига асосий ифодавийлик юклатилган услубий ранг-барангликка эга асарлари (“Бўёқчилар”, 1931-32, инв№ 3056; “Бухоролик аёллар. Тонг”,

1931-32, инв.№ 30552) ҳамда етук ижодий ишлари (“Қизим билан автопортрет”, 1938, инв.№ 4866; “Натюрморт қора елпигич билан”, инв.№ 5206) тўпламнинг ҳақиқий топилмасидир.

Санъатнинг чегараларидан чиқиш, бадий маконнинг гомогенлигининг бузилиши авангард санъатига хос омиллардан биридир. Бу жараёни маҳаллий халқнинг портрет-типларини ишлашда кучли услублаштириш йўлидан борган rassom В.Уфимцевнинг музейдаги асарларида кўриш мумкин. Тўпламда унинг дастлабки ижодий шаклланиш йилларидан (“Кўча”, 1920, инв.№ 804) то умрининг сўнгги йилига қадар бўлган (“Алвон куз”, 1963, инв.№ 28334; “Қовоқли натюрморт”, 1963, инв.№876) ўнлаб асарлари сақланади. Унинг 1924-1930 йиллар оралиғида ижодига бадий тил шартлилиги ва ранглар мажмуининг декоративлиги хос бўлиб, уларда rassom нафақат композицион-пластик тажрибалар қилган, шунингдек мойбўёқ, аппликация, қамишдан фойдаланиб техник экспериментларни ҳам қўллаб кўрган. Rassomнинг картонга гуаш ва сув бўёғида ишланган “Коса ушлаган қозоқ аёли” ёки “Чой ичаётган қозоқ” картиналари гўёки “Чой ичиш” асарига тайёлов босқичидир. Уларда авангард рангтасвирига хос шакллар умумлашмалиги, хажмсизлик, образни архаиклаштириш йўлидаги изланишларни кўриш мумкин.

Коллекциядаги асарлар орқали Ўзбекистон авангарди вакиллари ижодида Ғарбнинг илғор намояндаларига хос индивидуал ўхшашликдан йироқ, фигуративликдан тўлиқ воз кечилган намуналарини кузатмаймиз. Уларнинг образлари жамоавий дидларга намоёйишкорона қарши бўлган жанжали, низоли характерда бўлмаган. Ўзбекистонни “менинг ўлкам” деб атаган А.Волков ҳамда унинг замондошлари А.Подковыров, Н.Карахан, В.Уфимцев, Ў.Тансиқбоевнинг авангард рангтасвири образларида лирик шеърят, безакдорлик, rassomнинг атрофдаги шакл ва рангларга нисбатан мухаббат, образни архаиклаштиришга эътибори кузатилади.

И.В.Савицкий нафақат музей асосчиси, балки Қорақалпоқ заминининг дастлабки профессионал rassomларидан бири ҳамда

бир қатор маҳаллий рассомларнинг устози эди. Коллекцияда унинг асарлари ҳам кўп сонни ташкил этади ва уларнинг аксарият қисми 1950-1966 йилларга мансуб. Бу ерда унинг илк ижод йилларига оид “Венера билан натюрморт” (1945) ва “Мандолина билан натюрморт” ишларини кўриш мумкин. Уларга кулранг-кора, кўкиш-охра тонлари билан хиралаштирилган юмшоқ тонал рангтасвир хос бўлиб, ранглар гармонияси, омадли ҳал этилган композиция ечими ва планларнинг тўғри таҳлил этилганлиги И.Савицкийнинг профессионал бадий маҳоратни эгаллаб бораётган кадамларини намоён этади.

1942 йилда Москвадаги Суриков бадий институтининг Самарқандга эвакуацияси оқибатида рассом ҳам илк маротаба Марказий Осиё шаҳарлари билан танишади. Бу ерда у К.Н.Истомин, Р.Р.Фальк ва Н.П.Ульяновлар қўлида таҳсил олади ва табиийки, қуёшга бой табиат ҳамда устозларининг рангтасвир манераси унинг ижодига ўз таъсирини кўрсатади. “Москва ҳовлиси”, “Дарахтлар орасидаги уйлар”, “Москвадаги киш” каби манзараларда нур ва ҳавога тўйинганликни қўзатиш мумкин. Унинг 1950 йилларда ўлкага келиб Хоразм археология экспедицияси билан олиб борган фаолияти натижасида қорақалпоқ диёрининг ўзига хос тарихи, халқи ва маданиятини акс эттирувчи манзаралар дунёга келади. И.Савицкийни чин маънода қорақалпоқ манзара рангтасвири асосчиси деб аташ ўринлидир.¹⁵⁹ Унинг картиналарида табиат манзараси билан уйғунликда қадим ва ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар муҳрланган (“Аёз қалъа”, 1952, инв№ 3546; “Кўҳна Қирқ қизда”, 1953, инв№ 3551; “Қўй қирилган қалъа”, 1956, инв№ 1982).

Рассомнинг Хоразм ёдгорликлари ва Хива манзаралари акс этган картиналарида улғувор киёфасини йўқотмаган харобалар, қадимий масканларни кўриш мумкин. Уни вақт таъсирида ўзгариб боровчи табиат кўринишлари жалб этган. Куннинг турфа пайтларига бағишланган Қалъали Қир саройининг туркуми (1952-

¹⁵⁹ *Бабаназарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”.* – Лондон. 2011. – С.35.

1956 йй.), “Хива. Мадраса қаршисидаги майдон” (1959, инв№ 2354), “Хива. Биринчи нурлар” (1960, инв№ 501), “Кузги далалар” (1962, инв№4961) каби бир қатор манзараларидаги импрессионистларга хос ранглар мажмуи рассомнинг қанчалик рангтасвир усули ўзгарганлигидан далолат беради. Ёруғлик ва композициянинг муваффақиятли ечими, асосан таассуротга таянилган ранглар мажмуи ифодавийлиги И.Савицкий манзараларига қайтарилмас жозиба бағишлайди. Ўлчами жиҳатдан у қадар катта бўлмаган бу картиналар эпик ва маҳобатли ҳис этилади.

1956 йилдан то музей очилишига қадар И.Савицкий ижодини бевосита Нукус билан боғлаш мумкин ва бу йиллар рассомнинг ижодий етуклик даври бўлди. Уларда жадал суратда замонавий шаҳар қиёфасига кираётган Нукус манзараларини кузатиш мумкин (“Маданият Вазирлиги биноси қаршисидаги хиёбон”, 1958, инв№ 266; “Қайрағочлар”, 1958, инв№ 513). Қорақалпоқ табиатидаги жилосиз бўёқлар рассомни тинимсиз манзаралар устида ишлашига сабаб бўлди. Уларда асосан нур-соя ўйинлари, рефлекс ва ранг оҳангини кучайтиришга эътибор қаратилган, шакл моҳиятини очиш учун умумлашмаликдан фойдаланилган. Шунингдек, экспедиция билан бирга уюштирилган овулдан овулга бўлган саёҳатлар натижасида ҳар бир таассуротни муҳраб қолишга ҳаракат қилинган кичик ўлчамларда бўлса ҳам қуёш нурлари билан тўйинган, ҳаёт қувончига тўла маҳобатли ҳис этилувчи картиналар яратилган (“Қизил қир”, 1952; “Қават қалъа”, 1956; “Ёзги кун”, 1957; “Кегейли воҳасидаги далалар”, 1958 ва ҳ.к.).

Бирок, музей очилгандан сўнг И.В.Савицкий ижодий фаолиятини коллекцияларни тўлдириш фаолиятига алмаштиришга тўғри келди. Унинг 1966 йилдан сўнг ижодни тўхтатиб қўйишини санъатга маъсулият ва юқори жиддийлик билан қарагани сабаб деб изоҳлаш мумкин. Зеро, рассом ўз қарорига “...рангтасвир билан иш

орасида шуғулланиш мумкин эмас”¹⁶⁰ дея таъриф берган. П.Пикассо 1930 йилларда ўзига “Моҳиятан рассом ўзи ким?” деган саволга берган жавоби Савицкийнинг танловини изоҳласа керак: “Рассом - ўзи учун коллекция яратмокчи бўлган коллекционердир ва ўзи ҳам ўзгаларда ёқтиргани каби картиналар яратувчисидир. Бошида бу шундай, бироқ кейинчалик бу бошқа нарсага айланиб боради”¹⁶¹. Игор Савицкийнинг илмий-тадқиқотчиликка тенг коллекционерлик фаолиятини ўзи яратган “XX аср рус ва ўзбек авангарди” номли уникал тўпламдан иборат улкан “картина” орқали кўриш мумкин.

1988 йилда Шарқ давлат музейида “Нукус тўпламидаги унутилган асарлар” кўргазмаси намоиш этилади. Эҳтимол, айнан шу давларда москваликлар ўзлари учун Александр Волков, Виктор Уфимцев, Николай Карахан каби рус рассомларини кашф этишади¹⁶². Кейинчалик бу бадиий жараён тадқиқотлар кесимида алоҳида эътиборга тушиб, “Марказий Осиё авангарди”, “Туркистон авангарди”, “Рус авангардининг шарқий қаноти” (Джон Боулт) деб атала бошланади.

Тасвирий санъат коллекциясининг специфик хусусияти секин-аста ривожланиб бораётган қорақалпоқ рассомлари ижодининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Музей деворлари орасида маҳаллий рангтасвир мактабининг шаклланиши жараёни кечди. И.В.Савицкий ёш рассомларни ҳар томондан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган, уларнинг асарларини сотиб олиб моддий кўмак кўрсатган¹⁶³. Музейнинг рус ва ўзбек авангарди бўлими рассомлар учун И.Савицкий орзу қилганидек битмас-туганмас илҳом манбаига айланди. Коллекциянинг ижодий қувват майдони таъсирида Қорақалпоғистон рассомларининг бир неча авлоди етишиб чикди ва ранг-баранг бадиий йўналишлар, миллий маданиятга урғу берилган бадиий ифодавийлик, рамзий

¹⁶⁰ *Ғаббаназарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”. – Лондон. 2011. – С.35.*

¹⁶¹ *Мастера искусства об искусстве. Т. 5, кн. I, – М., 1969. – С. 311.*

¹⁶² *Туркестанский авангард. Авторы вступительной статьи: Е.С.Ермакова, Т.К.Мкртычев, М.Л.Хомутова. Каталог выставки – М., 2009. – С.7.*

¹⁶³ *Ғаббаназарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”. – Лондон. 2011. – С. 19.*

метафора ва тасвирий изланишларга эга қорақалпоқ миллий рангтасвир мактабининг қайтарилмас қиёфасини белгилаб берди. 1960 йиллар охири 1980 йилларда Қорақалпоғистон диёрида шаклланиб бораётган бадиий мактабни бевосита К.Саипов, Ж.Изентаев, А.Шпади, Б.Серекеев, М.Ишанов, А.Утегенов, А.Еримбетов, Ж.Лепесов каби кўплаб рассомлар ижоди билан боғлаш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек И.Савицкий коллекциянинг илк комплектация жараёнида қорақалпоқ рангтасвири шаклланиши бошида турган рассомларни ижодига ва уларни моддий рағбатлантиришга эътибор қаратган. Музей ташкил этилган дастлабки йилларданок К.Бердимуратов (“Қиз-кеткен”, инв№4118), У.Сапаров (“Кунботар пайти”, инв№251, “Пушти уй”, инв№5114) ва Ф.Мадгазиннинг манзаралари (“Сокин окшом”, инв№5119; “Чорраҳа олдида”, инв№3310,), П.Карабаев (“Қария портрети”, инв№4221; “Ойдин окшомда овулдаги тўй”, 1984, инв№1412, “Наврўз”, 1982, инв6075), Ж.Беканов (“Нон ёпишмоқда”, 1972, инв№703, “Кўчкорлар жанги”, инв№6295), М.Ишанов (“Кудук олдида”, 1977, инв№,946; “Манзара. Окшом”, инв№6297) ва И.Алибековнинг (“Қ.Саипов портрети”, инв№6403, “Ёш Бердах портрети”, инв№745) ранг-баранг мавзули ва услубий изланишлари мунтазам равишда тўплам таркибига қўшилиб борган. Халқ анъаналари ва қадриятларини яхши билишлик, қорақалпоқ фольклори ва маданий меросидан узилмаган ҳолда ижод қилиш уларнинг асарларига ўзига хос қиёфа бағишлайди. Бир томондан аждодлар мероси, мифология, инсон ва табиат алоқаси ҳақидаги тасаввурларга таяниб, иккинчи томондан эса XX аср авангардининг услубий кашфиётларида тарбияланган қорақалпоқ рассомлари ижоди коллекция таркибида алоҳида ўринга эга.

И.В.Савицкийни ўзининг маънавий устози деб билган ва ижодида Ғарб модернизми, рус ва ўзбек авангарди тажрибаларини қўллашга интиланган қорақалпоқ рассомларидан бири Жолибой Изентаевнинг юзга яқин картина ва этюдлари коллекциядан ўрин

олган. Тўпламда рассомнинг реализмдан то постимпрессионизм изланишларини очиб берувчи 1970 йиллардан то 1990 йилга қадар бўлган ижод намуналарини кузатиш мумкин. Унинг ҳар бир асарида мавжуд воқелик, манзара ёки портрет шунчаки акс эттирилмайди, балки уларда рассомнинг ҳиссиётлари, ўй-кечинмалари сингдирилган “Ўз қўшиғи” гавдаланди. Тўпламдаги манзараларда (“Манзара мовий гумбаз билан”, инв№5287; “Қуёшли кун. Хиёбон”, инв№2369; “Ёмғир олдидан”, 1978, инв№1207; “Тепалик”, инв№ 394), портретларда (“Ёш йигит портрети”, инв№ 3830; “Механизатор портрети”, инв№ 2360; “Болақай портрети” инв№4426; “Қизим Гулбахор портрети”, 1976, инв№2327; “Ўғлим портрети”, инв№1756,) ва натюрмортларда (“Натюрморт анор билан”, инв№ 3313; “Натюрморт кумғон билан”, 1982, инв 5988) рассомнинг услубий-пластик ва ранг ифодавийлиги борасидаги доимий изланишлари акс этган йўл намоён бўлади. Рассомнинг кундалик ҳаётни акс эттирувчи аксарият ишларида ўзига хос соддалик, образли ечим, импрессионистик услубдаги нозик ранглар мажмуаси муносабатларини кузатиш мумкин. Қорақалпоғистоннинг табиати, одамлари, кундалик ҳаётини акс эттирган асарларида ранг ва нур қурилмасига бирламчи ифодавий таъсирчанлик юклатилади. У бой ранглар уйғунлигини яратади, уларда ранг чегаралари худди ўчириб юборилгандек. Асарларда ранглар ҳаракат иллюзиясини ташкил қилувчи колористик рефлекс каби қабул қилинади ¹⁶⁴. Рассомнинг коллекциядаги ижодида ўз халки ва ҳудуди табиатининг қайтарилмас томонларини ёритиш, улар ҳақида шоирона, лирик “тасвирий ҳикоялар” яратишга иштиёқ акс этади.

Чорак асрдан узоқ вақт давомида музейда раҳбарлик фаолиятини юритган, халқаро миқёсда тан олинган маданият арбоби, Bill Meyns мукофоти соҳибаси Мариника Бобоназарованинг музей фаолиятини ривожлантиришдаги ўрнини И.Савицкий билан тенглаштириш ўринлидир. Зеро, И.В.Савицкий ноёб бадиий мерос саналмиш амалий ва тасвирий санъат

¹⁶⁴ Ахмедова Э. Менинг Қорақалпоғистоним // San'at. – 2003. №2. - Б.24.

асарларини музей деб аталмиш масканда тўплаш ва сақлаб қолиш учун жонбозлик кўрсатган бўлса, унинг шогирди ва дўсти, қорақалпоқ олими М.Нурмухаммедовнинг кизи М.М.Бобоназарова мустақиллик шарофати билан мавжуд коллекцияларнинг уникаллигини дунёга кўрсатиш мақсадида тинимсиз фаолият олиб борди ва “сахродаги Лувр” даражасига олиб чиқди. Дунёда бебаҳо коллекциялар жуда кўп, бироқ уларни замонавий жамиятга тарғиб этиш юқори билим ва фидокорликни талаб этади. Ўтиш даврининг мураккаб йилларида ҳукумат томонидан ажратилувчи маблағга қараб ўтирмасдан М.Бобоназарова турли фондлар билан ҳамкорликда иш юритди.

Мариника Бобоназарова — кўплаб кўргазмаларнинг куратори сифатида Ўзбекистон, Германия (1995), Франция (1998), Италия (2001), АҚШ (2003), Россия (2016) ва бошқа чет давлатларида намойиш этилган 20 дан ортиқ кўргазмаларга бошчилик қилди. Музей коллекциялари ҳақида ёзган мақолалари кўргазма каталогларида ва илмий-маърифий журналларда нашр этилди. Улар орасида энг машҳурлари қаторига “Авангард остановленный на бегу” (“Чопа туриб тўхтаган авангард”), «Histoire d'une Passion» (Жазм тарихи), “Ноёб хазина” ва бошқаларни киритиш мумкин. Устозининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида рассом ҳақидаги барча тарихий далилий маълумотларни тўплаб, “Игор Савицкий: художник, собиратель, основатель музея” номли китоб ёзди. Унда Савицкийнинг оилавий келиб чиқиши тарихи, бадиий таълим жараёнлари, Қорақалпоқ диёрига келиб қолиши, музей ва коллекцияларнинг ташкил топишига оид маълумотлар билан бир қаторда, рассомнинг юқори бадиий дид билан олиб борган комплектация жараёни, оқилона ва топқирлик билан қурилган экспозиция маконига оид материаллар атрофлича тақдим этилган.

Франция миллий байрами шарафига ўтказилган қабул маросимида Франция элчиси Франсуа Готе Мариника Бабаназаровага «Санъат ва адабиёт соҳаларида хизматлари учун» ордени кавалери белгиларини топширди. Ушбу ажойиб инсон

Франция ва Ўзбекистонда эъзозланадиган, жумладан, маданий ўзига хосликка ҳурмат ва миллий меросни тарғибот қилиш каби қадриятларни ўзида мужассамлаштиради.

И.В.Савицкий ва у асос солган музей ҳақида 2010 йилда хужжатли фильм (Desert of Forbidden Art) ишланган. Америка кино усталари Аманда Поуп ва Чавдар Георгиев дунё аҳлини Ўзбекистон саҳросида яширинган жавоҳирот ҳақида огоҳ қилдию, музейга жаҳон матбуоти ва жамоатчилигининг қизиқиши ортди. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи ҳозирги кунда Ўзбекистонга ташриф буюрувчилар учун эртакнамо Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари қаторида ноёб бадиий маскан сифатида зиёрат қилинади. Ҳар йили музейни 70 000 дан ортиқ томошабин зиёрат қилади, улардан 3000 таси хорижий сайёҳлар ва санъат мутахассисларидир. Акарият хорижликлар учун қорақалпоқ диёрига келишнинг асосий мақсади айнан авангард коллекцияси ҳисобланади. Музей раҳбариятининг тадбирлари натижасида ўлкадаги туризм ривожиди музейнинг аҳамияти беқиёс. Музей ЮНЕСКО ташаббуси билан ҳамкорлигида “Хоразмнинг олтин халқаси” туристик маршрутидаги объектлар сафига қўшилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон рангтасвирига оид назарий-тарихий нашрлар ҳамда монографик тадқиқотларнинг тахлили музей захираларига таянган ҳолда кам ўрганилган масалаларни (тасвирий санъат генезиси, услубий тенденциялар, миллий рангтасвижда реализмнинг ўзига хос хусусиятлари ва жанрлар тизимининг шаклланиши) комплекс тадқиқ этиш имкониятини намоён этди.

Музей ишининг ривожланиш тенденциясини ўрганишда аввало коллекцияларнинг методологик ва назарий муаммоларига эътибор қаратиш муҳимдир. Илмий-тадқиқот ишларисиз фондларни самарали комплектация фаолиятини амалга ошириш, ёдгорликларни сақлаш даврини максимал даражада узайтириш, мукамал лойиҳалаштирилган экспозиция яратиш мумкин эмас.

Замонавий музейшуносликнинг илмий-назарий асоси музейнинг ривожланиш концепциясини яратиш, уни бошқаришнинг стратегик режасини тузиш билан боғланади. Бунинг учун авваламбор, малакали мутахассислар томонидан фонд таркибидаги коллекцияларни аниқ ўрганиб чиқиш, мавжуд маълумотлар базасини замонавий ахборот технологияларига ўтказиш каби фундаментал замин яратиш жоиз.

Мазкур китобда ҳар бир рассом ижодининг эволюциясини очиб беришдан воз кечилиб, коллекциядаги энг нодир ва диққатга сазовор изланишларга алоҳида ёндашилди. Чунки рассомнинг ижоди белгиланган давр характери ва ундаги чизгиларни акс эттиради. Бу айниқса кескин тарихий, сиёсий ва маданий ўзгаришларга бой XX аср Ўзбекистон санъатига алоқадордир. Бу давр санъати бир-бирини инкор этувчи ғоялар заминидан камол топган. Рассом учун мафкуравий ғоялар таъсирида ўз қарашларини ўзгартириш, бир боскичдан иккинчи боскичга ўтиш каби мураккаб ички зиддиятларни вужудга келтиради. Шаклланган рассом учун бу мутахассислик фазилатларини табиий равишда ўстириш эмас, балки ўз қарашларини бой бериш, ўзига хос йўналишидан воз кечиш билан тенг эди.

Ўзбекистон давлат санъат музейидаги миллий рангтасвир коллекцияси ҳудуд санъати ривожини билан ёнма-ён шаклланиб, унинг барча тадрижий ривожини акс этиради. Янги илмий манбаларни тадқиқ этиш орқали коллекциянинг шаклланишида қуйидаги даврий ўзига хосликлар аниқланди:

1920-1930 йилларнинг биринчи ярмида комплектация жараёни илк рассомлар гуруҳи ижодини бир ерда тўплаш ва намойиш қилишга қаратилгани сабабли турли йўналиш, оқим ва жанрлардаги асарлар тўпланди, илк маҳаллий рассомлар ижодига эътибор қаратилди.

1930 йилларнинг охири 1950 йилларда асосий йиғув-тўплов фаолияти замоннинг ижтимоий-тарихий шароитлари билан боғланган ҳолда олиб борилди. Давр мафқурасига жавоб берувчи меъморий манзаралар, зиёлиларнинг портретлари, меҳнаткаш инсонлар, этнографик қиёфалар, натюрмортлар тўпланди.

1960-1980 йиллардаги тўплаш ишлари рангтасвирнинг турли қирраларини қамраб олиши билан характерлидир. Миллий услуб йўлидаги изланишлар тўпламда Р.Ахмедовнинг «Депутат аёл», «Карима портрети», «Сурхандарёлик қиз», Р.Чориевнинг «Алла», «Келин», Н.Кашинанинг «Болалар янги ҳаётга қадам қўйишмоқда», «Самарқанд мадоннаси» асарлари орқали намойён бўлади.

Коллекциянинг шаклланиш жараёни 1970 йилларнинг иккинчи ярми 1980 йиллар рангтасвиридаги анча мураккаб, турфа тенденцияларнинг қоришуви жараёнлари ҳамда ёрқин индивидуал услубий ўзига хос изланишларни бошдан кечириётган рассомлар (Ш.Абдурашидов, С.Алибеков, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Б.Назаров, М.Тўхтаев) ижодини акс эттиради.

Шунингдек, бу даврда тўпламнинг Ўзбекистон авангарди вакиллари картиналари билан тўлиб бориши миллий рангтасвир шаклланиши йўллари ҳақидаги манбаларни янада кенгайтирди. Коллекциядаги ижоди кам ўрганилган рассомлар гуруҳининг (В.Ковинин, В.Мельников, Г.Улько, В.Рождественский, П.Ган, М.Калантаров) асарлари эса даврдаги ижодий ўзгаришларни,

соцреализмдан чекиниш, стилини бир ёклама англашдан кочиш жараёнларини очиб бериши билан муҳимдир. Бу музей ходимларининг Ўзбекистон рангтасвирининг ўзига хос ривожланиш тамойилларини яхши билганлигидан ва комплектация жараёни нотекис кечганлигидан далолатдир.

1990 йиллардаги сиёсий-маданий соҳадаги кескин бурилишлар, бадий мезон чегараларининг олиб ташланиши, ижод моҳиятининг янгича идрок этилиши тўпламга қабул қилинаётган асарларга нисбатан талаб ва андозаларни ўзгаришига сабаб бўлди. Коллекцияга катта авлод вакиллари билан бир қаторда ижодида бадий ғояларни этномаданий мерос билан боғлаган, рамзий-тимсолий образларга, фалфасий, афсонавий-шеърый талкинларга мурожаат этган рассомларнинг асарлари қўшилди (А.Алиқулов, Ф.Ахмадалиев, А.Бахтеев, И.Бахромов, И.Валиходжаев, А.Икромжонов, Д.Мамедова, А.Мирсоатов, А.Нуриддинов, Б.Саломов, З.Саиджонов, В.Усеинов, Ж.Усмонов ва б.). Сўнгги ўн йилликда миллий рангтасвир коллекцияси санокли харидлар, рассомлар ёки уларнинг қариндошлари томонидан ҳадялар, кичик музейларнинг ёпилиши ҳамда улардаги фонднинг ўтказилиши, Бадий экспертизаси томонидан ушлаб қолинган асарлар ва Суд ижроси орқали музейга топширилган ашёлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Самарқанддаги Маданият тарихи давлат музейи коллекцияси илк маротаба таҳлил этилиши натижасида унинг мафкуравий ғоялар, оммавий тарғибот режалари билан боғлиқ ҳолда шаклланиши аниқланди. Ҳаттоки, аср бошларида авангард қарашларга эга бўлган О.Татевосьян, В.Уфимцев, В.Еремян бу вақтларда Самарқандда яшаб, ижод қилган бўлсада, коллекцияда уларнинг тасвирий тажрибалари акс этган асарлари учрамайди. Коллекцияда ўлканинг ўрта асрлар ёдгорликлари қиёфаси акс этган манзара жанридаги ишлар катта қисми ташкил этади. Бу ишларда рассомларнинг илҳом манбаи бўлган кўҳна шаҳарга нисбатан нозик муносабати сезилади. Айнан мазкур омил самарқандлик рассомларнинг кўп ҳолларда манзара ва пленэр рангтасвирига

муружаатини белгилаб берган. Мустақиллик йилларида комплектация мезонлари кескин ўзгариши натижасида коллекция таркиби Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, Н.Қўзибоев, А.Исаев, Н.Султонов, И.Шин каби рассомларнинг услубий ранг-баранг картиналари ҳисобига кенгайди.

И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи миллий рангтасвир коллекциясининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар маълум бўлди. И.Савицкийнинг шахсан иштироки ҳамда ўзи ишлаб чиққан тизими асосида ташкил этилган рус модернизми фонида ва ўзаро алоқадорлигида 1920-1930 йиллар ўзбек авангарди экспозицияси тадқиқотчиларни мазкур феноменга эътиборини қаратди, қайта қуриш даври ва мустақиллик даври рассомлари учун модернизмнинг классик намунасига айланди ҳамда кейинги даврнинг тасвирий-услубий, композицион-пластик изланишларига замин ясади. Тўплам таркиби қорақалпоқ рассомлари К.Бердимуратов, У.Сапаров ва Ф.Мадгазиннинг манзаралари, П.Қарабаев, Ж.Беканов, М.Ишанов ва И.Алибековнинг ранг-баранг мавзули ва услубий изланишлари мунтазам равишда тўплаб борилди. 1960 йиллар охири 1980 йилларда Қорақалпоғистон диёрида шаклланиб бораётган бадий мактабни бевосита К.Саипов, Ж.Изентаев, А.Шпади, Б.Серекеев, М.Ишанов, А.Утегенов, А.Еримбетов, Ж.Лепесов каби кўплаб рассомлар ижоди орқали қуриш мумкин.

Республикада таъсис этилган фармон ва қарорларнинг туб моҳияти музейларни модернизация жараёнига ўтиш вақти келганини ҳамда коллекциялар билан боғлиқ илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Коллекцияларнинг салоҳиятини таҳлил қилиш асосида тўплам билан ишлаш усуллари – санъат асарларининг хужжатлаштириш ва ҳаракатини назоратга олишни такомиллаштириш борасида, жаҳон музейлари (Россия, Буюк Британия ва Америка) қўллаётган амалиёт тажрибаларини умумлаштириб, янги экспонат паспорти маълумотномаси намунаси жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Музей жамиятда йўқолиб бораётган ва цивилизация таҳдид солаётган абадий, умуминсоний кадриятларни сақловчи маскан саналади. У маданиятнинг анъаналар билан дахлдорлигини ва изчиллик асосидаги ривожланишида кадриятларнинг мерос сифатидаги аҳамиятини белгилаб беради. Мазкур тадқиқот иши ўз эътиборини музейшунослик билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни камраб олишга қаратмайди. Изланишда ҳар бир музей ўз коллекцияларини илмий тадқиқотлар орқали мустаҳкамлаб, ўз фаолиятини замон билан ҳамнафас ҳолда такомиллаштириб бориши муҳимлиги етакчи аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти, халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 48 б.
- 1.2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. – 592 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ 1913 сонли Фармони. // Халқ сўзи, 1998 йил 13 январь.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори. // Халқ сўзи, 1998 йил 15 март.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуни. 2008 йил 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 37-38. – Б. 12-20.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 11 декабрида тасдиқланган “2017 – 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ҳақидаги 975 сонли қарори.

2. Архив манбалари

- 2.1. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасининг Кирим китоби №6 (1938-1940); №7 (1940-1956); №8 (07.03.1956 – 28.05.1956); №9 (29.05.1956); №10 (1956 – 1961).
- 2.2. Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси. Далолатнома. №24 (5.04.2016); №40 (08.07.2016); №47 (08.08.2016).
- 2.3. ЎзР МДА, 394-жамғарма, 3-рўйхат, 5-иш. Мандат №2935, Мандат №2936, Мандат №2937. – 1919 й.
- 2.4. ЎзР МДА, 34-жамғарма, 1-рўйхат, 1184-иш, 56-варақ.
- 2.5. ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 1-рўйхат, 619-иш. 60-варақ. – 1937 й.
- 2.6. ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 1-рўйхат, 27-иш. 84-варақ. – 1937 й.

- 2.7. ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 1-рўйхат, 39-иш. 76-варак.– 1937 й.
- 2.8. ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 1-рўйхат, 31-иш. 40-варак.– 1937 й.
- 2.9. ЎзР МДА, 2320-жамғарма, 6-рўйхат, 34-иш. 1-варак. – 1937.
- 2.10. ЎзР МДА, 2487-жамғарма, 3-рўйхат, 6583-иш. 104-варак.
- 2.11. Круковская С.М. А.В.Исупов. Ўз ДСМ кутубхонаси архиви, ИНВ №71. – варак -7.
- 2.12. Шмит Ф.И. О национальной форме в живописи Узбекистана. Архив библиотеки ГМИ РУз., рукопись №11. ИНВ №166, – с.38
- 2.13. ЎзДСМнинг 29 август 2009 й. 1-сонли Далолатномаси.
- 2.14. ЎзДСМнинг 2009 йил 16 январигаги Далолатномаси.
- 2.15. Маданий бойликларни муҳофаза қилиш бўйича 3-сонли Йўриқнома. Коллекцияларни ҳужжатлаштириш. ЮНЕСКО, Париж. 2008. – Б.36.

5. Адабиётлар

- 4.1 Александр Волков: Солнце и караван // Д.Э.Боулт, В.Волков. – М., Слово, 2007. – 288 с.
- 4.2 Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития.– Ташкент: Изд.-полиг. дом им. Г. Гуляма, 2007.– 268 с.
- 4.3 Ахмедова Н.Р. У.Тансыкбаев. Избранные произведения. – М.: Сов. художник, 1988. – 136 с.
- 4.4 Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог. – Ташкент: 2004. – 224 с
- 4.5 Ахмедова Н. Неизведанный путь. Очерки о творчестве художников Узбекистана. “San’at”. – Ташкент. 2015. – 122 с.
- 4.6 Ахмедова Н.Р. Рахим Ахмедов. – М.: Фонд Марджани, 2017. – 500 с. ил.
- 4.7 Ahmedova N. Line to Eternity. Bakhodir Jalal. SKIRA editore S.p.a. Milano, Italy. (монография на англ. яз.). 2017.
- 4.8 Бабаназарова М. Игорь Савицкий. Художник, собиратель, основатель музея. “Silk road publishing house”. – Лондон. 2011. – 100 с.
- 4.9 Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии. – М.-Л.: Искусство, 1940.– 190 с.
- 4.10 Веймарн Б.В. Урал Тансыкбаев. – М.: Сов.художник, 1958. – 60 с.
- 4.11 Веймарн Б.В., Черкасова Н.В. Искусство Узбекистана: очерки.

- Живопись. Графика. Скульптура. – М.: Искусство, 1960. – 119 с.
- 4.12 Веймарн Б.В. О.Татевосян. – М.: 1967. – 85 с.
- 4.13 Венок Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы / Гос. музей искусств Респ. Каракалпакстан им. И.В.Савицкого, Нукус, Частные собр; [Ильдар Галеев, сост., текст, библиогр.]. – Москва: Галеев-Галерея. 2011. – 203 с.: ил.
- 4.14 Вопросы искусствознания. VIII (1/96). Научное издание. – М.:1996. – 205с.
- 4.15 Горшенина С.М. Галина Пугаченкова. Перебирая жизни черепки. – Ташкент: “Институт Открытого Общество - Узбекистан”, 2002. – 108 с.
- 4.16 Гласс Ю.И., Ланда Л.М. Музеи Узбекистана. Путеводитель-справочник – Ташкент: 1961. – 76 с.
- 4.17 Государственный музей истории Узбекистана. – Ташкент: 1998.
- 4.18 Грегори Р.Л. Разумный глаз. Пер.с англ. А.И.Коган. – М.:Мир, 1972. – 207с.
- 4.19 Жадова Л. Современная живопись Узбекистана. – Ташкент: Гос. издат. худ. лит. УзССР, 1962. – 111 с.
- 4.20 Журавлева Е.В., Чепелев В.К. Искусство советского Туркменистана. Очерк развития. – Л.: 1934. – 97 с.
- 4.21 Завадская Е.В. Культура Востока в современном западном мире. – М.: Наука, 1977. – 167 с.
- 4.22 Земская М.И. Александр Волков. Мастер «Гранатовый чайханы». – М.: Искусство, 1976. – 140 с.
- 4.23 Зицгер Е.А. Проблемы интернационального развития советского искусства. – М.: 1977. – 171 с.
- 4.24 Изобразительное искусство Узбекистана: очерк истории живописи, графики, скульптуры. /Н.Абрамова, В.Кедрин, С.Круковская, М.Мюнц, Г.Пугаченкова. – Ташкент: Гос. издат. худ. лит. УзССР, 1957. – 480 с.
- 4.25 Иконников С.М. От монолита к мозаичности культуры // Культура на пороге III тысячелетия. Л.: СПб. 1994. – 320 с.
- 4.26 Илалов И. Музееведение. – Ташкент: Мусика, 2006. – 357 с.
- 4.27 Интернациональное и национальное в искусстве. – М.: Наука, 1976. – 314 с.
- 4.28 Искусство Советского Узбекистана. 1917-1972 /кол. авторов.

- В.Долинская, Н.Захидов, Т.Кадыров и др. – М.: Сов. художник, 1976. – 607 с.
- 4.29 «Искусство XX века». Новая экспозиция в Государственной Третьяковской галерее / Искусствознание XV. – М., 1999. -№2. – 647 с.
- 4.30 Колин М. Изобразительное искусство Узбекской республики. – М.: Искусство, 1937. – 46 с.
- 4.31 Коссов И.М, Сундиев А.А. Музейное дело России / Под общей редакцией М.Е.Каулена. – М., Издательство «ВК», 2003. – 615 с.
- 4.32 Коттье Ж. Эти ценности создали Европу. – Европейский альманах. М., 1991. – 40 с.
- 4.33 Круковская С.М. В мире сокровищ – Ташкент: 1982. – 231 с.
- 4.34 Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. Олий ўқув юртлари учун ўқув-услубий кўлланма. – Тошкент. 2010. – 125 б.
- 4.35 Лаковская В.Л. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. Основные тенденции. – Ташкент: 1991. – 156 с.
- 4.36 Левтеева Л., Турсуналиев К. Музееология (Наука о музейном деле) / методическое пособие. – Ташкент: 2008. – 332 с.
- 4.37 Мастера искусства об искусстве. Т. 5, кн. I, – М., 1969, – 543 с.
- 4.38 Мухаммедова М. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар). – Тошкент: “Yosh kuch press matbuoti”, 2017. - 297 б.
- 4.39 Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 292с.
- 4.40 Селина Фокс. Музеи. Маркетинг. Менежмент. – М.: 2001. - 267 с.
- 4.41 Современное искусство и художественный музей: комментарии. СПб.: – 2008. – 188 с.
- 4.42 Соколова М.А. Павел Петрович Беньков. Воспоминания, переписка. – Ташкент: Изд. лит.и иск. им.Г.Гуляма, 1981. – 135 с.
- 4.43 Столяров Б.А. Музееведение: Учебник для высшей школы. – М.: 2003. - 327 с.
- 4.44 Тоқтош Р. Баҳром Ҳамдамий. Ғофур Ғулом ном. бадий адабиёт нашриёти. – Тошкент: 1969. – 56 б.
- 4.45 Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. (вторая половина XIX в. – шестидесятые годы XX в) – Ташкент: Фан, 1972. – 280 с.
- 4.46 Такташ Р.Х. Художественно-критические этюды. – Ташкент:

- Фан, 1992. – 257 с.
- 4.47 Тверская Д.И. Музей как научно-исследовательское учреждение. Музейное дело. – М., 1998. – 165 с.
- 4.48 Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. – М., Омега-Л, 2005. – 182 с.
- 4.49 Турчин В.С. Образ дватцатого... В прошлом и настоящем. . – М., “Прогресс-традиция”– 2003.
- 4.50 Турчин В.С. По лабиринтам авангарда. – М., Изд. МГУ, 1993. – 248 с.
- 4.51 Умаров А.Р. Портретная живопись Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 135 с.
- 4.52 Урал Тансыкбаев: Воспоминания, документы: [Сборник / Сост. М. В. Мюнц и др.]. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства, 1988. – 173, с.: ил.
- 4.53 Уфимцев В. Говоря о себе. – Ташкент: 1972. – 174 с.
- 4.54 Халаминская М. Искусство молодых. – М., 1967. – 164 с.
- 4.55 Хакимов А. Искусство Узбекистана: история и современность. – Ташкент: “San’at”, 2010. – 504 с;
- 4.56 Хакимов А. Нетленный свет. Жизнь и творчество Чингиза Ахмарова. – Ташкент: 2018. – 348 с. илл.
- 4.57 Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана. – Л.: Изд. ЛОССХ. 1935. – 127 с.
- 4.58 Шостко Л.В. Виктор Уфимцев. – Ташкент: Изд. лит.и иск. им.Г.Гуляма, 1984. – 136 с.
- 4.59 Шостко Л.В. Оганес Татевосян. – М.: Сов. художник, 1977. – 120с.
- 4.60 Шеллинг Ф.В. Философия искусства. – М.: 1966. – 495 с.
- 4.61 Юреньева Т.Ю. Музееведение. – Москва: Академпроект, 2003. – 382 с.

5. Даврий нашрлар

- 5.1. Абдуллаев С.Ф. Экспозиция советского искусства в новом здании ГМИ УЗ ССР // Проблемы комплектования и экспонирования произведений советского изобразительного искусства в художественных музеях. – М.: 1978. – С.118-126.
- 5.2. Ахмедова Н. Живопись Средней Азии XX века: проблемы

- самоидентификации // SAN'AT , 1999, № 3. – С. 18-21.
- 5.3. Ахмедова Н. Авангард эркинликка интилиш // SAN'AT. 2000, №4.
- 5.4. Ахмедова Н. Живопись Средней Азии XX века: проблемы самоидентификации // SAN'AT , 1999, № 3. – С. 18-21.
- 5.5. Ахмедова Н.Р. Особенности историко-теоретических проблем живописи Узбекистана 1920-х – 1930-х годов в контексте авангарда / Санъат ва бадиий таълимнинг замонавий жамиятни маънавий модернизациялашдаги ўрни (Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Тошкент, 2018. – Б. 46-50.
- 5.6. Бабаджанова Г. К проблеме региональности живописи Средней Азии // Культура Среднего Востока. – Ташкент: Фан.1989. – С. 89-93.
- 5.7. Бобоназарова М. Ноёб хазина // SAN'AT. – 2003. №2. - Б. 19-24
- 5.8. Бруннгхаус-Кнубель К. Музейное образование в контексте функций музея // Управление музеем: практическое руководство – Франция. ИКОМ. 2004 – С.119-133.
- 5.9. Будко А.А. Кризис современного музея: между универсальностью и уникальностью // Музей. 2009. №1. С.32-36.
- 5.10. Будко А.А. Модернизация. Схематизация опыта // Мир музея. 2010. №4 (272) С.34-37.
- 5.11. Ваттимо Дж. Музей и восприятие искусства в эпоху постмодерна// Художественный журнал. – 1999. – №23. – URL : <http://www.guelman.ru/xz/362/xx23/x2305.htm>.
- 5.12. Веймарн Б. Чепелев В. Искусство Советского Узбекистана // Искусство, 1934, №8. – С.21-52.
- 5.13. Веймарн Б. Выставка художников Узбекистана // Творчество. – Ташкент, 1937, №8. – С.30-32.
- 5.14. Исаев А. Сермашаккат йул. Совет Ўзбекистони санъати. – 1988. № 8. – С. 27-30.
- 5.15. Ким В. А.Н.Волков ижодида халқона мавзулар талкини (И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи коллекцияси мисолида). SAN'AT. №1. 2017. – С. 18-20.
- 5.16. Льюис Д. Роль музеев и кодекс музейной этики // Управление музеем: практическое руководство – Франция, ИКОМ, 2004. – С.1-17.
- 5.17. Мастеница Е.Н. Новые тенденции в развитии музея и музейной деятельности // Триумф музея // Сб.ст.; отв.ред. А.А.Никонова. – СПб., 2005. - С.138-145.

- 5.18. Поливцева О. Хозяева пространства // НОМИ.–2007. - №2 /55. – С.23-26.
- 5.19. Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. №4. – С.3-25.
- 5.20. Робертс Э. Учет и документация // Управление музеем: практическое руководство - Франция. ИКОМ, – 2004. С. 31-51.
- 5.21. Сарабьянов Д. Символизм в авангарде: некоторые аспекты проблемы //Искусствознание 1 /01. – М., 2001. – С. 310-315.
- 5.22. Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Moziydan sado. Тошкент, 1999. – № 1-2. – С.16-23.
- 5.23. Степанян Н. Размышления на предложенную тему/ Вопросы искусствознания. VIII. – Москва, 1996. №(1/96)– С.25-34.
- 5.24. Такташ Р. Творческая судьба М.Курзина // Искусство, 1962, № 9.–С.25-28.
- 5.25. Такташ Р. О некоторых тенденциях развития узбекского изобразительного искусства // Искусство, 1985, № 3. – С. 4-9.
- 5.26. Тарутин С. История одного музея. Искусство. 9/1989. – Москва. С. 10-15.
- 5.27. Токтош Р. Санъатнинг макони хусусида // SAN'AT, 1998, № 1-3, – Б.28-29.
- 5.28. Трофимова Т.А. Научное описание музейных предметов новосибирском государственном краеведческом музее / Вестник Томского Государственного Университета. 2 (6). УДК 069.8. – 2012. С. 129-134.
- 5.29. Умаров А. Национальное и интернациональное в творчестве художников Средней Азии // Искусство, 1963, №7 – С. 32-35.
- 5.30. Умаров А., Шостко Л. Искусство Советского Узбекистана // Искусство, 1968, №4. – С. 6-12.
- 5.31. Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси. // Moziydan sado. – Тошкент, 2006. – № 2 (26). – Б. 6-9.
- 5.32. Фатхуллаев Р. Муҳит Рахимов уй-музеи (музейшуносликнинг баъзи аспекти) // Moziydan sado. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.
- 5.33. Хакимов А. Искусство нового Узбекистана // SAN'AT, – Ташкент, 1999, №2. – С.12-15.
- 5.34. Хакимов А. XX аср Ўзбекистон санъатида миф ва хакикат //

SAN'AT, 1998, № 1-3. – С. 20-27.

5.35. Хакимов А. XIX – XXI асрлар Ўзбекистон санъатида утопия (миллий рангтасвир генезисини ўрганишга доир) // SAN'AT. –Тошкент, 2010.- №1.-Б.18-24.

5.36. Херреман Я. Показ, экспонирование и выставки // Управление музеем: практическое руководство.– Франция. ИКОМ. 2004. – С. 91-105.

5.37. Чухович Б. В поисках имени собственного (Среднеазиатский авангард в 20-е годы и в наши дни). KURAK. №1. 2007. С.53-57.

5.38. Шостко Л. Штрихи к портрети Мурада Карабаева // SAN'AT , 2000, № 3. – С.13-15.

5.39. Юнусов М.А. Самарқанд музейи коллекциясининг шаклланиши тарихидан. Архелогия Узбекистана. №1. 2017. Б. 61.

5.40. Якубовский Ю.О. Открытие музея при Самаркандском областном статическом комитете // «Туркестанский ведомости». №57. 1896. С.7.

6. Альбом ва каталоглар

6.1. Абдуллаев Абдулхак. Выставка портрета. Каталог. Составитель Л.Таирова, авт. вступ. статьи Т.Махмудов. – Ташкент, 1980.

6.2. Авангард, остановленный на бегу: Альбом /авт. вст. ст. Е.Ковтун, М.Бабаназарова, Э.Гагиева. – Ленинград. “Аврора”, 1989. – 239 с: ил.

6.3. Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан. Тексты: А.Хакимов, М.Бабаназарова. – Ташкент. 2003. – 156 с.

6.4. Акилова К. Мир образов Акмаля Нура / альбом каталог - Ташкент: Издательство журнала “San’at”. - 224 с.

6.5. Akmal Nur / Каталог. Авт. вступ. ст. А. Хакимов. – Ташкент: Представительство Ин-та Открытое о-во - Фонд содействия, 1998. - 20 с.: цв. ил.

6.6. Александр Волков: Солнце и караван // Д.Э.Боулт, В.Волков. – М., Слово, 2007. – 288 с.

6.7. Выставка произведений художников Узбекистана /В.И.Бурмакин, Е.И.Мельников, Ю.И.Талдыкин, Г.И.Улько, Р.Чарыев/ сост. Р.Акимбаева. Автор вступ. статьи Т.Махмудов. – Самарканд, 1979.

6.8. Государственный музей искусств узбекской ССР / Сост. альб. С.М.Круковская. – Л.:1968. – 128 с.

- 6.9. Государственный музей искусств узбекской ССР. Живопись // Авт. вст. статьи Е.М.Никифорова. – Л.: 1975. –247 с.
- 6.10. Жавлон Умарбеков. Каталог выставки. Авт. вступ. ст. А.Хакимов. – Ташкент, 1977.
- 6.11. Забытие полотна. Живопись и графика из собрания Нукусского музея // Кат. выс. [Предисл. Газиевой Э.Д.]. – М.: 1988. – 51 с.: ил.
- 6.12. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами // Китоб-альбом. Ф.Ф.Абдухоликов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Тошкент: “Uzbekistan Today” АА, 2017. – 448 б.
- 6.13. Сейсмограф. Искусство Узбекистана эпохи Перестройки. Ав.вст.ст. Л.Кодзаева // Каталог. – Ташкент. 2003. – 21 с.
- 6.14. Сокровище Самаркандского музея. Сост. Г.Я.Упфал. – Ташкент. «Узбекистан». 1983. – 120 б.
- 6.15. Татевосян О.К. Выставка произведений. Каталог. Сост. Л.Шостко. Автор вступ. статьи. М.Мюнц. – Ташкент, 1964.
- 6.16. Туркестанский авангард. Авторы вступительной статьи: Е.С.Ермакова, Т.К.Мкртычев, М.Л.Хомутова. Каталог выставки. – М., 2009. – 230 с.
- 6.17. Усто Мумин. Мастера искусств об искусстве. Изд. лит. и иск. им. Г.Гуляма. – Ташкент. 1982. – С. 122.
- 6.18. Ўзбекистон давлат санъат музейи. Мухаррир А.Хакимов, макола муаллифи С.Манасьян // Н.Ибрагимова илм. таҳрири остида. – Тошкент, 2004.–263 б.
- 6.19. Ўзбекистон санъати музейи: йўлқўрсатгич. Н.К.Азизова, С.М.Круковская. – Тошкент: Ўзбекистон. 1965. – 116 б.
- 6.20. Чингиз Ахмаров. Хранитель сада / сводный каталог произведений. Текст Н.Ахмедова, общая ред. И.Галеева. – М.: 2010. – 279 с. илл.
- 6.21. XX аср авангарди: Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи жамланмасада // А.Хакимов илмий таҳрири остида. Тошкент, – 2003. – 156 б.

7. Диссертациялар ва авторефератлар (хорижий)


- 7.1. Ахмедова Н.Р. Особенности развития живописи государств Центральной Азии XX века: Дис... докт. искусствоведения. АНУз ИИ – Ташкент: 2003. – 304 с.

- 7.2. Бойко А.Г. Производство изобразительного искусства как предмет искусствоведения и музейной педагогики второй половины XIX – XX вв. Автореф. дис. канд. искусствоведения. – СПб., 2003. – С.40.
- 7.3. Грачева С.М. Отечественная художественная критика XX века: вопросы теории, истории, образования. Автореф. дис... док. искусствоведения. – Санкт-Петербург. 2010. – 45 с.
- 7.4. Куязова Д.Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. ном. дис.. – Тошкент: ЎзМУ, 2009. – 155 б.
- 7.5. Лаковская В.Л. Послевоенная станковая живопись Узбекистана. Основные тенденции. Дис... канд. искусствоведения. – Ташкент: 1984. – 188 с.
- 7.6. Умарова Д. Мустақиллик даври Ўзбекистон рангасвирининг асосий тенденциялари. Санъатшунослик фанлари бўйча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. – 49 б.


**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ “ЎЗБЕКИСТОН
РАНГТАСВИРИ” КОЛЛЕКЦИЯСИ**



Павель Беньков. Дугоналар. 1940. 210х295, мато, мойбўёқ.



**Павель Беньков. Дутор ушлаган қиз. 1947. 138х170, мато,
мойбўёқ.**



**Неъмат Қузибоев. Халқ ҳофизи ва бастакори Юнус Ражабий
портрети. 1954. Мато, мойбӯёқ.**



П.Ган. Тоғдаги кеча. 1953. Мато, мойбӯёқ.




Валентин Фадеев. Қоровул аёл. 1955. Мато, мойбўёқ.



Бахтиёр Бобоев. Тандирчилар. 1969. Мато, мойбўёқ.



Вячеслав Ахунов. Вознесение. 1988. Мато, мойбўёқ.



Абдували Мўминов. Ғилон қишлоғи. 1994. Мато, мойбўёқ¹⁶⁵.

¹⁶⁵ <https://stateartmuseum.uz/gallery>

САМАРҚАНДА ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ТАРИХИ МУЗЕЙИ



**Самуил Дудин. Дарвеш. XX
аср боши. 178x106,5 см. Мато,
мойбўёқ.**



Рихард Зоммер. Кечки ибодат. 1895. 72x80 см. Мато, мойбўёқ.




Акром Сиддикий. Туй. 1930 йиллар. 73x100 см. Фанера, мойбуёқ.




Лев Бурз. Шохи Зинда. 1928. 136х69, мато, мойбўёк.



Лев Бурз. Бухородаги қатл асарига этюдлар. 1939



Надежда Кашина. Сахий ёз. 1958. 90x120 см. Мато, мойбўёқ.



Зинаида Ковалевская. Яна Ватанда. 140x120 см. Мато, мойбўёқ



Николай Карахан. Занги ота. 1930 йиллар. 61,5х60. Мато, мойбўёқ.



Николай Карахан. Ховуз олдида. 1959. 130х95, мато, мойбўёқ.



**Юрий Тальдыкин. Кўхна
Урганч. 1968. 88,5 x 75,
оргалит, мойбўёқ.**



**Евгений Мельников. Оқ
тулпор. 1973 – 1975 йиллар.
180 x 140, мато, мойёбўёқ.**



**Маркел Калонтаров. Натюрморт. “Атиргул ва анорлар”. 1959.
100x80, мато, мойбўёқ.**



**Аслиддин Исаев. Аждодларим
ёққан олов. 1982. 140x102,5,
мато, мойбўёк**



**Аслиддин Исаев. Тўй. 1989.
90x75, мато, мойбўёк**




**Андрей Крикис. Олтин аср. 1988.
100x80 см. Мато, мойбұёқ.**



**Андрей Крикис. Фаришта. 1988. 140x70 см. Мато,
мойбұёқ.**

**И.В.САВИЦКИЙ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ**



**Александр Волков. В.И.Ленин
портрети. 1926. 50,5х71,5 см.
Картон, мойбүёк,**



**Зинаида Ковалевская. Хунарманд аёл. 1980. 139х113 см. Мато,
мойбүёк.**



Михаил Курзин. Бахт. 52 x 72,5 см, картон, гуаш.




Михаил Курзин. Сабзи туграш. 15 x 18 см, картон, гуаш.



Михаил Курзин. Р.Б.Канский портрети. 1946. 46,1 x 35 см, картон, мойбүүк.



Михаил Курзин. Натюрморт сарик қуза билан. 1955. 41,5 x 59 см, қоғоз, гуаш.




Николай Карахан. Гуллаган дарахтлар. 36,5x28 см. Мато, мойбўёк.



Николай Карахан. Карвонсарой. 62 x 60 см. Мато, мойбўёк



Николай Карахан. Чор Минор. 44 x 57 см. Мато, мойбўёк



**А.Ф.Подковыров. Автопортрет. Тогдаги хаворанг кеча. 1935.
101.5x76.4 см. Мато, мойбӯёк.**



Зинаида Ковалевская. Куз. Ёмгир. Мато, мойбӯёк. 121 x 101 см.



**Надежда Кашина. Мисгар. 1947.
66,7 x 87,5 см. Мато, мойбӯёқ**



**Надежда Кашина. Тонг. 1942. 71,5
x 65 см. Мато, мойбӯёқ**



**Надежда Кашина. Пахта
топшириш. 1929. 64,3 x 79,5 см.
Мато, мойбӯёқ**



**Ўрол Тансиқбоев. Мовий манзара.
1936. 110x110 см. Мато, мойбӯёқ**




Александр Волков. Қизил конвой (обоз). 1931 – 1934 йиллар. Мато, мойбўёк



Оганес Татевосьян. Нон сотувчилар. 1925. Мато, мойбўёк.



Игор Савицкий. Қават қалға. Миноралар. 1956. Мато, мойбүек¹⁶⁶



Игор Савицкий. Хива. Картон, мойбүек¹⁶⁷

¹⁶⁶ С.Горшенина фотосурати, 30.11.2017.

¹⁶⁷ *Les Survivants des Sables Rouges* . 201-бет.

КУЛТАШЕВА НИГОРАХОН ДАНИЯРОВНА

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИДА МИЛЛИЙ РАНГТАСВИР КОЛЛЕКЦИЯЛАРИ

*Мухаррир М.Талипова
Мусахҳих И.Турсунова
Саҳифаловчи Б.Ҳайдаров*

Босишга рухсат этилди: 07.05.2022 й.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Офис қоғози. Ризограф усулда.
“Times” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11,3.
Нашр ҳисоб табоғи 10,8.
Адади 100 нусха. Буюртма № 27-12.

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кушбеги, 6.

ISBN 978-9943-9415-2-6



9 789943 941526